



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

№1 (37) 2019

АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

Масофавий таълим тизимининг
замонавий ўқитиш
технологиялари

Когнитивные и эмоциональные
характеристики психологической защиты
обвиняемых при проведении допросов

Восстановительное правосудие в отношении
несовершеннолетних: международно-правовые
нормы и анализ зарубежной практики

Терроризм тушунчаси ва
унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий
асослари



THE ACADEMY OF
THE GENERAL PROSECUTOR'S OFFICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN





МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Ғофиржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Рахимов
Ботир Қудратходжаев
Умар Халилов
Халим Болтаев
Рустам Гафуров
Худойқул Азизов
Аброр Отажонов
Мирақбар Раҳмонқулов
Музаффар Мамасиддиқов
Мансурхон Камолов
Бахтиёр Пўлатов
Фаҳри Раҳимов
Сурайё Раҳмонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли ғувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январ ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Академияси Ахборотнома-си»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олман.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

web-site: www.procademy.uz

e-mail: procademy@prokuratura.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобоҷонов

•Буюртма №__ Адади:1000

•Журнал "Аргументы и факты Узбекистан" МЧЖ ҚҚ босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

Б.Пўлатов	Масофавий таълим тизимининг замонавий ўқитиш технологиялари	1
Ю.Пулатов Г.Тулаганова	Когнитивные эмоциональные характеристики психологической защиты обвиняемых при проведении допросов	4
М.Мамасиддиқов	Олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси	8
В.Каримов	Тезкор-қидирув фаолиятида ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги ва нисбати	12
У.Тухташева А.Ачилов.	Полномочия суда и виды апелляций Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар, уларнинг олдини олиш ва жавобгарлик масалалари	16
С.Ниязова	Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятини квалификация қилиш масалалари ва хориж тажрибаси	19
Ж.Иброҳимов	Терроризм тушунчаси ва унга қарши курашининг жиноят-ҳуқуқий асослари	24
Л.Югай	Сравнительно-правовой анализ регламентации дактилоскопической регистрации в Республике Узбекистан	29
Г.Таирова	Прокуратура органлари фаолиятини психологик таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари	33
Д.Усмонов	Шартли ҳукми қўллаш асосларини такомиллаштириш	37
Н.Ҳожиёв	Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик масалалари	42
Б.Турдиев	Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари	46
А.Давронов	Получение взятки в виде криптографической валюты	49
Л.Исоқов	Миграция соҳасида қонун устуворлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари	54
С.Икрамов	Юридик шахслар жиноий жавобгарлик институтини назарда тутувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили	58
Д.Валижонов	Международное сотрудничество органов прокуратуры по борьбе с преступностью	61
Д.Тураева	Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини такомиллаштириш: ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича	65
Ф.Мируктамова	Восстановительное правосудие в отношении несовершеннолетних: международно-правовые нормы и анализ зарубежной практики	68
З.Тоштемиров	Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жиноятининг объекти	73
		80

Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси профессори, юридик фанлар доктори

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

- ✦ Мақолада замонавий масофавий таълим тизими тушунчаси, унинг ривожланиш тарихи, ўқитиш шакллари, имкониятлари, анъанавий ўқитиш шаклидан фарқи, унинг Ўзбекистонда шаклланишининг ҳуқуқий асослари ёритилган.
- ✦ В статье освещено понятие системы современного дистанционного обучения, его историческое развитие, формы, возможности обучения, различие от формы традиционного обучения и развитие правовых основ в Узбекистане.
- ✦ The article highlights the definition of modern distant learning, its historical development, forms, education facilities, the difference between traditional education and the development of legal education in Uzbekistan.

Таянч сўзлар: Интернет, ахборот алмашиш, масофавий ўқитиш, интернет технологиялар, ўқитиш шакллари, тарих, ўқитиш дастурлари, Ўзбекистон Республикасида электрон таълим.

Ключевые слова: Интернет, обмен информацией, дистанционное обучение, интернет технологии, форма обучения, история, программа обучения, электронное обучение в Узбекистане.

Key words: internet: internet, information exchange, distance learning, internet technologies, form of education, history, program of education, e-learning in Uzbekistan.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида замонавий масофавий ўқитиш технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш жараёни жадал ривожланмоқда. Интернет технологиялари ва масофавий ўқитишдан фойдаланиш мутахассисларнинг мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўқиши, қўшимча маълумот олиши учун янги имкониятларни очиб беради.

Масофавий ўқитиш — ўқувчиларга асосий ўрганиладиган материаллар ҳажмини етказиб беришни, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг (тьюторларнинг) ўқув жараёнида интерфаол ҳамкорлигини, ўқувчиларга ўрганиладиган материалларни ўзлаштириш бўйича ҳамда ўқув жараёнида мустақил ишлаш учун шароит яратиб беришни таъминладиган технологиялар жамламасидир.

Масофавий ўқитиш тарихи. XVIII аср охирида Европада мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Ўқувчилар почта орқали ўқув материаллари олардилар, ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ва ил-

мий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди.

XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши билан характерланади, телеграф ва телефон кириб келди. Бир вақтнинг ўзида “корреспондентлик ўқуви” даври давом этди, жаҳоннинг кўпчилиги олий ўқув юртларида анъанавий ўқув шакллари қаторида бундай ўқув шакли ҳам олиб борилди ва ҳозир ҳам олиб борилмоқда.

Радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши эса масофавий ўқитиш усулларида янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётида кескин ўсиш билан боғлиқ бўлиб, ўқувчилар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50 йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги ўқувчида қайтарув учун алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди.

1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилиб, “Буюк Британия Очиқ Университети” деб номлан-

ди. Уни бундай номланишининг сабаби, машғул аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи бошқа машҳур университетлар ҳам мавжуд. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974) Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғуллар олиб борилади), Хаген очик университети (Германия), INTEC колледж Кейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия ҳудудий ахборот тармоғи ва бошқалар.

Ўтган асрнинг 80 йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар турли ўйинлар шаклида компьютерларда пайдо бўлди. Бундай ўқитиш жараёнининг сифатли ташкил этилишига ҳисса қўшганлардан бири SCORM (Sharable Content Object Reference Model) ҳисобланади. 2003 йилда ADL ташаббускор гуруҳ SCORM интернет-технологияларни кенг қўллашни кўзда тутувчи масофавий интерфаол ўқитиш стандартларни ишлаб чиқишни бошлади. Бундай стандартларнинг киритилиши масофавий ўқитиш таркибига ҳамда уларни дастурий таъминлашга бўлган талабларни чуқурлаштиришга шароит яратди. Ҳозирги кунда жаҳонда ишлаб чиқилган миллий дастурий таъминот мавжуд бўлиб, улар масофавий ўқитиш бўйича хизматларни тақдим қилувчи ҳам миллий, ҳам хорижий ташкилотлар томонидан етарли даражада кенг қўлланмоқда.

Масофавий ўқитиш шакллари. Маълумки, ҳозирги кунга қадар ўқитишнинг анъанавий шакли бўлган синф-дарс тизимида маъруза, семинар, лаборатория ишлари, амалий машғуллар, масалалар ечиш, тажрибалар ўтказиш, назорат иши, назорат тести, консультация ва мустақил ишлар каби энг таниқли шакллари ишлаб чиқилган.

Масофавий ўқитиш жараёнида юқорида қайд этилган ўқитиш шакллари ўз ўрнига эга ҳисобланади. Буларнинг айримларини кўриб чиқиш мумкин.

Маъруза — назарий тайёрлашга қаратилган ўқув машғулларининг асосий шакли ҳисобланади. Масофавий ўқитишда маърузага бўлган умумий, яъни илмийлик, шакл ва мазмун бирлиги, ўқув машғулларининг бошқа турлари билан алоқаси каби талаблар сақланиб қолади.

Консультациялар — бу ўқув материалларни мустақил ўрганишда таълим олувчи билан ишлаш, унга ёрдам кўрсатиш тарзида ўтказиладиган машғулларнинг бири бўлиб, индивидуал ва гуруҳлараро бўлиши мумкин. Консультациялар вақтида тингловчининг индивидуал хусусиятларидан интеллектуал, ахлоқ сифатлари, айниқса, онг ва психологик хусусиятларидан диққат, хотира, ўйлаш, фикрлаш каби қобилиятлари юзага чиқади.

Лаборатория ишлари — машғулларнинг бу турлари ўқитиш жараёнида ўзига хос хусусиятига кўра катта аҳамиятга эга бўлиб, буларни виртуал шаклда амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилган.

Назорат ишлари — масофавий ўқитиш жараёнидаги назорат ишлари, тингловчиларнинг ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш натижаларини текшириш билан боғлиқ.

Мазкур йўналишдаги мавжуд тажрибаларнинг таҳлилига кўра, назорат ишларини ташкил этишда кўпчилик мутахассислар билимни баҳолашда тестни танлашади ва унинг афзаллиги сифатида кўп сонли таълим олувчиларнинг билимини тезкор текшириш ва ўзлаштиришни бир хил кўришда намоён қилиш имкониятини таъкидлашган. Лекин, баъзи мутахассислар тест билан биргаликда фанга оид берилган савол, машқ ва топшириқларни ҳам маъқуллайдилар.

Бизнинг фикримизча, баҳолашда тест усулининг устун томонлари бўлиши мумкин, лекин таълим олувчининг компетентлиги ва касбий маҳоратини баҳолашнинг ягона тизими бўла олмайди. Шунинг учун масофавий ўқитиш курсида турлича баҳолаш шаклларида фойдаланилди. Бундай баҳолаш шаклларида диагностик саволлар, ўзини-ўзи текшириш учун ижодий шаклдаги машқ ва топшириқлар киради.

Вебинар — махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали тингловчилар билан интерфаол ўқув машғулларини ўтказиш шакли. Вебинар термини инглизча “webinar” сўзидан олинган бўлиб, тармоқ орқали семинар маъносини билдиради.

Масофавий малака ошириш технологиялари. Тажрибалар таҳлилига кўра, масофадан ўқитишнинг корреспондентлик, кейс, телевидение, тармоқли, мобиль технологиялари мавжудлигини кўриш мумкин.

Корреспондентлик таълими — корреспондентлик таълимида таълим олувчига ўқув материаллари берилади ва унга маслаҳат берадиган, назорат ишларини текширадиган тьютор бириктирилади. Таълим муассасасида бевосита учрашувлар белгиланади. Ахборот алмашилиш асосан, анъанавий почта орқали амалга оширилади.

Кейс-технология — бу технологияда ўқув-методик материаллар махсус тўплам “кейс” кўри-

нишида таълим олувчига мустақил ўрганиш учун берилади ва унга тьютор томонидан вақти-вақти билан маслаҳатлар бериб, ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар белгиланган жадвал асосида назорат қилиб борилади.

ТВ-технология — бунда машғулотлар телевидение орқали малакали мутахассис томонидан олиб борилиши назарда тутилади. Телевизор орқали берилган маърузаларни айна бир вақтнинг ўзида минглаб тингловчилар кўриши имконияти мавжуд. Лекин тьютор билан тингловчи ўртасида ўзаро алоқа йўқлиги бу технологиянинг камчилиги сифатида эътироф этилган.

Тармоқли технология — Интернет тармоғи орқали таълим олувчиларни ўқув-методик материаллар билан таъминлаш ҳамда турли хил интерфаол алоқалар воситасида тьютор билан тингловчининг ўзаро ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Бу бугунги кунда истиқболли порлоқ ва ривожланиб бораётган масофавий ўқитиш технологияси ҳисобланади.

Мобил технология — бунда таълим олувчилар масофавий ўқитиш жараёнида ўзларининг шахсий мобил телефонларидан фойдаланган ҳолда малака оширишлари назарда тутилади.

Мазкур масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш таълим жараёнида куйидаги имкониятларни яратади:

- машғулотлар ўтказиш билан боғлиқ моддий сарф-харажатларни камайтиради;
- чекловсиз, кўп сонли тингловчилар билан машғулотлар ўтказиш мумкин;
- замонавий воситалар, катта ҳажмли электрон кутубхона ва бошқаларни қўллаш ҳисобига ўқитиш сифатини ошириш мумкин;

— ягона таълим майдонини яратиш мумкин.

Шунингдек, масофавий ўқитиш билан амалиёт интеграцияси таъминланади. Жумладан, масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмасдан, ишдан ажралмаган ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади.

Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитишни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сон Фармони асосида Бош прокуратура Академиясининг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, видеоконференция алоқа ва масофавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда "Электрон таълим" миллий тармоғига уланишни таъминлаш қайд этилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармонга илова қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"да масофавий "Электрон" таълим тизимининг ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгиланган. Мазкур "Электрон" таълим тизимининг ташкил этилиши прокуратура органлари ходимлари малакаси ва билим савияларини оширишда самара беради.



¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сон Фармони.

². <http://www.sciencedebate2008.com/chto-takoye-distantsionnoye-obucheniye/> Что такое дистанционное обучение? Формы и преимущества дистанционного образования.

³. <https://www.ispring.ru/elearning-insights/chto-takoe-distantsionnoe-obuchenie> Что такое дистанционное обучение: от почтовой рассылки до виртуальной реальности.

Пулатов Юрий Сайфиевич,
 профессор кафедры общетеоретических правовых дисциплин
 Военно-технического института Национальной гвардии
 Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Тулаганова Гулчехра Захитовна,
 профессор кафедры уголовного права и криминологии
 Ташкентского государственного юридического университета,
 доктор юридических наук, профессор

КОГНИТИВНЫЕ И ЭМОЦИОНАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ОБВИНЯЕМЫХ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ДОПРОСОВ

◆ В статье рассматриваются вопросы когнитивных эмоциональных характеристик психологической защиты обвиняемых при проведении допросов в процессе расследования преступлений.

◆ Мақолада сўроқ қилиш ва жиноятни тергов қилиш жараёнида айбланувчиларни психологик ҳимоя қилишнинг когнитив ва ҳиссий тавсифи масалалари кўриб чиқилган.

◆ In this article envisaged the matters of cognitive emotional characters of psychological protection accused persons in carrying of interrogation process.

Ключевые слова: когнитивные эмоциональные характеристики, психологическая защита, обвиняемые, допрос, саморегуляция личности, вербальные описания, бесконфликтные и конфликтные ситуации.

Таянч сўзлар: когнитив ҳиссий тавсиф, психологик ҳимоя, айбланувчилар, сўроқ, шахсининг ўзини-ўзи бошқариши, вербал тасвирлаш, ихтилофсиз ва ихтилофли вазиятлар.

Key words: cognitive emotional characters, psychological protection, accused, selfregulation of person, verbal description, unconflictious and unconflictious situation.

В ч.1 ст.26 Конституции Республики Узбекистан закреплено положение, что «каждый обвиняемый в совершении преступления, считается невиновным, пока его виновность не будет установлена законным порядком...». Из этого положения следует, что для установления виновности лица в совершении преступления важно провести комплекс процессуальных действий, среди которых важное значение имеет такое следственное действие как допрос.

Не случайно в ст.225 УПК РУз установлено, что с момента задержания подозреваемого лица в совершении преступления его необходимо допросить не позднее двадцати четырех часов. Как показывает практика, эта нормативно-процессуальная процедура проводится сразу же после задержания подозреваемого лица в преступлении.

Однако, как известно, проведение допроса требует определенной предварительной подготовки, во время которой дознаватель или следователь изучает личность задержанного с использованием различных методов (анкетных данных, анализа совершенного правонарушения проступ-

ка и т.д.) и, прежде всего, его психологические свойства для достижения положительного контакта при допросе [1]. Безусловно, профессионально подготовленное лицо, проводящее допрос, в случаях, если оно ранее допрашивало задержанного до совершения данного преступления (по прошлым совершенным им преступлениям) или уже хорошо информированного по проверочным и оперативным материалам, может «сходу» провести квалифицированный допрос. В то же время, это сделать молодым сотрудникам правоохранительных органов, не имеющим определенного опыта весьма сложно, а спонтанно проведенный им допрос может не дать важной необходимой и достоверной информации по совершенному преступлению и ему придется проводить последующие дополнительные допросы.

Учитывая данные обстоятельства, авторами сделана попытка несколько дополнить информационный фонд подготовки и проведения допроса с использованием когнитивных характеристик, связанных с психологической защитой обвиняемых при проведении допроса, что может помочь молодым сотрудникам, осуществляющих расследо-

вание преступлений. Общеизвестно, что процессуально правильно проведенный допрос — залог дальнейшего расследования преступления.

На совершенствование расследования преступлений, в частности в ОВД, направлено и Постановление Президента Республики Узбекистан от 18 апреля 2017 г., № ПП-2898 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений» [2]. Успешная реализация требований данного нормативно-правового акта возможна лишь при эффективном использовании норм уголовно-процессуального законодательства с активным применением методов психологии в изучении личности виновного лица.

Следует отметить, что проблема саморегуляции поведения личности приобретает особую актуальность на современном этапе социального развития общества. Трансформационные социальные процессы, происходящие в различных сферах современной жизни, предъявляют высокие требования к характеристикам выбора и ответственности человека за принимаемые решения.

Поведение, сопряженное с выбором и ответственностью, предполагает задействование механизмов саморегуляции личности.

Феномен саморегуляции включает как сознательные, так и бессознательные механизмы ее функционирования. К разряду бессознательных механизмов регуляции поведения относятся психологические защиты личности.

Однако в некоторых работах отмечается, что психологические защиты могут функционировать на сознательном уровне [3]. Мы рассматриваем защиту в широком смысле слова как различные формы поведения сознательного и бессознательного характера, имеющей целью сохранить суверенность и безопасность личности.

Психологические защиты личности — один из наиболее плодотворно изучаемых в последнее время психологических феноменов. В современной психологии сложилось представление о защитных механизмах как своеобразных «функциональных органах» приспособления к неопределенной, непредвиденной интрапсихической или интерпсихической ситуации, потенциально угрожающей психическому как целому [4].

Психологическая защита направлена на ограждение сознания от неприятных, травмирующих переживаний, разрешение интрапсихических внутренних конфликтов, поддержание позитивного образа «Я» субъекта на внутриличностном и межличностном уровнях анализа и устранение психического дискомфорта [5].

Психологическая защита позволяет человеку сохранить свой социальный облик, соответствующий ожиданиям и требованиям значимого окружения.

Современные исследователи изучают причины и закономерности их образования, генез, функции, динамику защитных механизмов и факторы их вариативности, показатели различения, индивидуальные личностные особенности, с ними связанные, эффективность защитных механизмов в регуляции социальных отношений.

Однако до настоящего времени остаются неизученными особенности психологических защит преступников, реализуемых в содержании материалов следственных действий. В вербальных описаниях материалов допросов и иных следственных действий раскрываются установки обвиняемых, подозреваемых, находящихся выражение в них защитах. Отношение обвиняемого к совершенному преступлению, предъявляемому обвинению, зависит от позиции, занятой им в момент расследования уголовного дела.

В зависимости от позиции обвиняемого криминалисты подразделяют ситуации допроса на *бесконфликтные* и *конфликтные*. **Бесконфликтная ситуация** допроса характеризуется признанием обвиняемым объективно установленных фактов и его готовностью давать правдивые показания. **В конфликтной ситуации** обвиняемый отказывается давать показания или дает ложные показания.

Психологические защиты, используемые обвиняемыми, зависят от мотивов их поведения в период расследования. К примеру, ряд исследователей указывают на следующие мотивы поведения обвиняемого в конфликтной ситуации расследования: желание избежать ответственности, смягчить наказание, стремление быстрее освободиться от внутреннего напряжения, облегчить себе условия содержания под стражей и т.п. [6]

Изучение вопроса о механизмах психологической защиты преступников в ситуации допроса имеет свою специфику, которая заключается в следующем. При проведении допроса возможны следующие варианты фактического содержания обстоятельств дела и позиции, занимаемой человеком в ситуации предъявления ему обвинения. Все множество реакций человека можно разделить на четыре случая (см. таблицу)

Специфика механизма психологической защиты преступников в ситуации допроса

Случай	Действия субъекта	Занимаемая позиция субъекта
<i>Первый</i>	субъект совершил преступление	<i>он признает вину</i>
<i>Второй</i>	субъект совершил преступление	<i>он не признает вину</i>
<i>Третий</i>	субъект не совершал преступления	<i>он признает вину</i>
<i>Четвертый</i>	субъект не совершал преступления	<i>и он не признает вину</i>

Что касается позиции субъекта в первом и четвертом случаях, то они отражают объектив-

ное положение вещей (человек говорит правду). Во второй и третьей позициях субъекта речь идет о наличии искажений в сообщаемой человеком информации. В этих случаях субъект будет прибегать к защитным стратегиям поведения, объединяющим, как правило, сознательные и бессознательные элементы психологической защиты.

Мотивация человека, сообщаемого недостоверную информацию, будет связана с нежеланием нести уголовную ответственность за содеянное. Это происходит в случае, когда человек, совершивший преступление, не признается в содеянном.

В случае, когда человек принимает на себя вину за преступление, которое он не совершал, решаются проблемы, не связанные с данным преступлением (повышение статуса в преступной группе, боязнь расплаты за другие преступления и т.п.).

Специфика задействования психологических защит в ситуациях допросов связана **со следующими характерными особенностями.**

1. *В процедурах допросов, последствия которых сопряжены с уголовной ответственностью за свои деяния, человек задействует, прежде всего, сознательные механизмы психологической защиты.* В связи с этим при изучении психологических защит преступников речь идет о словообразных механизмах саморегуляции личности. Они, скорее, имеют сходство с копинг-стратегиями — механизмами совладающего поведения, представляющими собой активные и конструктивные способы взаимодействия с проблемными, кризисными или стрессовыми ситуациями.

2. *В субъективном описании преступником совершенного им криминального деяния сочетаются как сознательные, так и бессознательные механизмы регуляции поведения.* Основанием для привлечения сознательных механизмов регуляции поведения являются конституционно закрепленными правами возможности юридической защиты человека в процедурах судопроизводства (ст. 26 Конституции Республики Узбекистан, которая гласит: «Каждый обвиняемый в совершении преступления, считается невиновным, пока его виновность не будет установлена законным порядком, путем гласного судебного разбирательства, при котором ему обеспечиваются все возможности для защиты» и, соответственно он не обязан свидетельствовать против самого себя) [7]. Кроме того, обвиняемый имеет право, предусмотренное ст. 46 УПК РУз, возражать против обвинения, отказаться от дачи показаний, представлять доказательства и др.

Использование осознаваемых механизмов позволяет человеку проявлять свою активность в защите суверенности собственной личности. Защищая себя, личность проявляет качества субъектности.

Использование бессознательных механизмов психологической защиты диктуется потребностью сохранить позитивной Я-образ как на внутриличностном, так и на межличностном уровнях, и устранить психологический дискомфорт. Использование конкретных защитных механизмов каждым человеком определяется уникальностью индивидуальных стратегий приспособления человека к явлениям внешнего мира.

3. *Каждый допрашиваемый имеет индивидуально своеобразное сочетание сознательных и бессознательных механизмов защиты личности, обусловленное его личностными особенностями.*

Сознательные механизмы саморегуляции в виде психологических защит, используемые преступниками, не являются конструктивными и эффективными в силу асоциального характера совершенного ими деяния.

Благодаря сознательным механизмам психологической защиты Я защищает себя от внешней угрозы (уголовное наказание).

Благодаря бессознательным механизмам психологической защиты сохраняется Я-концепция личности, самость человека (искаженное восприятие).

Сознательные механизмы психологической защиты личности, используемые преступниками, сводятся к отрицанию либо преуменьшению собственной вины.

В проведенном эмпирическом исследовании объектом изучения являлись защитные стратегии поведения обвиняемых в совершении преступления (корыстного, корыстно-насильственного и насильственного характера). Предмет исследования — когнитивные и эмоциональные характеристики поведения, представленные в описаниях совершенного преступления обвиняемыми в материалах протоколов допросов. Процедура исследования: вербальная информация, содержащаяся в 83 протоколах допросов, была подвергнута содержательному анализу, целью которого являлось нахождение когнитивных и эмоциональных противоречий в тексте рассказа.

Под когнитивным противоречием мы понимаем несоответствие описываемых действий субъекта заявленному мотиву. **Под эмоциональным противоречием** мы понимаем несоответствие эмоциональных реакций человека, представленных в протоколе допроса, заявленному мотиву поведения.

Для преступников, имеющих в ситуации предъявления обвинения позиции первого и четвертого типа, в структуре рассказа характерно отсутствие эмоциональных и когнитивных противоречий. Приведем следующий пример, представленный обвиняемым в протоколе допроса: «Он там что-то орал, залетел в дверь. Я здесь вообще растерялся, чуть ружье не уронил. Руки пря-

мо вот так дрожали, никакой точности в принципе вообще, речи вообще не могло идти. Стрельнул в него». Здесь мы наблюдаем соответствие описываемых действий переживаемому состоянию человека при этом.

У преступников, имеющих в ситуации предъявления обвинения позиции второго и третьего типа, в вербальной информации, представленной в материалах допросов, могут быть когнитивные и эмоциональные противоречия. Противоречия объясняются сложностью учета всех компонентов субъект-субъектных и субъект-объектных отношений, представляемых в структуре рассказа. Приведем следующий пример, представленный обвиняемым в протоколе допроса: «Первым вошел в квартиру М., я зашел в квартиру следом за М., в правой руке у меня был нож, который

мне передал. На полу лежал С., которому я нанес два удара ногой возможно по голове, но точно я не помню, возможно удары нанес по телу С. Все время, когда я находился в квартире у С., складной нож, который мне передал К., находился у меня в правой руке, однако ножом С. я не угрожал». Здесь обвиняемый отрицает очевидное: наличие ножа в руке при нападении априори является угрозой.

Полученные характеристики связи между показателями вербальной информации допрашиваемых и психологическими защитными механизмами могут быть использованы в юридической практике при проведении следственных действий (допрос, проверка показаний на месте события) с допрашиваемыми; при анализе достоверности показаний обвиняемых и подозреваемых.



1. См., например: Пулатов Ю.С. Допрос подозреваемого при расследовании взяточничества в сфере образовательной деятельности //«XXI век – век инновационно-интеллектуальных идей: Труды Республиканского научно-практического семинара. – Т.: Ўзбекистон Миллий университетети, 2014. – С. 240-241.
2. Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017 г., № 17, ст. 290.
3. См., например: Соколова Е.Т. Феномен психологической защиты//Вопросы психологии. – Москва, 2007. - № 4. - С. 66–79.
4. См.: Соколова Е.Т. Указ. соч. – С. 72–77.
5. Психология: Словарь / Под общ.ред. А. В. Петровского, М. Г. Ярошевского. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Политиздат, 1990. - С. 220.
6. Об этом см.: Коченов М.М., Ефимова Н.И., Кривошеев А.С., Ситковская О.Д. Цели, содержание и приемы изучения следователем психологии обвиняемого //Юридическая психология / Сост. и общ.ред. Т. Н. Курбатовой. - СПб.: Питер. 2001. - С. 205–237.
7. Подробнее см.: Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – С. 157-163.

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг марказ бошлиғи,
юридик фанлари доктори, профессор**

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

◆ Мақолада мамлакатимизда олий таълимдан кейинги таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтилган. Унда ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Германияда илмий кадрларни тайёрлаш соҳасида олиб борилган ишлар, немис амалиётининг мамлакатимиздаги мавжуд амалиёт билан қиёсий таҳлили ўрин олган. Германиянинг илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги тажрибаси асосида мамлакатимизда олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий тақлифлар илгари сурилган.

◆ В статье освещаются меры, которые предпринимаются для развития системы послевузовского образования в нашей стране. Сделан сравнительный анализ немецкой практики в области подготовки научных кадров с существующей практикой в нашей стране. На основе опыта Германии в области подготовки научных кадров были даны практические рекомендации по дальнейшему совершенствованию системы послевузовского образования в нашей стране.

◆ The article highlights the measures that are being taken to develop the system of postgraduate education in our country. A comparative analysis of the German practice in the field of training of scientific personnel with the existing practice in our country. On the basis of the German experience in the field of scientific personnel training, practical recommendations were given for the further improvement of the postgraduate education system in our country.

Таянч сўзлар: таълим, фан, илмий-тадқиқот, докторантура, мустақил изланувчи, илмий кадрлар тайёрлаш, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Ключевые слова: образование, наука, исследования, докторантура, самостоятельный соискатель, подготовка научных кадров, зарубежный опыт, усовершенствование.

Key words: education, science, research, doctoral studies, independent researcher, training of scientific personnel, foreign experience, improvement.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ амалга оширилиши бошқа соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Қисқа давр ичида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, ҳозирги кунда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада

такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори³ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Бироқ бугунги кунда замон талабларидан келиб чиқиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ил-

фор хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги амалиётини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Зеро, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганмай туриб, ушбу соҳани янада такомиллаштириш, таълим – фан – амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш қийин кечади.

Илмий кадрлар тайёрлаш борасида бошқа хорижий давлатларга қараганда Германия тажрибаси ўзига хос жиҳатлари, шунингдек мамлакатимиз таълим тизимидаги айрим ўхшашликлар билан ажралиб туради. Германияда ҳам мамлакатимизда бўлгани каби илмий ходимларни тайёрлаш университетларда, касбий йўналтирилган олий ўқув юртларида ҳамда кўплаб илмий марказларда амалга оширилади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Германияда олий ўқув юртларининг сони 400 дан ортиқни ташкил этиб, улар анъанавий турдаги университетлар, янги намунадаги университетлар, федерал университетлар, умумий олий мактаблар, илмий бадий ва олий мусикий мактаблар, илмий педагогик олий ўқув юртлари ва университетлар, техник ва муҳандислик йўналишидаги олий илмий мактаблар, олий черков мактаблари, ихтисослашган олий мактаблар, хусусий олий мактаблардан иборат. Олий илмий мактаблар магистр илмий даражаси билан бирга фан доктори (Promotion), шунингдек докторлик олий илмий даражасини (Habilitation) беради.⁴

Болонья тизими жорий этилиши муносабати билан ҳамда таълим стандартларини бирхиллаштириш талабларидан келиб чиқиб Германия кадрларни тайёрлашнинг икки поғонали тизими: бакалаврият ва магистратурага ўтди. Беш йиллик ўқиш ўрнига талабалар уч йил бакалавриятда, икки йил магистратурада таҳсил олади ва тегишлича Bachelor/Master of Science ёки Bachelor/Master of Education (ўқитувчи) малакасини олади.

Олий таълимдан кейинги таълим тизимининг тузилиши ва талаблари борасида Германия тажрибаси мамлакатимизда шаклланган амалиётнинг айрим жиҳатлари билан ўхшаш. Масалан, мамлакатимиздаги олий таълимдан кейинги таълим институти каби Германияда фан доктори илмий даражасини олиш учун талабгор махсус ўқув дастури доирасида муайян тадқиқот иши билан шуғулланиши, имтиҳон топшириши ва диссертация ишини ёзиши талаб этилади. Докторлик диссертацияси тадқиқоти билан шуғулланишга факатгина магистр даражасига эга бўлганларга рухсат берилади.

Германияда олий таълимдан кейинги таълим талабгорнинг диссертация ишини якунлаб, диплом олиши билан нўхоясига етади. Фан доктори илмий даражасини олишда докторантура (Promovieren) муҳим ўрин тутди.

Анъанавий немис моделига кўра, докторантлар (Promovierende) илмий раҳбарларни олий ўқув

юртининг профессор-ўқитувчилари таркибидан (Doktorvater ёки Doktormutter) ўзлари излайдилар ва уларнинг мураббийлиги остида диссертация иши устида ишлайдилар. Германия тажрибаси бу борада мамлакатимиздаги мавжуд амалиёт билан жуда ўхшаш.

Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиш уч йилгача давом этади. Германияда эса ўқиш муддати одатда уч йилдан беш йилгача белгиланган. Германияда мамлакатимизда бўлгани каби изланувчи диссертация иши билан шуғулланиш мақсадида университет ёки илмий тадқиқот муассасасини ўзи мустақил танлайди.

Германияда илмий мактаблар асосан кооперациявий (ишни биргаликда ва меҳнат тақсимоли асосида ташкил этиш формаси) тусга эга бўлиб, илмий мактаблар фаолиятларини илмий тадқиқот муассасалари ёки ишлаб чиқарувчилар билан бирлашган ҳолда олиб боради. Масалан, тадқиқот институтларининг кенг тарқалган тармоқлари (Макс Планк (MPG), Гельмгольц (Helmholtz-Gemeinschaft), Лейбниц (WGL) ва Фраунгофер (Fraunhofer-Gesellschaft (FhG) каби жамиятлари) мавжуд бўлиб, улар докторлик даражасини бериш ҳуқуқини олиш мақсадида университетлар билан ҳамкорлик қиладилар. Бу каби тадқиқот марказлари тадқиқотчиларга турли степендиялар ёки меҳнат шартномасини таклиф қиладилар. Маълумки, Германия корпоратив фан ривожланган давлат ҳисобланади. Саноат компаниялари университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда ўзларининг мустақил тадқиқот институтларини ташкил этиб, унда тадқиқотчилар меҳнат шартномаси асосида профессорларнинг илмий раҳбарлигида ҳамда иш берувчиларнинг молиявий кўмаги остида докторлик диссертацияси билан шуғулланидилар.

Илмий-тадқиқот институтлари ва саноат компаниялари ўз сайтларида ва интернет-порталларида бўш ўринлар ҳақида эълон бериб борадилар. Мамлакатимизда мавжуд бўлгани каби Германияда мустақил тадқиқот билан шуғулланувчи диссертантлар ўзларининг шахсий режаларига эга бўлиб, ушбу режа, докторантлардан фарқли равишда, ўз номи билан эркинликка, мослашувчанликка ва тадқиқотчининг масъулиятига асосланган. Илмий-тадқиқот институтлари ва саноат компанияларига бириктирилган ва у жойда меҳнат шартномаси асосида илмий тадқиқот билан шуғулланаётган докторантларнинг ўқув дастурларида эса мажбурий равишда маърузалар ёки турли илмий семинарлар ва оралиқ аттестациялар (credit points) киритилади. Бу тадбирлар ўз навбатида илмий янгиликларни амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашади.

Мамлакатимизда ҳам бу каби амалиёт қўлланилиб келинади. Масалан, Олий ўқув юртидан

кейинги таълим тўғрисидаги низомнинг 29-бандида илмий раҳбар докторант учун ихтисослик бўйича назарий-методологик дастур ишлаб чиқиши, ушбу дастур методологиянинг умумий концепцияси ва масалаларини, ихтисослик бўйича назарий асосларни ва илмий тадқиқот усулларини ўз ичига олиши, дастур таянч докторант томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий раҳбарнинг ёрдамида ўзлаштириши белгиланган.⁵

Ўз навбатида диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режанинг ҳамда ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастурнинг мавжудлиги ва унинг бажарилишини коллегиял орган томонидан мониторинг қилиб борилиши Германия тажрибасида ҳам учрайди. Германияда тадқиқотчиларга махсус дастур асосида тизимли ва самарали раҳбарликнинг амалга оширилиши ўз навбатида докторлик диссертацияларини уч йилда ҳимоя қилиш имконини беради.

Германияда олий таълимдан кейинги таълим институтида ўқиш амалиётга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Илмий семинарларда тадқиқотчилар амалиётга жорий этиладиган лойиҳалар устида ишлайдилар. Машғулотларда назарий маърузалар эмас, балки реал машғулотлар, тажрибалар ўтказилади ва иш амалиётига эга бўладилар. Шунинг учун Германияда таълим билан амалиёт ўртасидаги тафовут жуда қисқа. Маълумотларга қараганда, Германияда докторантларнинг 83 фоизи (156 600 нафар) иш берувчилар билан меҳнат муносабатларига киришган бўлиб, уларнинг 76 фоизи (126 000 нафар) университетларда, биринчи навбатда, табиий фанлар бўйича, 8 фоизи (12 400 нафар) илмий тадқиқот муассасаларида, қолганлари эса саноат соҳасида фаолият олиб боради.⁶ Докторантларни университет ва илмий тадқиқот муассасаларига ишга жойлашиши борасидаги бу хилдаги амалиёт ўз навбатида тадқиқотчиларни бевосита фан билан машғул бўлишлари учун кенг имконият беради. Германияда мазкур тизим ёш олимлар учун меҳнат бозорига кириш учун қулай шароит яратиб бериши билан алоҳида ажралиб туради.

Бир сўз билан айтганда, Германияда докторантура инновация яратувчи ва ёш мутахассиснинг ўз касбий фаолиятини бошлашга асос солувчи таълим, фан ва тижорат ўзаро туташган институт ҳисобланади.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш лозимки, Германияда академик бозор жуда шаффоф: докторантура, илмий раҳбар, бўш жойлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва фондлар ҳақида сайтларда эркин маълумотлар олиш, онлайн тизими орқали барча саволларга жавоб олиш имкони яратилган.

Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда Германия диссертация ишлари ҳимояси бўйича бошқа давлатлар ичида етакчи ҳисобланади (бир йилда 25 000 та). Масалан, Германияда 81,8

млн. аҳоли бўлса, ҳар минг аҳолига 2,45 докторант тўғри келади. Фан докторлари (Promotion) 28,1 минг, олий даражадаги фан докторлари (Habilitation) - 1,6 минг ҳамда профессорлар 45,7 минг нафарни ташкил этади. Битта профессорга ўртача 9 нафар докторант (Promovierende) тўғри келади.⁷

Шу ўринда мамлакатимизда 2017-2018 йилларда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган ишларнинг сони 1136 тани, фан доктори (DSc) эса 466 тани, жами 1602 тани ташкил этганлигини таъкидлаш жоиз.

Германияда аксарият, яъни 58 400 нафар докторант (29%) табиий фанлар (Mathematik, Naturwissenschaften) соҳасида тадқиқот иши билан шуғулланадилар, 44 500 нафар докторант (22%) инженерлик соҳасидаги фанлардан (Ingenieurwissenschaften) диссертация тайёрлайди, филология ва маданиятшунослик (Sprach und Kulturwissenschaften) билан 38 700 докторант (19%), ижтимоий фан, иқтисод ва ҳуқуқ соҳасида эса 35 900 докторант (18%) ҳамда тиббиёт соҳасида (Humanmedizin/Gesundheitswissenschaften) 8300 докторант илмий иш билан шуғулланади.⁸

Мамлакатимизда 2017-2018 йилларда энг кўп диссертация ҳимоя қилинган фан тармоқларини техника фанлари (295 та), тиббиёт фанлари (264 та), филология фанлари (161 та), кишлок хўжалик фанлари (145 та) ва иқтисодий фанлари (117 та) ташкил этган.

Бу борада бошқа хорижий давлатларни таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, Россия, Хитой, Марказий ва Шарқий Европа давлатларида (Болгария, Польша, Руминия, Словакия) докторантлар техник йўналишдаги фанлар билан шуғулланадилар. АҚШ, Дания, Бельгия, Австралия каби давлатларда табиий фанлар бўйича шуғулланиш кўпчиликини ташкил этади.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ролини янада кучайтириш мақсадида ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда илмий кадрларни тайёрлаш борасида мамлакатимиз амалиётида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган "Олий ўқув юртдан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари"нинг 9-бандида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога

патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилиши белгиланган. Илмий тадқиқот билан шуғулланиш истагини билдирган ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян тажриба тўплаган шахсларни илмий фаолиятга жалб этишни кучайтириш мақсадида, бизнингча, мустақил изланувчиликка расмийлаштиришдаги ушбу талабни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий тадқиқот иши билан шуғулланиш истагини билдириб, мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун мурожат қилаётган соҳа ходимлари кўпчиликни ташкил этмоқда. Аксарият соҳа ходимлари магистр даражасига эга бўлиб, олий ўқув юртида магистратура йўналишида таҳсил олиш давомида календар иш режаси асосида илмий-тадқиқот ва педагогик ишлар билан ҳам шуғулланган. Ундан ташқари, соҳа ходимлари ҳозирги кунда ҳам нуфузли юридик олий ўқув юртларида меҳнат дафтарчага белги киритилмаган ҳолда соатбай, айрим ҳолларда эса алоҳида режа асосида талаба ва тингловчиларга уларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган маъруза ва амалий машғулотларни олиб бормоқдалар. Бироқ уларни мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш жараёнида фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка белгиланган икки йиллик илмий-педагогик иш стажини белгилашда муайян муаммолар юзага келмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низомнинг 15 ва 40-бандига кўра, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари талабгорларнинг мустақил изланувчиликка ҳужжатларини қабул комиссияси томонидан 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда қабул қилиниши белгиланган.

Германия ва бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мустақил изланувчиларни олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига би-

риктириш учун белгиланган юқоридаги муддатни бекор қилиш вақти келди. Чунки докторантура ва таянч докторантуранинг докторантларидан фарқли равишда мустақил изланувчилар учун назарий-методологик дастур ишлаб чиқиш талаб этилмайди. Мустақил изланувчи учун диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режанинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Қолаверса, аксарият давлатлар (Россия, Қозоғистон ва бошқа.) тажрибасида мустақил изланувчиларни қабул қилиш бир йилда 2-3 маротаба амалга оширилиб, унинг аниқ муддатини муассасанинг ўзи ҳал этади ва муқаддам бу каби амалиёт мамлакатимиз тажрибасида ҳам мавжуд бўлган.

Учинчидан, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низомнинг 8-бандига фан доктори бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкинлиги, илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) бир вақтнинг ўзида фақат бир нафар таянч докторантга ва мустақил изланувчига илмий раҳбар этиб бириктирилиши мумкинлиги белгиланган. Илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлишдаги ушбу чеклов айрим соҳаларда фан доктори ва илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) етарли эмаслиги сабабли илмий тадқиқот билан шуғулланиш истагида юрган кўплаб тадқиқотчилар учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Тўртинчидан, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётда изчиллик билан жорий қилиш, фан ютуқларини амалиётга, қонунчилик жараёнига татбиқ этишга кенг шароит яратиш мақсадида республикамиздаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқариш ташкилотлари, давлат органлари ўртасида мавжуд алоқаларнинг сифатини ошириш, бир сўз билан айтганда, ёш олимлар учун меҳнат бозорига кириш учун қулай шароит яратиш, олий таълимдан кейинги таълим институтини амалиётга йўналтирилганлигини таъминлаш механизmlарини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 106-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 396-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2017 й., 09/17/898/0234-сон, 15.02.2018 й., 09/18/109/0699-сон.

⁴ Bildung, Forschung, Kultur 2015/16. [Электронный ресурс] URL: <https://www.destatis.de/>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 396-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2017 й., 09/17/898/0234-сон, 15.02.2018 й., 09/18/109/0699-сон.

⁶ Doktorand или русский аспирант в Германии, 2008 [Электронный ресурс] URL: http://spb.rabota.ru/vesti/career/doktorand_ili_russkij_aspirant_v_germanii.html Дата обращения: 10 ноября 2012 г.

⁷ Statistisches Bundesamt. Promovierende in Deutschland 2012, Statistisches Bundesamt, Wiesbaden 2012. -171 б.

⁸ Statistisches Bundesamt. Promovierende in Deutschland, 2010. Statistisches Bundesamt, Wiesbaden 2012. URL: https://www.destatis.de/DE/Publikationen/Thematisch/BildungForschungKultur/Hochschulen/Promovierende5213104109004.pdf?__blob=publicationFile

Каримов Вахобжон,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, юридик фанлар доктори

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚ ВА АХЛОҚ НОРМАЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ВА НИСБАТИ

- ◆ Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида ахлоқ нормаларининг тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализированы место и значение моральных норм в оперативно-розыскной деятельности.
- ◆ The article analyzes position and significance of moral norms in operative crime detection activities.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ нормалари.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, правовые нормы, моральные нормы.

Key words: operative crime detection activities, operative crime detection events, legal norms, moral norms.

Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ) да тегишли ҳуқуққа риоя қилиш қондаси нафақат ҳуқуқ нормалари, балки жамиятнинг тарихий ривожланиш тажрибаси асосида шаклланган ижтимоий ахлоқ нормаларида ҳам мавжуддир. Шунинг учун, ушбу масалани ТҚФда самарали ҳал этиш учун, авваламбор, ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги ва нисбатидан келиб чиқиш тақозо этилади.

Файласуф олимлар Ж.Туленов ва З.Фафуровларнинг фикрича, “ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий нормалардан асосий фарқи шундаки, ҳуқуқ нормаларининг бажарилишини давлат таъминлайди, ахлоқ нормаларига риоя қилишни таъминлаш эса жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одатда ишонтириш кучига таянади”¹. Шу нуқтаи назардан, ТҚФ нафақат ахлоқий талабларга жавоб беради, балки жиноятчиликка қарши курашиш йўли билан уларни ҳаётга тадбиқ этишга хизмат қилади, чунки айнан жиноятчилик ахлоқсизликнинг ёрқин шакли, кўринишидир. Башарти содир этилган жиноят очилмаган, жиноятчи фош этилмаган экан, жиноий-ҳуқуқий нормалар қўлланилмаганлигини ва ҳуқуқнинг заифлигини, жиноятчи жавобгарликка тортилмаган ва адолат тантана қилмаган экан, ахлоқ нормалари ҳам қўпол равишда бузилганлигини англатади.

Россиялик олимлар К.К.Горяинов, Ю.Ф.Кваша, К.В.Сурковлар “Оғир ва ўта оғир жиноятларнинг аксарият қисми ТҚФ туфайли фош этилишини

ҳисобга олиб, ушбу фаолият жамиятда ахлоқ нормаларини мустаҳкамлашнинг самарали воситаси бўлиб, унинг ахлоқий-ижобий томонлари адолатни қарор топтириш ва инсонпарварлик гоёларига йўналганлигидан далолат беради”², деб таъкидлайди.

ТҚФнинг кучлари, воситаларини қўллаш ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноятчиликка қарши курашиш заруриятидан келиб чиқади. Жиноий фаолиятнинг жамиятга қарши тавсифи ҳуқуқбузарларнинг ўз жиноий ниятлари ва жиноятини яширишга, жавобгарликдан бўйин товлашга бўлган уринишларида намоён бўлади. Бу ҳолларда уларнинг фаолияти оддий инсонийлик меъёрларини поймол қилувчи салбий тавсифга эга бўлади. Шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга ҳамда уларни содир этувчиларни жавобгарликка тортишга имкон яратувчи тегишли чора-тадбирлар кўрилиши лозим. ТҚФ айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Тезкор-қидирув тадбирларисиз жиноятчиларнинг яширин режалари, ниятлари ва интилишлари ҳақида аниқ маълумотларни олиш, жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш бўйича зарур чоралар кўришни ташкил этишнинг деярли имконияти йўқ. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бундай ҳолларда ТҚФ ижобий натижага эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда барча ривожланган давлатлар-

да ТҚФнинг жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормаларига мос келиши тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ўзининг ижобий якунига етган. Масалан, АҚШда фуқаролар тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотларни полицияга етказишни ўзининг фуқаролик бурчи деб ҳисоблайди. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг собиқ директори Аллен Даллес ўзининг “Искусство разведки” номли китобида “тезкор-қидирув фаолияти ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳисобланади” деб ёзади³. ТҚФ соҳасида ахлоқ нормаларига риоя қилиш зарурияти ўтган асрнинг 70-йилларида А.И.Алексеев, А.Ф.Возный, Д.В.Гребельский, Т.А.Жалилов, А.Г.Лекарь, Г.К.Синилов каби олимлар томонидан билдирилган эди.

ТҚФ назарияси ва амалиёти вакиллари (В.М.Атмажитов, В.Г.Бобров, Б.Э.Закиров, И.М.-Муродов, Ю.С.Пулатов ва бошқалар)нинг таъкидлашича, мазкур фаолият жараёнида ижобий мақсадларга эришиш айрим ҳолларда салбий сифатларга эга бўлган воситаларни қўллаш орқали амалга оширилишини ҳам инкор этиб бўлмайди. ТҚФ жараёнида инсонларнинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи махсус тадбирларни қўллашга, афсоналаштириш, чалғитиш, ноошкора алоқалар ўрнатиш каби чоралар кўришга тўғри келади. Бунда турар-жойларни текшириш, телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиб бориш, почта жўнатмаларини назорат қилиш ва ҳоказоларга йўл қўйилади.

ТҚФ жараёнида гумонланувчиларни чалғитиш ва ғафлатга солишга йўл қўйилиши ва зарурияти Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунидаги айрим нормаларда ўз аксини топган. Конспирация, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги ТҚФнинг асосий принциплари этиб белгиланган. Текшириш учун харид қилиш, назорат остига олиш, тезкор кириштиш, назорат остида етказиб бериш, тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирлари, шунингдек фуқароларни ҳамкорликка жалб этиш сингари тадбирлар шундан далолат беради.

Бинобарин, гумонланувчиларни чалғитишга асосланган тадбирлар ҳуқуқий асосга эгаллигини, улардан кўзланган мақсад – жиноятчиликка қарши кураш эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларни қўллашга ахлоқан йўл қўйилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу қуйидаги заруриятлар билан шартланган: а) конспирацияга риоя этиш; б) тезкор-қидирув ҳамда махсус тавсифдаги тадбирларни ўтказиш; в) кўмаклашувчи шахсларни ниқоблаш; г) ноқонуний қарши таъсир ўтказишини бартараф этиш.

ТҚФда учинчи шахсларга, яъни жиноятда гумонланувчилар билан алоқада бўлган шахсларга нисбатан тактик таъсир кўрсатиш йўли билан ижобий мақсадга эришиш долзарб масалалар қаторига киради. Муаллиф томонидан докторлик

диссертацияси доирасида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тезкор бўлинмалари ходимлари билан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари далолат беришича, сўровга жалб қилинган тезкор ходимларнинг 28,7 фоиз учинчи шахсларни чалғитиш орқали маълум мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблашади; 47,8 фоиз бундай имкониятни фақат охириги зарурат билан боғлашади; 23,5 фоиз эса ҳар қандай вазиятда ҳам бунга йўл қўйиб бўлмайди деб жавоб беришди. Яъни, сўровда қатнашганларнинг аксарияти (71,3 фоиз) бундай таъсир кўрсатишга ахлоқан йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблашади. Шу муносабат билан хулоса қилиш мумкинки, учинчи шахсларга тактик таъсир кўрсатишга (ғафлатда қолдириш, чалғитиш) ва шу орқали уларнинг яқин атрофидагилари ҳақида маълумот тўплашга, улар қандай мақсадларни кўзлашдан қатъи назар ахлоқан йўл қўйиб бўлмайди. Чунки инсонларнинг олийжаноб ҳис-туйғулари, қариндошлик алоқаларини суиистеъмол қилиш ахлоқан оқланмайди.

Таъкидлаш жоизки, ТҚФда юқоридаги таъсир чораларини қўллашнинг маълум бир чегаралари бўлмоғи даркор. Яъни, гумонланувчилар ёки уларнинг алоқачини чалғитиш, ғафлатга солиш бўйича қўлланиладиган тактик усуллар: а) умумэтироф этилган ижтимоий ахлоқ нормаларини бузувчи, ахлоққа зид; б) ҳокимият вакилининг ишончини суиистеъмол қилувчи, органларга нисбатан нафрат уйғотувчи; в) учинчи шахсларга нисбатан қўллаш оқибатида уларнинг жиноятга алоқадор яқин қариндошларига зиён етказувчи; г) олийжаноб, ахлоқий, қариндошлик ҳис-туйғуларини суиистеъмол қилувчи тавсифга эга бўлмаслиги лозим.

ТҚФ ҳар доим ҳам тезкор ходимларга ижобий таъсир кўрсатмаслигини тан олмай бўлмайди. Хусусан, уларда ахлоқий сифатларнинг бузилиши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ҳар қандай аралашилар мумкинлиги каби салбий жиҳатлар шаклланиши мумкин. Албатта, буларнинг барчаси тезкор ходимлар фаолиятида, бу каби воситаларни қўллашнинг асосланганлигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ТҚФнинг ахлоқий мазмуни ва қонунбузарликларга қарши курашишда қўлланилаётган махсус воситаларнинг зарурияти ҳақидаги масала жуда ҳам кескин турибди. Россиялик олим С.С.Овчинский “ТҚФ ҳар доим ҳам тезкор ва кўмаклашувчи шахсларга ижобий таъсир кўрсатмаслигини тан олмай бўлмайди, хусусан, уларда ахлоқий сифатларнинг бузилиши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ҳар қандай аралашилар мумкинлиги каби салбий жиҳатлар шаклланиши мумкин⁴” деган фикрни билдиради.

Ҳақиқатдан ҳам, пинҳона ҳолда фуқаролар ҳақида ахборотлар олиш, уларнинг шахсий ҳаёти-

га аралаштириш ҳоллари ижобий деб тан олинмайди. Аммо ҳар қандай баҳо мавҳум эмас, балки муайян ҳодисаларга берилади. Шунинг учун ҳам муайян ҳодиса айрим вазиятларда тескари ахлоқий баҳоланиши ҳам мумкин. Масалан, ахборотни қўлга киритиш разведка ёки жосуслик деб, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам ёки сотқинлик деб, тезкор бўлинмалар билан ҳамкорлик эса, адолатни қарор топтиришга хизмат қилиш ёки хоинлик каби аталиши мумкин.

Ҳодисаларнинг ижобий ва салбий аҳамиятини мутлақлаштириш кўпинча чалғиш ва хатоликларнинг сабаби бўлади. Ҳар қандай ахлоқан соғлом кишида, фуқароларнинг тезкор бўлинмалар билан ҳамкорлигини сотқинлик билан тенглаштириш, тегишли салбий эътироз келтириб чиқаради. Бундай киши жамоатчиликнинг ёрдами ва қўллаб қувватлашидан фойдаланмасдан, жамият ва фуқароларни жиноий тажовузлардан ҳимоялашдан маҳрум этиш ахлоқсизлик эканлигини тан олади.

ТҚФ шундай фаолият турларига кирадик, унда ходимларнинг муайян ҳаракатлари, қўллайдиган тезкор усуллари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи айрим воситалари ахлоқан мукамал бўлмаслиги мумкин. Мазкур масалаларни ўз ишларида тадқиқ этган олим А.А.Хамдамов ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, жиноятчиликка қарши курашда ижобий мақсадларга эришиш учун ушбу таъсир чоралари энг зарур ва мақсадга мувофиқдир деган хулосага келади⁵. ТҚФ мазкур шароитларда фойдаланиш зарур бўлган барча ҳаракатлар ва мавжуд воситалар ичида энг мақбули ҳисобланади. Шу сабабли уларни қўллаш зарурияти тўғрисида бошқача фикр бўлмаслиги лозим, чунки уларни қўлласлик улкан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Этикада бу ҳолат энг кам зарарни танлаш, ҳуқуқда эса охири зарурат деб номланади.

Фуқароларнинг шахсий эркинлигига дахл қилувчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдан воз кечиш, жиноятчиларга ўз ноқонуний ниятларини амалга оширишда катта имконият яратиб бериши мумкин. Жиноий фаолиятга қарши курашиш нафақат ахлоқий қарашларни, балки муайян ҳаракатларни талаб қилади. Ушбу ҳаракатлар жиноятчиликка қарши курашишнинг муайян шароитларидан келиб чиқиши шарт. Беморни даволашда унга фақатгина сабр-қаноат қилиш ёки раҳмдиллик сўзларини билдириш билан чекланмасдан, унга ёқимсиз ва кўпинча оғриқли даволаш усулларини қўллашга мажбур бўлувчи шифокор каби, тезкор ходимлар ҳам унча қўлай бўлмаган, аммо ҳуқуқий тартибот ва адолатни тиклаш учун зарур бўлган воситаларни қўллаш билан жамиятни жиноий тажовузлардан ҳимоя-

лашлари шарт. Ушбу воситалар ахлоқ доирасида бўлиши билан бирга, айрим объектив ҳолатлар натижасида ахлоқан мукамал ҳисобланмаслиги мумкин. Яъни, ТҚФнинг «ноқўлай» томонларини инкор этмаган ҳолда уни ахлоқий деб тан оламиз. Афсуски, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тарихида шундай мисоллар бўлганки, бир «касални» даволайман деб, бошқа касални келтириб чиқариш, инсонни жиноий фаолиятдан ҳимоялайман деб, унинг шахсий эркинлигини чеклаш каби ҳолатларга йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам, ҳар бир муайян ҳолатда бундай чеклашларнинг чегара ва меъёрларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий меъёрлар ва тезкор-қидирув амалиёти таклиф этаётган бир қатор мезонларга мувофиқ ҳолда мазкур чегараларни аниқлаб олиш мумкин. Ушбу мезонлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

— муайян ҳолатда айнан зарур бўлган воситаларни қўллаш ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш зарурияти ёки бунда бошқа воситалар ёрдамида зарур натижага эришиш имкониятининг йўқлиги;

— у ёки бу тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишнинг мўлжал қилинган моддий ва маънавий оқибатлари;

— тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш давомида қўлга киритиладиган маълумотларнинг иш учун зарурлиги, самарадорлиги ва тўлиқлиги;

— жиноят ва жиноятчининг жамият учун хавфлилик даражаси.

Шунинг учун ҳам, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш жараёнида воситаларни тўғри танлаш зарурдир, чунки жиноят фақат шу йўл билан бар-тараф этилиши ёки фож этилиши мумкин ва бу ҳолда олди олинган зарар келтирилган зарардан анча салмоқли бўлиши шарт.

ТҚФда ахлоқий нормалар ва муносабатларни тадқиқ этган А.И.Алексеев ва Г.К.Синиловлар, ушбу ҳолатни «ахлоқий охири зарурат» деб аташган. «Ахлоқий охири зарурат, – деб таъкидлашади муаллифлар, – фақатгина ТҚФнинг имтиёзи бўлмасдан бошқа соҳаларда, масалан, тиббий фаолиятда ҳам учрайди. Шифокорлик фаолиятида шундай вазиятлар бўладики, бунда шифокорлик этикаси нафақат беморни алдашга рухсат беради, балки унга ҳақиқий ҳолатни ифода этувчи шафқатсиз ҳақиқатни маълум қилишдан сақланишга кўрсатма беради. Бунда ахлоқ нормалари бу каби ҳаракатларнинг ягона ўлчови ҳисобланади. Худди шундай ТҚФда ҳам гумонланувчилар ва уларнинг яқинларини чалғитиш, гафлатга солиш каби усуллар тезкор вазифаларни ҳал қилишнинг доимий воситаси ҳисобланмайди, балки истисно тариқасида қўлланилади»⁶.

Ахлоқий оқибатлар шундай хусусиятга эгаки, четдан қараганда фойдасиз, самарасиз, бевоси-

та амалий қийматга эга бўлмаган ҳаракатлар юксак ижтимоий аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг учун ҳам у ёки бу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш ҳақида тўғри қарор қабул қилиш учун, ушбу ҳаракатларнинг инсонларнинг тақдири, айниқса, уларнинг онгига бўлган барча ижобий ва салбий таъсирлари ҳисобга олиниши шарт. Шунинг учун ҳам ТҚФ вазифаларини ҳал этишда ахлоқий омилнинг тутган ўрнини алоҳида эътиборга олиш даркор, бинобарин, ахлоқий нормалар ҳуқуқий нормаларга қараганда анча ҳаракатчан бўлиши мумкин.

Бундан ташқари иш жараёнида тезкор ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳам муҳимдир. Тезкор бўлинмаларда, бошқа меҳнат жамоаларидан фарқли равишда самимий, ишончли, ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатлар ўрнатилиши лозим. Тезкор ходимларнинг ўзига хос иш хусусиятлари, уларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир ўтказа-

ди. Хусусан, уларнинг аксарияти махсус материаллар билан ишлайди. Бунда эса, айниқса, ҳамкасбининг ишига қизиқувчанлик, оғзи бўшлиқ сифатларига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам хизмат зарурятисиз ва бошлиқнинг рухсатисиз бирга ишловчи ходим нима билан шуғулланаётганлиги, қандай ахборотларга эгалиги, улар бўйича қандай тадбирларни режалаштирган ва шу каби бошқа унинг хизмат фаолиятига қизиқиш ҳамда аралашуш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, ҳар қандай курашда бўлганидек, жиноятчиликка қарши ТҚФ имкониятларини қўллаб курашиш муросасиз тавсифга эгадир. Бинобарин, давлат гуманизм ва адолат принципларига асосланган тараққий топган, маданиятли кураш шаклларига амал қилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам, ТҚФнинг нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий чегараларининг ўрнатилиши ҳуқуқий давлат руҳига мос келувчи асосий талаб ҳисобланади.



¹ Қаранг: Туленов Ж., Фафуров З. Фалсафа. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 84.

² Қаранг: Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон РФ “Об оперативно-розыскной деятельности”: Комментарий. – М., 1997. – С. 45.

³ Қаранг: Даллес А. Искусство разведки. – М., 1992. – С. 35.

⁴ Қаранг: Оперативно-розыскная деятельность: Учебник /Под ред. Горяинова К.К., Овчинского В.С., Шумилова А.Ю. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 79.

⁵ Қаранг: Хамдамов А.А. Тезкор ишларда тактик таъсир кўрсатиш. – Т., 2000. – Б. 17.

⁶ Қаранг: Алексеев А.И., Сенилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности. – М., 1973. – С. 21-24.

**Тухташева Умида Абдиловна,
заведующая кафедрой уголовно-процессуального права
и криминалистики Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук, профессор**

ПОЛНОМОЧИЯ СУДА И ВИДЫ АПЕЛЛЯЦИЙ

◆ В статье рассматривается вопрос регламентации видов института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе, а также их соотношение с полномочиями суда. Автор обращает внимание на пробелы в регламентации полномочий суда и предлагает пути решения.

◆ Мақолада жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти турларининг қонунчиликда тартибга солиниши, шунингдек суднинг ваколатлари билан ўзаро боғлиқлик масалалари кўриб чиқилган. Муаллиф суд ваколатларини тартибга солиш бўйича қонунчиликдаги бўшлиқларга эътибор қаратади ва уларни ҳал қилиш йўлларини таклиф қилади.

◆ The article deals with the issue of the regulation of the types of institute for the verification of legality, validity and fairness of court decisions in criminal proceedings, as well as their relationship with the powers of the court. The author draws attention to the gaps in the regulation of the powers of the court and offers solutions.

Ключевые слова: виды проверки, апелляционное производство, полномочия суда, уголовный процесс, уголовно-процессуальное законодательство.

Таянч сўзлар: текшириш турлари, апелляция тартибида иш юритиш, суд ваколатлари, жиноят процесси, жиноят-процессуал қонунчилиги.

Key words: types of checking, appeal proceedings, powers of court, criminal procedure, criminal procedure legislation.

Статья 478 главы 55 раздела одиннадцатого Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — УПК) регламентирует виды проверки законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений. Так, законность, обоснованность и справедливость приговоров, определений, постановлений суда могут быть проверены в апелляционном, кассационном и надзорном порядке.

Апелляционный, кассационный и надзорный порядок проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений, будучи самостоятельными стадиями уголовного процесса, имеют общую задачу. Общая задача может быть разделена на два вида: задачи, обозначенные перед всем уголовным судопроизводством, а также задачи, обозначенные перед данными стадиями как перед институтом проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений.

Задачей института проверки законности, обоснованности и судебных решений является как исправление судебных ошибок, так и восстановление нарушенных прав.

Между тем, каждый вид проверки законности, обоснованности, справедливости судебных решений имеет свои специфические особенности, которые позволяют дать определение стадиям апелляционного, кассационного и надзорного произ-

водства, а также их разграничивать.

Для начала следует отметить, что если в УПК относительно проверки законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений применяется термин «вид», то в научной литературе при классификации данного института можно встретить и термин «формы»¹.

Рассмотрим два вышеназванных термина. Если обратиться к толковому словарю, то С.И.Ожегов дает следующее значение: разновидность, тип². Либо подразделение в систематике, входящее в состав высшего раздела — рода³.

В свою очередь, значение формы С.И.Ожеговым рассматривается как установленный образец чего-нибудь⁴. Т.Ефремова же определяет форму как устройство, тип, структура, характер которой обусловлен содержанием⁵.

Таким образом, на наш взгляд, если говорить о соотношении вида и формы касательно института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений, то предлагается следующая схема:

Вид института проверки — это его содержание, а форма — способ организации. Данное определение следует из следующего:

1) вид проверки (апелляционное, кассационное или надзорное производство) обуславливает форму реализации (определяется задачами и

целями производства в судах вышестоящей инстанции);

2) в свою очередь, форма определяется содержанием апелляционного кассационного и надзорного производства (предмет, сроки, пределы, полномочия).

В этой связи, на наш взгляд, при дифференциации способов проверок судебных решений целесообразно использовать термин «вид».

Между тем, формы непосредственно видов проверок могут различаться в зависимости от пределов и полномочий, которыми наделены суды вышестоящей инстанции.

Так, если вести речь об апелляционном производстве, по нашему мнению, апелляционное производство в зависимости от сроков, пределов и полномочий, регламентированных в уголовно-процессуальном законодательстве, можно разделять на обычную полную апелляцию и на экстраординарную.

Под полной апелляцией понимается рассмотрение дела по жалобам и протестам на не вступившие в законную силу приговоры и определения суда первой инстанции и выносит определения (см. статью 28 УПК).

Под экстраординарной апелляцией предлагается понимать рассмотрение жалоб и протеста по вопросам, связанным:

- с применением меры пресечения в виде заключения под стражу или домашнего ареста либо продлением срока содержания под стражей или домашнего ареста;

- с применением мер процессуального принуждения в виде отстранения обвиняемого от должности, помещении лица в медицинское учреждение или о продлении срока пребывания обвиняемого в медицинском учреждении,

- с производством следственных действий в виде эксгумации трупа, ареста почтово-телеграфных отправлений;

- рассмотрение частных жалоб и протестов на определение суда об отказе в возбуждении уголовного дела или о прекращении уголовного дела либо об освобождении от наказания осужденного на основании акта амнистии, а также другие решения, связанные с вопросом применения акта амнистии в досудебном производстве.

Следует обратить внимание, что статья 29 УПК, которая исходя из названия статьи (полномочия суда) должна в норме данной статьи перечислить все полномочия суда, тем не менее, указала не все полномочия суда. В связи с чем складывается неполное и порою неправильное представление, какие полномочия суд имеет. При анализе полномочий суда приходится ссылаться также и на другие статьи УПК, которые регламентируют данные полномочия. Именно так обстоит дело и с полномочиями суда, определяющие пред-

мет и пределы полномочий суда по рассмотрению жалоб и протестов в досудебном производстве, иными словами по регламентации экстраординарной апелляции.

К примеру, данные полномочия указаны в следующих статьях:

В статье 148² УПК — «Определение судьи об эксгумации трупа или об отказе в эксгумации трупа может быть обжаловано, опротестовано в апелляционном порядке в течение семидесяти двух часов со дня его вынесения»;

в статье 166² УПК — «Определение судьи, предусмотренное в части первой настоящей статьи (об аресте почтово-телеграфных отправлений либо об отказе), может быть обжаловано подозреваемым, обвиняемым, его защитником и законным представителем либо опротестовано прокурором в апелляционном порядке в течение семидесяти двух часов со дня его вынесения»;

в статье 258 УПК — «Определение судьи, предусмотренное в части первой настоящей статьи (об отстранении от должности либо об отказе), может быть обжаловано обвиняемым, его защитником и законным представителем, руководителем соответствующего предприятия, учреждения, организации, где работал обвиняемый, отстраненный от должности, либо опротестовано прокурором в апелляционном порядке в течение семидесяти двух часов со дня его вынесения»;

в статье 268 УПК — «Определение суда, предусмотренное в частях первой и третьей настоящей статьи (о помещении в медицинское учреждение, либо отказе, продлении, либо отказе), может быть обжаловано лицом, помещаемым в медицинское учреждение, его защитником, представителем потерпевшего, адвокатом свидетеля и законным представителем либо опротестовано прокурором в апелляционном порядке в течение семидесяти двух часов со дня его вынесения»;

в статье 591 УПК — «На определение суда могут быть поданы частная жалоба лицом, в отношении которого ставился вопрос о применении акта амнистии, подозреваемым, обвиняемым, потерпевшим (гражданским истцом), их защитниками, законными представителями и частный протест прокурором, которые подлежат рассмотрению соответственно в апелляционном, кассационном и надзорном порядке».

В этой связи нами предлагается следующее решение. Статья 29 УПК, регламентирующая полномочия суда, должна быть условно поделена на три части: в первой части следует указать полномочия суда в досудебном производстве, во второй части полномочия суда в судебных стадиях, и третья часть, направленная на определение полномочий, раскрывающие действия суда по надзору за деятельностью нижестоящих судов.

Кроме того, следует принять во внимание, что

в апелляционном порядке рассматриваются не только дела по жалобам и протестам на не вступившие в законную силу приговоры и определения суда первой инстанции, но и жалобы, протесты по вопросам, связанным с применением отдельных мер пресечения, мер процессуального принуждения, с производством отдельных следственных действий, а также рассмотрение частных жалоб и протестов на определение суда об отказе в возбуждении уголовного дела или о прекращении уголовного дела либо об освобождении от наказания осужденного на основании акта амнистии, а также другие решения, связанные с вопросом применения акта амнистии в досудебном производстве. В этой связи, на наш взгляд, представляется целесообразным все формы апелляционного производства указать в одном разделе, который бы определял правила апелляционного производства в зависимости от формы апелляционного производства.

Необходимо принять также во внимание, что процесс реформирования уголовно-процессуального законодательства продолжается. Об этом свидетельствует Постановление Президента Республики Узбекистан "О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства"⁶, принятого 14 мая 2018 года. Указанным постановлением утверждена Концепция совершенствования уголовного и уголовно-про-

цессуального законодательства Республики Узбекистан⁷.

В сфере уголовно-процессуального законодательства в числе направлений совершенствования уголовно-процессуального законодательства указана и необходимость совершенствования механизмов надежного обеспечения гарантий прав и свобод личности в уголовном процессе. В частности, предусмотрена актуальность дальнейшего расширения сферы применения института «Хабеас корпус», в том числе путем внедрения института судебного обжалования процессуальных решений и действий, осуществляемых в ходе досудебного производства.

В рамках обозначенной задачи будут рассмотрены вопросы дальнейшего укрепления конституционных гарантий неприкосновенности частной жизни граждан, в том числе посредством передачи судам права выдачи санкции на обыск и прослушивание телефонных переговоров.

В свою очередь, это означает, что формы апелляционного производства, регламентирующие полномочия апелляционного суда в досудебном производстве, будут расширяться. Указание же всех форм апелляционного производства (определяющие предмет, пределы, полномочия апелляционного суда) в одном разделе УПК позволит систематизировать регламентацию апелляционного производства и тем самым способствовать удобству и правильному применению норм УПК.



¹ Бородинова Т.Г. Институт пересмотра приговоров в современном уголовно-процессуальном праве Российской Федерации: диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Москва, 2016. – С. 43, смотрите также сайты <https://law.wikireading.ru>, <https://studopedya.ru>, в которых также упомянуты формы проверок (в т.ч.: УПК установил две процессуальные формы).

² http://tolslovar.ru/v314_0.html

³ <http://tolslovar.ru/v3140.html>

⁴ <http://tolslovar.ru/f2271.html>

⁵ <http://tolslovar.ru/f2271.html>

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан от 14.05.2018 г. N ПП-3723 "О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства" // "Собрание законодательства Республики Узбекистан", 21 мая 2018 г., N 20, ст. 420.

⁷ Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан (Приложение N 1 к Постановлению Президента РУз 14.05.2018 г. N ПП-3723) // "Собрание законодательства Республики Узбекистан", 21 мая 2018 г., N 20, ст. 420.

Ачиллов Алишер Темирович,
Ўзбекистон Республикаси ДБК Божхона институтининг
махсус-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи в.в.б.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР, УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар тавсифи, уларнинг олдини олиш ва жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган бўлиб, қонун нормаларини амалиётда қўллаш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.
- ◆ В статье анализируется характеристика преступлений “нарушение таможенного законодательства в сфере внешнеэкономической деятельности” и их пресечение, а также рассматриваются вопросы квалификации и ответственности этих преступлений и высказаны мнения по дальнейшему совершенствованию практического применения законодательства.
- ◆ The article analyzes the characteristics of offence “violation of customs legislation in the sphere of foreign economic activity” their prevention and responsibility issue as well discusses some issues to the offence qualification and gives proposals for the further improvement of practical application of the legislation.

Таянч сўзлар: божхона, ташқи иқтисодий фаолият, жиноят, қонунчилик, контрабанда, товар, божхона тўловлари, божхона назорати, божхона расмийлаштируви.

Ключевые слова: таможня, внешнеэкономическая деятельность, преступление, законодательство, контрабанда, товар, таможенные платежи, таможенный контроль, таможенное оформление.

Key words: customs, foreign economic activity, the offense, the legislation, smuggling, goods, customs payments, customs control, customs clearance.

Республикамиз мустақиллик туфайли эришган улкан ютуқлардан бири — ўз ташқи иқтисодий фаолиятини, унинг қонунчилигини, тартиб ва қоидаларини эркин белгилаш ва амалга ошириш имконини қўлга киритганидир.

Чет элда ишлаб чиқарилган, кўпинча сифатсиз ва халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг республикамиз ҳудудига божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда олиб кирилиши ҳолатлари истеъмолчилар ҳаёти ва саломатлигига, миллий иқтисодиётга зарар етказиши билан бир қаторда давлат иқтисодий хавфсизлигига хавф солиши ҳеч кимга сир эмас.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган, қўшилган қиймат улуши юқори бўлган товарлар ишлаб чиқарилишини ошириш борасида бир қатор самарали чоралар кўрилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил

7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур. Шу муносабат билан 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.” — деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.¹

Мазкур фармонга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувни тўдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Давлат божхона хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланиб, унинг зиммасига самарали божхона назоратини амалга ошириш, божхона тўловларини ундириш ва бошқа вазифалар қатори контрабанда, шу жумладан, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш каби бир қатор долзарб вазифалар юкланган.

Шунга асосан, божхона органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлиги ва тартибига, аҳоли саломатлигига ҳамда давлат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солаётган жиноий гуруҳларни фош этиш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда.

Хусусан, 2018 йил давомида божхона органлари томонидан жами 12.836 та контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, улар бўйича 145,1 млрд сўмлик товарлар ушлаб қолинган. Шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 46,58 кг. гиёвандлик воситалари, 1.957 дона психотроп таблеткалар, 37 та қурол, 8,6 мингта таъқиқланган диний мазмундаги материалларнинг ноқонуний айланишининг (олиб ўтилишининг) олди олинган².

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш тушунчасига тўғри тавсиф бериш учун дастлаб айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳисобланишини аниқлаб олиш зарур. Фақат шундан кейингина божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш усуллари ва турларини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 2-моддасида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига таъриф берилган. Унга кўра,

“Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексидан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”.

Шуларга кўра, божхона иши борасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўз навбатида Божхона кодексининг 1-моддасига мувофиқ, *“Ушбу кодекс Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш, шу-*

нингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш тартибини белгилаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг ҳам бу борада тушунтиришлари мавжуд бўлиб, 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарорига кўра, *“товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланган. Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади”³.*

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлиги даражасига кўра, Жиноят кодексига (кейинги матнларда ЖК) жиноий жавобгарлик ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (кейинги матнларда МЖТК) маъмурий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227-227²⁷-моддаларида божхона соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва улар учун қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддасида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, 184-моддасида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, 246-моддасида контрабанда жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ташқи иқтисодий фаолият (кейинги матнларда ТИФ) соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш учун, аввало, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар тушунчаларига таъриф бериш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига асосан, *Ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.*

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ТИФ соҳаси-

даги жиноят тушунчасига таъриф берилмаган. Бу тушунчага соҳага оид илмий адабиётларда ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Шунга кўра, қонун ҳужжатлари ва амалиётдан келиб чиқиб, “ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш жараёнида содир этиладиган жиноятларни ТИФ соҳасидаги жиноятлар” деб таъриф берсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар қуйидагилар томонидан содир этилиши мумкин:

— ТИФ соҳасида фаолият юритиши мумкин бўлган жисмоний шахслар;

— яқка тартибдаги тадбиркорлар;

— ташқи иқтисодий фаолият олиб боровчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари;

— давлат органлари мансабдор шахслари;

— божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар;

— божхона брокерлари раҳбарлари;

— халқаро транспорт компаниялари ходимлари;

— экспертиза ёки сертификациялаш муассасалари эксперт ёки мутахассислари ва бошқа жисмоний шахслар.

Ушбу шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ жиноятларни бевосита ўзлари содир этишлари ҳам, бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этишлари ҳам мумкин.

Қонунга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

— халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;

— ташқи савдо фаолияти;

— чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар ТИФ олиб боришнинг ҳар қандай босқичида, шу жумладан, товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнида содир этилиши мумкин. Глобаллашув ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги шароитида ТИФ соҳасидаги жиноятлар ва уларнинг содир этилиши усуллари ўзгариб бормоқда. Эътироф этиш жоизки, ТИФ соҳасидаги жиноятларни содир этишдан асосий мақсад моддий манфаатдорлик ҳисобланади. Бундай моддий манфаатдорлик турлича бўлиши мумкин:

— белгиланган солиқ, бож ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик;

— давлат мулкани ўзлаштириш;

— капитални, шу жумладан, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини мамлакат ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш;

— жиноий даромадларни легаллаштириш;

— бошқача шаклдаги моддий манфаатдорлик.

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ жиноятлар асосан солиқ, божхона божи ва бошқа мажбурий тўловларни камроқ тўлаш ёки умуман тўламаслик мақсадида содир этиладиган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятларидир. Ушбу жиноятлар бюджетга божхона тўловлари ва йиғимлар ҳисобидан пул тушадиган маблағлар, валюта захираларининг шаклланиши ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир ўтказмоқда. Бу эса ижтимоий ривожланишнинг салбий омили бўлиб, унинг кенг кўламда ёйилиши иқтисодий ислохотларга реал таъдидир.

Ушбу жиноятлар турли усулларда содир этилиши мумкин бўлиб, бундай ҳаракатлар жумласига:

— товарларнинг ТИФ ТН (товарлар номенклатураси) кодларини нотўғри кўрсатиш орқали товарларни бошқа ном билан декларациялаш;

— товарларнинг божхона қийматини нотўғри кўрсатиш;

— товарлар импорт қилинишида чет эл давлатидан олинган ҳужжатлар — экспорт божхона декларацияси, юк-кузатув ҳужжатлари (инвойс, ўрам варағи ва ш.к.), сертификатлар ва товарларга тегишли бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали божхона органларига нотўғри маълумотлар тақдим қилиш;

— божхона юк декларациясида товарларнинг бир қисмини кўрсатмаслик;

— чет давлатларда — оффшор ҳудудларда ташкил қилинган “фақат қоғозда мавжуд” хўжалик юритувчи субъектлар билан олди-сотди шартномалари тузиш, бундай субъектлар номидан тузилган ёлғон маълумотлар акс эттирилган ҳужжатларни божхона расмийлаштирувига тақдим этиш.

Шунга мувофиқ равишда бундай жиноятлар улар содир этилишининг исталган босқичида аниқланиши мумкин. Амалиётда ТИФ соҳасидаги жиноятлар асосан:

— бевосита божхона расмийлаштирувлари жараёнида;

— таҳлиллар натижасида;

— Божхона кодексининг 201-моддасига мувофиқ, товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин ўтказилган божхона назорати давомида;

— олинган тезкор маълумотлар натижасида;

— чет эл божхона хизматларидан олинган маълумотлар асосида аниқланади.

Албатта, бунда божхона ходимлари ТИФнинг қайси босқичида, қайси йўналишларга эътиборларини кучайтиришлари лозимлигини белгилаб олишлари муҳимдир.

Ҳозирги кунда республикамизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш,

давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Шу ўринда божхона соҳасида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилишда айрим муаммолар мавжуд бўлиб, шу ўринда қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси диспозиция қисмида товарларни божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Амалиётда, ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида эркин муомалага чиқариш учун олиб келинган товарларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилишида декларацияда кўрсатилганидан ортиқча ёки кўрсатилмаган ёхуд ТИФ ТН коди нотўғри кўрсатилган ҳолатлар ЖКнинг 182-моддаси билан квалификация қилинмоқда.

Божхона кодексининг 195-моддасига мувофиқ, божхона кўриги ўтказилаётганда товарнинг амалдаги миқдори уни декларациялашда кўрсатилган товар миқдорига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, божхона органи божхона мақсадлари учун товарнинг амалдаги миқдорини мустақил равишда аниқлайди ва Божхона кодекси 369-моддасига кўра, божхона расмийлаштирувида товарлар

нотўғри таснифланганлиги аниқланган тақдирда божхона органи товарларни таснифлашни мустақил амалга оширади ва уларнинг таснифи бўйича қарор қабул қилади.

Ҳозирги кунда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор ушбу соҳанинг изчил ривожланишига кенг йўл очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган мурожаатномаларида юртимизда тадбиркорлик кутилган даражада ривожланмаётганлиги танқид остига олинган бўлиб, бунга бу соҳа вакиллари асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўплиги сабаб бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Шу ўринда машҳур давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчилнинг қуйидаги: “Баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, фақат санокли одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади” деган гаплари эсга олинган.

Юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури доирасида республикада ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ва уни янги босқичларга олиб чиқиш мақсадида амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва бу ишлар давом этмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлик масаласи эса янада либераллаштирилмоқда.

Юқоридагиларни инobatга олиб ҳамда Божхона кодексининг 195, 265-266 ва 369-моддаларига асосланиб, ЖК 182-моддаси қуйидаги, яъни “Ушбу модданинг биринчи қисми ҳамда иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни биринчи маротаба содир этган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, жиноят аниқланган кундан бошлаб ўттиз сутка ичида товар ва бошқа қимматликларни белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказиб, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг ўрнини тўлиқ ҳажмда қопласа, жавобгарликдан озод этилади.” деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармонида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда биринчи маротаба содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилиниши, шунингдек, бошқа ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий ва жиноят қонунчилигининг янада либераллаштирилиши лозимлиги нуқтаи назаридан билдирилмоқда.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинмасдан, тадбиркор томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши натижасида уларнинг иқтисодий ва ишчанлик фаолиятига кенг йўл яратилишидан ташқари, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг бюджетга ўтказилиши ўз-ўзидан жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсадини қисман бекор қилиб, қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтиради, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди олиниши таъминланади. Мазкур тартиб ЖК 182-моддасининг фақат биринчи қисмида ва иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жино-

ятни биринчи мартаба содир этган ТИФ қатнашчиларига нисбатан қўлланилиши эса уларнинг таваккалчиликка асосланган фаолиятининг давлат томонидан муносиб Ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, уларнинг содир этилишининг олдини олиш ва содир этаётган жиноий элементлар фаолиятига чек қўйиш давлатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳамда бу борада олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини оширишга ва энг асосийси, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қўшилаётган ҳисса бўлади.



1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.Т. Адолат. 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.Т. Адолат. 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар.Тошкент. 2017. 1-2 том.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама Ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 18-сон қарори.
9. Ачиллов А.Т., Шералиев Б.Ю. “Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва улар бўйича божхона текширувларини ўтказиш услубияти” Ўқув-услубий қўлланма, Т., ОҲБИ, 2015 й.
10. Ачиллов А., Исмоилов Х. “Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари”. Т., ОҲБИ, Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2016.
<http://www.lex.uz>
<http://www.customs.uz>

Ниёзова Саломат Сапаровна,
Тошкент давлат юридик университети доценти,
юридик фанлар номзоди

ЎЛДИРИШ ЁКИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

◆ Мазкур мақолада ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятини квалификация қилиш ва бу борадаги хориж тажрибаси масалалари баён этилган. Шунингдек, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жиноятини квалификация қилишга доир таклиф, тавсиялар берилган.

◆ В данной статье проанализированы вопросы квалификации угрозы убийством или применением насилия и зарубежный опыт. Также разработаны предложения, рекомендации по квалификации угрозы убийством или применением насилия.

◆ This article analyzes the qualifying issues of threat of killing or violence and foreign experience. Also developed proposals, recommendations on the threat of killing or threat of violence.

Таянч сўзлар: ўлдириш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, жиноят, квалификация қилиш, жавобгарлик, юридик таҳлил, жабрланувчи, шахс, объект.

Ключевые слова: убийство, применение насилия, угроза, преступление, квалификация, ответственность, юридический анализ, потерпевший, лицо, объект.

Key words: Killing, committed by force, threats, crime, qualification, responsibility, legal analysis, victim, person, object.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, эзгу мақсад сари олға интилиб келмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” концепциясидан келиб чиқиб, “Жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданиятни синдириш, уларни Конституция ва қонунларга амал қилиш руҳида тарбиялаш” вазифалари назарда тутилган. Бу ўз навбатида, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жинояти учун жавобгарлик масаласига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган қоида мустаҳкамланган. Шундан келиб чиққан ҳолда шахс

манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифаларидан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, унинг бу бойлигидан маҳрум этилиши ёки шикаст етказилиши оғир жиноят ҳисобланади. Бу эса, ушбу турдаги яъни, шахсга қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги уларнинг содир этилиши натижасида ҳаёт ва соғлиқ, жинсий эркинлик, оила ва ёшларнинг манфаатлари, ахлоқ нормалари, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий зарар етказилишида ифодаланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 112-моддасида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу моддада назарда тутилган ҳаракат амалга оширилишидан жабрланувчида хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлгандагина жиноий жавобгарликни белгилайди.

Ушбу жиноятни юридик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур жиноятнинг бевосита объект

ти бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш натижасида айнан ушбу ижтимоий муносабатлар хавф остида қолади.

Ушбу жиноят объектив томондан ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланади.

Ушбу жиноятни таҳлил қилар эканмиз “зўрлик ишлатиш”, “қўрқитиш” каби тушунчаларга тўхталамиз, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зўрлик” сўзига “зўравонлик, адолатсизлик”¹ деган таъриф берилган.

Шу тарзда бу таърифда зўрлик сўзининг лексик маъносини очишда жисмоний куч ишлатишда ифодаланиладиган ўзбошимча ҳаракатнинг ташқи кўринишига эътибор қаратилган. Бу эса жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, жисмоний зўрлик жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатишга олиб келувчи жинорий хатти-ҳаракатнинг усули сифатида олимларнинг илмий ёндашувларига асос бўлган.

Шунинг учун ҳам “зўрлик атамасининг грамматик изоҳлаш ёки изоҳли луғатларида берилган этимологик маъносини аниқлаб олиш йўли билан унинг жиноят-ҳуқуқий маъносини билиш қийин”.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, “зўрлик” сўзининг ҳақиқий, том маъноси, “бир томон, иккинчи томоннинг хоҳишига қарши йўналтирилган эркин хулқи ва инсонлар ўртасидаги муайян ўзаро муносабатларни акс эттиради” дейиш мумкин².

Бу борада А.В.Иващенко ва А.И.Марцев ўз маъноси бўйича зўрлик билан боғлиқ учта жуда нозик ва чуқур таклифларни таърифлаб беришади. “Яъни, зўрлик сифатида эркин истак билдиришига қарши бевосита қаратилган онгли тезкор фаолиятларни кўриб чиқиш лозим. Зўрликни бундай тушунишда унинг камдан-кам учрайдиган ўзига хос хусусиятини бирор кишининг эрки-иродасига қарши ҳаракат содир этилиши, эркинлиги чекланиши, унга шикаст етказилиши деб ҳисоблаш зарур. Инсон фаолиятининг кўпгина бошқа шаклларида фарқли ўларок, фақат зўрлик ҳаракатлари шахснинг эркинлигини чеклашга қаратилган хулқдан иборатдир”³. Бизнингча, изоҳлаб берилган тушунча ҳар қандай фан, жумладан, жиноят ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан зўрликни ўрганиш учун асос бўлади.

“Зўрлик” тушунчаси айрим ҳуқуқшунослар томонидан ҳам кенг маънода талқин қилинади. Хусусан, Ю.М.Антонян, И.Б.Бойко ва В.А.Верещагин “аутоагрессия” ёки “ўзига ўзи ишлатиладиган зўрлик”ни инсоннинг ўзига қарши қаратилган онгли фаолияти сифатида эътироф этган⁴. А.В.Наумовнинг фикрича эса “...зўрлик (жумладан, зарурий мудофаада ишлатиладиган зўрлик) қону-

ний бўлиб, фақат уни қонунга хилоф ва ижтимоий хавfli бўлган воқеалардан ажрата олиш лозим”⁵.

Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, чунки маиший маънодаги эмас, балки ҳуқуқий маънодаги зўрлик аниқ бир таърифга эга бўлиши лозим. Зўрлик ишлатиш билан унга қарши ҳимояланишни бир хил тушунча деб қараш тўғри бўлмайди. Масалан, шахсга зўрлик ишлатаётганда унга нисбатан қарши қилинган ҳаракатларни зўрлик дейиш нотўғри, чунки у зўрликка барҳам бериш учунгина қарши ҳаракат қилади.

Зўрлик атамаси мазмунига ўзбек ҳуқуқшунослари томонидан “бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўрлаши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши” деб таъриф берилган. Уларнинг фикрича, зўрлик “инсон дахлсизлигини бузиб, жисмоний ва маънавий зўрлаш, жабр-зулм қилиш шаклида бўлиши мумкин”⁶.

А.В.Наумов зўрлик тушунчасини кенг талқин қилиш тарафдори сифатида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдиришни ҳам киритган ва бу ёндашувни тўла қўллаб-қувватлаган⁷. Бироқ бу ёндашув Л.В.Сердюк томонидан танқид қилиниб, айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этиладиган жиноятлар учун зўрлик хос эмас⁸, деб таъкидланган.

Қ.П.Пайзуллаев ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар эҳтиётсизликдан эмас, балки қасддан содир этилади⁹ деган фикрни илгари суради.

Зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгилга қаратилган ҳаракатларни содир этиш¹⁰ тушунилади.

Бизнинг фикримизча, бировга нисбатан онгли равишда зўрлик ишлатиш, унга жисмоний ёки руҳий азоб бериш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда бўлиши мумкин эмас. Юқоридаги ҳолатда зўрлик чегаралари унинг тушунчасига нисбатан асоссиз равишда кенгайтириб юборилган. Эҳтиётсизликдан одам ўлдириш қонунга хилоф, лекин айбдорнинг ихтиёрий бўлмаган ҳаракати натижасидир. Бу ерда зўрликнинг асосий белгиси бўлган шахсга зиён етказувчининг иродаси етишмайди. Яъни, бирор-бир оқибатни истамасдан, балки у ҳақида билмасдан шахс зўрлик ишлатиши мумкин эмас.

Қўрқитиш деганда, жабрланувчига руҳий (психик) таъсир этиш йўли билан таҳдид қилиш тушунилади. Бунда қўрқитишнинг ифода қилиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Масалан, бевосита жабрланувчининг ўзига ёки учинчи шахслар ёхуд унга яқин кишилар орқали оғзаки ёки ёзма шаклда, телефон, телеграф, факс, интернет ёки

бошқа шу каби воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Агар қўрқитиш бошқа шахслар орқали етказилган бўлса, албатта у ҳақда учинчи шахс орқали жабрланувчи огоҳлантирилган бўлиши керак¹¹.

М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрича, қўрқитиш деганда, объектив ҳақиқатни шахсан жабрланувчига ёки учинчи шахслар орқали (оғзаки, ёзма тарзда, қуролни кўрсатиш орқали ва бошқ.) ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этиш мақсади борлигини етказиш тушунилади¹².

Жиноят кодексининг 112-моддаси биринчи қисмида қўрқитишнинг иккита тури назарда тутилган бўлиб, биринчи белгиси ўлдириш билан қўрқитиш ва иккинчи белгиси зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдир. Қўрқитишнинг ушбу турлари фақатгина жабрланувчи томонидан айбдорнинг бундай қўрқитишни амалга оширишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина жавобгарликни келтириб чиқаради. Агар ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ҳазил қилиш натижасида ёки жаҳл устида ифода этилган бўлиб, жабрланувчида хавфсираш учун ҳеч қандай сабаблар қолдирмаган бўлса, бундай қилмиш жиний жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш нияти борлиги ҳақида ҳар қандай усул билан уни хабардор қилиш тушунилади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, айбдорда жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш нияти борлигини ифода қилиш тушунилади.

Жиноят кодекси 112-моддасининг матнида жабрланувчига қандай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш кераклиги аниқ белгилаб қўйилмаган. Шу боис, Жиноят кодексининг 112-моддасида қайд этилган жабрланувчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган зўрликни ҳам жисмоний, ҳам руҳий хусусиятга эга бўлган зўрлик сифатида тушуниш мумкин.

Рухий зўрлик деганда, шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига куч ишлатиш мумкинлиги тўғрисида жабрланувчининг иродасига ҳар қандай усулда таъсир ўтказиш тушунилади¹³.

Айтиш жоизки, жабрланувчи дарҳол ёки келажакда зўрлик ишлатиш билан қўрқитилиши мумкин. Қонун чиқарувчи таҳлил этилаётган жиноят таркибининг объектив томони зарурий белгиси сифатида қўрқитишнинг аниқлиги ва ҳақиқийлигини кўрсатади, яъни жабрланувчида объектив ҳолат сифатида айбдор томонидан қўлланилиши мумкин бўлган зўрликни амалга ошириши учун реал асослар бўлишини тақозо этади.

Зўрликни амалга оширишнинг аниқлиги жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг хусусиятлари, аниқ шароит, зўрликни

амалга ошириш имкониятининг қатъийлиги, зўрлик ишлатиш билан қўрқитаётган шахснинг шахсий хусусиятлари ва бошқа шу кабиларни инobatга олган ҳолда аниқланади. Мазкур ҳолатни аниқлаш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ваколатига киради. Мантикий жиҳатдан зўрлик жабрланувчига ўзининг ҳаёти ёки соғлигини аниқ химоя қилиши учун асос уйғотувчи, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитувчи айбдор томонидан у ёки бу воситалар, усуллар, предметлардан фойдаланганда аниқлик хусусиятини беради, аммо қўрқитишни амалга ошираётган вақтда у ёки бу кўринишдаги қурол ва воситалардан фойдаланилмастлиги ҳам мумкин.

Жиноят кодексининг 112-моддаси матнида қўрқитишнинг ҳақиқийлиги унинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлиши тариқасида очиб берилиб, жабрланувчига нисбатан амалга оширилишидан хавфсираш учун асос бўла оладиган сифатларга эга бўлган қўрқитиш ҳақиқий деб топилади. Жабрланувчида қўрқитишнинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар бор ёки йўқ деган масалани ҳал қилишда айбдор томонидан ифодаланган сўзларнинг мазмуни, қўрқитишга сабаб бўлган можаронинг жиддийлиги, кескинлиги, қўрқитувчи ва қўрқитилувчи ўртасида вужудга келган муносабатлар хусусиятини ҳисобга олиш керак бўлади.

Қўрқитишнинг жабрланувчи томонидан идрок этилишига вазият ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ҳеч кимдан ёрдам олиш мумкин бўлмаган хилват жойда, субъектнинг ҳаракатлари атрофдагиларнинг очиқ-ойдин қўллаб-қувватланиши ва бошқа шу сингари ҳолатларда бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг субъектив томони тўғри қасддан содир этилади. Шу боис, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш аниқ шахсга нисбатан йўналтирилган ва аниқ ниятни ўзида ифода этган бўлиши керак. Агар қилмиш содир этилишида ушбу белгилар мавжуд бўлмаса, қилмиш Жиноят кодексининг 112-моддаси билан квалификация қилинмайди.

Агар ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш бошқа жиноятни содир этиш усули сифатида намоён бўлиб, ушбу жиноятлар учун Жиноят кодексининг тегишли моддаларида алоҳида жавобгарлик назарда тутилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгилувчи битта моддаси билан квалификация қилинади (масалан, босқинчилик жинояти содир этилишида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитилган бўлса, қилмиш фақат босқинчилик деб, Жиноят кодексининг 164-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади. Чунки бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди).

Мазкур жиноятнинг субъекти жиноят содир этилгунга қадар 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Жиноят кодексининг 112-моддаси иккинчи қисмида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш: а) ўта хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гуруҳ аъзоси ёки унинг манфатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан таҳдид этиш, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини қўрқитиш ва воқеа ошқора бўлишининг олдини олиш мақсадида содир этилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва Жиноят кодексининг 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисмлари бўйича жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади¹⁴.

Жиноят кодексининг 112-моддаси учинчи қисмида эса, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг қариндошларига нисбатан содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган айрим хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, МДҲ давлатларидан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 119-моддаси ўлдириш ёки соғлиққа оғир шикст етказиш билан қўрқитиш деб номланган бўлиб, унга кўра, агарда ушбу қўрқитиш амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлгандагина жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида ушбу жиноят сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний нафрат ва адоват мотивлари ёки қайсидир ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ва адоват мотивларига кўра содир этилганда келиб чиқадиган жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁵. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 112-моддасида бундай банд мавжуд эмас.

Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг айна шу номдаги 134-моддаси битта қисмдан иборат бўлиб, унга кўра, ўлдириш ёки соғлиққа оғир шикаст етказиш, агарда бундан хавфсираш учун реал асослар мавжуд бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади¹⁶.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 115-моддасида айна ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур модда

қўрқитиш деб номланган бўлиб, унга кўра, ўлдириш ёки соғлиққа оғир шикаст етказиш, шунингдек, шахсга нисбатан бошқача зўрлик ишлатиш ёхуд мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан қўрқитиш, агарда бундай қўрқитиш амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар бўлганда жиноий жавобгарлик келиб чиқади¹⁷.

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасида худди шундай жиноий қилмиш учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агарда хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлганда мазкур жиноят таркиби келиб чиқади. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, ўша ҳаракат хизмат ёки касбий вазифасини амалга ошириш ёки жамоат бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилганда оғирроқ жиноий жавобгарлик келиб чиқади¹⁸.

Корея Республикаси Жиноят кодексининг 283-моддасида бошқа бировни қўрқитиш учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра мазкур қилмиш шахснинг турмуш ўртоғига нисбатан содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, агарда жабрланувчининг қаршилиги мавжуд бўлганда мазкур жиноятлар учун шахс жиноий таъқиб қилинмайди. Кодекснинг 284-моддасида эса, 283-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳаракат жамоавий куч ишлатиш ёки хавфли қурооллар олиб юриш билан таҳдид қилиш орқали содир қилинганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁹.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 112-моддасини такомиллаштириш лозим деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, мазкур модданинг иккинчи қисмини қуйидагича: *“Мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан қўрқитиш; миллий ёки ирқий адоват замирида; диний таассублар замирида; шахснинг яқин қариндошларига, шу жумладан турмуш ўртоғига нисбатан содир этилган бўлса”,* деган оғирлаштирувчи ҳолатлар билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Таклиф қилинаётган таҳрирга кўра, қўрқитиш, яъни бировга таҳдид қилиш ҳар доим ҳам ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш эҳтимоли билан содир этилавермайди. Мазкур мотивлар билан айна қилмиш содир этилганда амалиётда квалификация қилиш билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабли 112-модда иккинчи қисмини юқорида назарда тутилган бандлар билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, шахнинг яқин қариндошларига, шу жумладан турмуш ўртоғига нисбатан содир этилган қўрқитиш учун жавобгарликни ҳам белгилаш таклиф этилмоқда.

Юқорида Корея Республикаси тажрибасидан келтирилган мисолда кўринадики, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш оилада, шу жумладан турмуш ўртоғига нисбатан содир этилса, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилинади. Бизда эса оиладаги зўравонликлар, зўрлик ишлатиш билан қўрқитишлар етарлича баҳоланмайди ва эътиборга олинмайди. Аслида қонун олдида оилавий ришталар қандайлигидан қатъий назар, барча тенг ҳуқуқлидир. Кўчадаги бегона инсонга нисбатан қилинган зўрлик ишлатиш қандай жавобгарликка тортилса, оиладаги шахсга нисбатан зўравонлик ҳам шундай жазоланади. Ачинарлиси, кўпинча айни ҳолатларда жабрла-

нувчининг ўзи мурожаат қилмайди ёки ишни жавобгарни жазолашгача олиб бормади, даъвосини қайтариб олади. Жазоланмаган жиноятлар эса такрорланиши сир эмас. Шу боис бошқариб бўлмайдиган, киши ҳаётига хавф туғдирадиган, уни ўз жонига қасд қилиш даражасига етказадиган оилавий зўравонлик катта ижтимоий муаммога айланиб бормоқда.

Мазкур муаммоларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлда имзоланган “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарордан келиб чиқиб, оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш борасида субъектларнинг вазифалари белгилаб берилди.



¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). Т.2.–Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 167.

²Иващенко А.В., Марцев А.И. Методология правового исследования насилия // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием. – Омск, 1996. – С. 4.

³Иващенко А.В., Марцев А.И. Методология правового исследования насилия // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием. – Омск, 1996. – С. 4.

⁴Антонян Ю.М., Бойко И.Б., Верещагин В.А. Насилие среди осужденных. – М., 1994. – С. 66.

⁵Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия / В кн. «Насильственная преступность». Под ред. Кудрявцева В.Н. и Наумова А. В. – М., 1997. – С. 56.

⁶Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2009. – Б. 199.

⁷Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия / В кн. «Насильственная преступность». Под ред. Кудрявцева В.Н. и Наумова А. В. – М., 1997. – С. 58.

⁸Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М.: Юрлитинформ, 2002. – С. 14.

⁹Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. – Т., 2009. – Б. 18.

¹⁰Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1-бўлим, 2014. – Б. 108.

¹¹Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.93.

¹²Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: “ILM ZIYO”, 2011. – Б.115.

¹³Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.94.

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 4-банди.

¹⁵http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

¹⁶https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30420353

¹⁷https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252

¹⁸https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34350840#pos=0:0

¹⁹<http://www.law.go.kr/LSW/eng/>

[engLsRtFPrint.do?save=save&docSelectId=doc&lsiSeq=188383&ancYd=20161220&ancNo=14415](http://www.law.go.kr/LSW/eng/engLsRtFPrint.do?save=save&docSelectId=doc&lsiSeq=188383&ancYd=20161220&ancNo=14415)

Иброҳимов Жамшид Абдуғофур ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг бўлим катта прокурори

ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

◆ Мақолада терроризм тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, бу борада хорижий давлатларнинг жиноят қонунлари қиёсий ўрганилган. Мақолада шунингдек, терроризмга қарши кураш соҳасидаги махсус қонунлар қабул қилган чет давлатлар тажрибаси тадқиқ этилган.

◆ В статье с научно-теоретической точки зрения проанализировано понятие терроризма, проведено сравнительное изучение уголовных законов зарубежных стран. В статье также исследован опыт зарубежных стран, принявших специальные законы в сфере противодействия терроризму.

◆ The article from a scientific and theoretical point of view analyzes the concept of terrorism, conducted a comparative study of the criminal laws of foreign countries. The article has research about the foreign countries experience where special laws adopted in the sphere of countering terrorism.

Таянч сўзлар: терроризм, жиноий жавобгарлик, жиноят, жиноят қонуни, хорижий тажриба.

Ключевые слова: терроризм, уголовная ответственность, преступление, уголовный закон, зарубежный опыт.

Key words: terrorism, criminal responsibility, crime, criminal law, foreign experience.

Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ҳаётига таҳдид солаётган энг хавфли офат халқаро миқёсларда ривожланиб бораётган терроризм жиноятидир. “Террор” атамасини биринчи бор Арасту қадимги юнон театрларидаги трагедияларда томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш мақсадида “кўрқинч” маъносида қўллайди¹. “Террор”нинг латин тилидаги бирламчи маъноси “кўрқинч”, “даҳшат”ни англатади.

Терроризм ҳам ижтимоий-салбий ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқнинг ривожига ўта салбий таъсир кўрсатади. Ушбу хавфли актлар мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, қанчадан-қанча бегуноҳ шахсларнинг бевақт ўлимига, давлат ва фуқаролар мулкининг нобуд бўлишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, мамлакатдаги ялпи нотинчликка сабаб бўлади². Ушбу ҳодиса одатда кўплаб инсонлар қурбон бўлишига, баъзида тикланмайдиган моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлишига олиб келади. У ижтимоий ва миллий гуруҳлар ўртасида баъзан бутун бир авлод ҳаёти мобайнида бартараф этиб бўлмайдиган ишончсизлик ва нафрат келтириб чиқаради³.

Таъкидлаш лозимки, ушбу жиноий хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларга оид иккинчи бўлимида белгиланган. Унга кўра, терроризм бу тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига мансуб бўлса, конституциявий тузумга тажовуз қилиш Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар сирасига киради.

Терроризм жиноятининг тушунчаси миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ҳамда “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларида белгилаб берилган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 155-моддасига кўра, терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш,

аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ эса терроризм – сиёсий, диний, мафкураравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлардир⁴.

АҚШнинг Қонунлар мажмуида эса терроризм – жанг қилмаётган тарафга қарши миллатчи гуруҳлар ёки махфий хизматчилар томонидан жамоатчиликка таъсир кўрсатиш мақсадида қасдан содир этиладиган ва сиёсий мақсадларни кўзлайдиган зўравонлик ҳаракатлари сифатида таърифланади⁵.

Юридик адабиётларда терроризм – халқаро муносабатларни чигаллаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлатларнинг хавфсизлигига раҳна солиш, уруш ва қуролли тўқнашувлар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш ёки қасос олиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахсларни, давлат органлари ёхуд халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларини бирор-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбурлаш учун қилмиш кўринишида ёки уни амалга ошириш билан қўрқитиш тарзида ошкора содир этиладиган, шахсга ёки мулкка хавф туғдирадиган ҳаракат сифатида ба-

ҳоланади⁶.

Терроризм – аҳоли ўртасида саросима келтириб чиқариш, давлат ва жамоат тизимини издан чиқариш ва ҳаттоки, буткул вайрон қилиш, қўркув солиш, рақибини ўзи хоҳлаган қарорни қабул қилишга мажбурлаш, сиёсий ва бошқа ўзгаришларни келтириб чиқаришдир⁷.

Ҳозирда терроризм хавфининг ошиб бораётганлигини қуйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин: террорчилик таъсир кўрсатадиган объектларнинг кўпайганлиги, терроризмнинг янги шакллари, методлари ва усуллари пайдо бўлганлиги, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш ҳолатлари ортганлиги, террорчиларнинг жиноий малакаси ошганлиги, халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликнинг кенгайганлиги, давлатлараро алоқаларнинг хилма-хиллиги, алоҳида давлатлар ўртасида чегара, божхона ва санитария режимининг сусайганлиги, қурол-яроғ, наркотик воситалар ҳамда психотроп моддалар савдоси ва контрабандасининг кучайганлиги, ядровий, кимёвий ва биологик қуроллардан фойдаланиш хавфи, террорчилар кўлида молиявий маблағларнинг борган сари кўпроқ жамланаётганлиги, террорчилик фаолиятининг хайрия ва маданий тадбирлар билан ниқобланганлиги ва ҳ.к.⁸ Шунингдек, ушбу жиноятни содир этишда уюшган жиноятчилик улушининг тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам мазкур жиноятларга қарши курашиш чораларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда⁹. Жамиятда хавфсизликни таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, барча мулк шакллари, давлат суверенитети ҳамда конституциявий тузумни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш уюшган жиноий тузилмаларнинг шаклланиш жараёни ва фаолияти устидан узлуксиз ва самарали ижтимоий-ҳуқуқий назоратни талаб қилади¹⁰.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида терроризм хавфининг тобора кучайиб бораётганлиги, миллий хавфсизлигимизни мустаҳкамлаш борасида унинг янгидан-янги кўринишларига қарши курашиш бўйича жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-365-сонли Қонуни асосида Жиноят кодексининг 155¹ ва 155²-моддалар билан тўлдирилиб, натижада терроризм жиноятларига қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди.

ЖКнинг 155¹-моддаси *тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик* учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Унга биноан, ЖКнинг 155-моддаси (терроризм), 155²-моддаси (террорчилик фаолиятини амалга оши-

риш мақсадида ўқувдан ўтиш), 158-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш), 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тизимига тажовуз қилиш), 161-моддаси (кўпорувчилик), 242-моддаси (жиной уюшма ташкил этиш), 245-моддаси (шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш), 254-моддаси (радиоактив материалларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), 255¹-моддаси (бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш) ва (ёки) 264-моддасида (темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш) назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан ўша қилмиш одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолларда эса қилмиш оғир жиноят сифатида баҳоланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

ЖКнинг 155²-моддаси *террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш учун жиноий жавобгарликни белгилайди*. Унга бинотан, шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ЖКнинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан, мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши жиноий жавобгарликни қўллаш учун асос бўлади.

Ушбу моддага Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-405-сонли Қонуни билан қўшимча киритилган. Унга қадар террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш жиноят бўлган бўлса, эндиликда шу мақсадда, чиқиш ёки ҳаракатланиш ҳам жиноят, деб тан олинди. Тегишинча, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш жиноят, деб эътироф этилди.

Шунингдек, ушбу модда янги иккинчи қисм би-

лан тўлдирилиб, унда террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш – саккиз йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Ушбу қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ҳозирги вақтда бутун жаҳон миқёсида тобора хавfli тус олиб бораётган терроризм билан боғлиқ хавfli жиноий қилмишларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, уларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга ва пировардида, мамлакатимизда хавфсизликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-405-сонли Қонуни билан ЖК 155³-модда билан тўлдирилиб, *терроризмни молиялаштириш* учун жиноий жавобгарлик киритилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракат оғир ва иккинчи қисмида назарда тутилган қилмиш ўта оғир жиноятлар тоифасига қиради.

ЖКнинг 155³-моддасига мувофиқ, терроризмни молиялаштириш қуйидаги усулларда амалга оширилади: террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият.

Мухтасар айтганда, терроризм ўта мураккаб жиноий ҳодиса бўлиб, деярли барча давлатлар қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда¹¹. Терроризмнинг ҳозир оламшумул муаммо сифатида баҳоланиши, шубҳасиз, бежиз эмас, зеро бу ҳодиса борган сари кучайиб бормоқда ҳамда асосли равишда энг хавfli, башорат қилиш қийин бўлган, кўп қиррали, кун сайин хилма-хил шаклларга қираётган ҳодисалардан бири, деб тан олинмоқда¹².

Айрим ҳуқуқшунос олимлар жиноят-ҳуқуқий маънодаги терроризмнинг уч турини ажратиб кўрсатадилар: терроризм, террористик актлар ва террористик хусусиятдаги жиноятлар. Терроризм шаклини эса учга бўладилар: халқаро терроризм,

ички давлат терроризми ва якка терроризм. Уларнинг фикрича, “терроризм” атамаси ижтимоий (криминологик) ҳодиса сифатида террористик хусусиятдаги ҳаракатларни қамраб олади, террористик акт эса унинг аниқ қўриниши ҳисобланади. Бундан ташқари, терроризм терроризмни тарғиб қилиш ёки терроризм актини содир этишга оммавий ундаш, террористик гуруҳ ташкил этиш ва унинг фаолиятида иштирок этиш, террористик ёки экстремистик гуруҳни ташкил этиш ва унга шерикчилик қилиш ва бошқаларда ҳам намоён бўлиши мумкин¹³.

Хорижий тажрибани ўрганиш кўп давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва махсус хизмат идораларининг терроризмга қарши кураш бўйича фаолияти махсус қонунлар билан белгиланишини кўрсатади. Масалан, Буюк Британияда ушбу муносабатлар 2000 йилдаги “Терроризм тўғрисида”ги ва 2001 йилдаги “Антитерроризм, жиноятлар ва хавфсизлик тўғрисида”ги қонунлар билан белгиланади. “Терроризм тўғрисида”ги қонун тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, тер-

рористик фаолиятда гумон қилинаётган шахсни қамоққа олиш ва тергов қилиш асосларини белгилаб беради.

Шу билан бир вақтда Австрия, Бразилия, Арманистон, Греция, Миср, Эрон, Кипр, Куба, Қирғизистон, Ливия, Македония, Сурия, АҚШ, Польша, Швейцария, Швеция, Венгрия, Финляндия, Хорватия каби бир қатор давлатларда терроризмга қарши кураш бўйича махсус алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинмаган. Ушбу давлатларда терроризмга қарши кураш масалалари бошқа қонун ҳужжатлари доирасида қамраб олинади¹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм инсониятга қарши энг хатарли, оғир ва ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят сифатида мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таҳдид солади, давлатда нотинчликка сабаб бўлади, тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этиб, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказди ҳамда жамият ва давлат ривожланишини, раванг кини ортга суради.



¹ Фарб фалсафаси / Қ.Назаров таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. – Б.166.

² Таджиханов Б.У. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. – Тошкент, 2007. – Б.226-227.

³ Обзор дел о терроризме. Организация Объединенных Наций. – Нью-Йорк: Electronic Publishing Unit, 2010. – С.26.; Захарова А.К. Криминологические и уголовно-правовые меры предупреждения терроризма: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2007. – С. 12.; Боташева А.К. Уголовно-правовые и криминологические аспекты предупреждения терроризма. – М.: Учлитвуз, 2005. – 148 с.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 й. 167-II-сонли “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 15-модда.

⁵ Title 22 of the United States Code Sec. 2656f (d).

⁶ Бу ҳақда қаранг: Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2002. – 49 б.; Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – 94 б.; Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Тошкент: Тошкент Ислон университети, 2002. – 128 б.; Закурлаев А. Терроризмга қарши курашнинг халқаро-тарихий асослари ва кафолатлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. – №1. – Б.60-61.; Сафарова Н.О. Терроризм: манбалар, мақсади, глобаллашув жараёни (тарихий-фалсафий таҳлил). (Монография). – Тошкент: Фан, 2006. – 191 б.; Таджиханов Б.У. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.55.; Чуб Д.А. Терроризм как преступление международного характера. // Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. – Ташкент, 2002. – С. 226-227 ва б.қ.

⁷ Захарова А.К. Совершенствование уголовно-правовых мер противодействия терроризму в России // Черные дыры в Российском законодательстве. – 2007. – №4. – С.305-306.

⁸ Корж И. Радикализм общественных отношений – угроза безопасности государства // 21-й ВЕК. – 2013. – №2(27). – С. 103-104.; Антонян Ю. М. Терроризм. Криминологическое и уголовно-правовое исследование. М., 2001. – С.8.; Коффман Б.И., Миронов С.Н., Сафаров А.А. Терроризм: история и современность. – Казань, 2002. – С. 28.; Емельянов В.П. Терроризм как деяние и состав преступления // Государство и право. – 2002. – С. 34.

⁹ Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2005. – 206 б.

¹⁰ Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юридик фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – Б.3.

¹¹ Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 152.

¹² Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М., 2000; Предупреждение терроризма и борьба с насильственным экстремизмом и радикализацией, ведущими к терроризму. Вена, ОБСЕ, февраль 2014 ва б.қ.

¹³ Устинов В.В. Международный опыт борьбы с терроризмом: стандарты и практика. – М.: Юрлитинформ, 2002. – С. 187.; Шорманбаев А. Уголовно-правовая ответственность за терроризм // www.zakon.kz/4528293-ugolovno-pravovaja-otvetstvennost-za.html

¹⁴ Кофанов А.В. Нормативно-правовое обеспечение противодействия терроризму в странах мира: некоторые теоретические и практические аспекты // Криминологический журнал ОГУЭП. – 2008. – №1(3). – С. 34.

Югай Людмила Юрьевна,
докторант факультета послевузовского образования
Академии МВД Республики Узбекистан

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ РЕГЛАМЕНТАЦИИ ДАКТИЛОСКОПИЧЕСКОЙ РЕГИСТРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

◆ В статье раскрываются возможности и место дактилоскопической идентификации как одного из основных видов биометрической регистрации личности. Проводится сравнительный анализ законодательных актов, затрагивающих дактилоскопическую регистрацию в Республике Узбекистан и за рубежом.

◆ Мақолада шахсни биометрик рўйхатга олишининг асосий турларидан бири сифатида дактилоскопик идентификациянинг имкониятлари ва ўрни очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижда дактилоскопик рўйхатга олишга тегишли қонунчилик ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилинган.

◆ The article reveals the possibilities and place of fingerprint identification as one of the main types of biometric registration of a person. It covers a comparative analysis of legislative acts affecting fingerprint registration in the Republic of Uzbekistan and abroad.

Ключевые слова: дактилоскопическая регистрация, биометрический паспорт, отпечатки пальцев, папиллярные линии, профилактика правонарушений, правовое обеспечение.

Таянч сўзлар: дактилоскопик рўйхатга олиш, биометрик паспорт, бармоқ излари, папилляр чизиқлар, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, ҳуқуқий таъминлаш.

Key words: dactyloscopic registration, biometric passport, fingerprints, papillary lines, crime prevention, legal support

В Послании Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису особо подчеркивается о необходимости широкого внедрения в сферу профилактики и борьбы с преступностью и правонарушениями научного подхода и информационно-коммуникационных технологий¹.

Кроме того, ряд известных ученых - криминалистов утверждают, что необходимо расширять внедрение современных научно-технических средств и информационных технологий в борьбе с преступностью, разрабатывать и внедрять новые информационные системы, интегрированные базы и банки данных, которые способны ускорить и упростить процесс поиска, анализа, передачи и обработки информации².

Ежегодно арсенал технических средств обеспечения безопасности, в которых используются биометрические способы идентификации личности пополняется. Данные методы применяются начиная с контроля доступа к смартфону или персональному компьютеру до используемых во многих странах мира биометрических паспортов с охватом всего их населения.

Идентификация по узорам папиллярных линий на сегодняшний день является самой востребованной на рынке биометрических технологий. По данным International Biometric Group самой крупной биометрической организацией в мире, вклю-

чающей в себя более 500 биометрических компаний, дактилоскопические технологии составляют примерно 50% от общего биометрического рынка систем идентификации (без учета рынка Автоматизированных дактилоскопических идентификационных систем (АДИС), который делает перевес дактилоскопических технологий ещё большим). Причем эта цифра относительно стабильна в течение прошедших 5 лет и маловероятно её изменение в будущем. Остальные 50% относительно равномерно распределены между примерно десятью другими биометрическими технологиями. Лучшие из альтернативных дактилоскопии биометрических технологий уступают лидеру примерно в десять раз по объему рынка и по основным рабочим параметрам³.

В Республике Узбекистан успешно реализуется процесс дактилоскопической регистрации граждан. Отпечатки пальцев рук берут у граждан при получении биометрического паспорта, у лиц без гражданства при получении биометрического проездного документа, в центрах органов внутренних дел по реабилитации лиц без определенного места жительства, доставленных при проведении профилактических и иных мероприятий в органы внутренних дел, привлеченных к уголовной ответственности, подвергнутых к административному аресту и т.д. Вышеуказанное несом-

ненно положительным образом отражается как на раскрываемости преступлений, так и в целом на профилактической деятельности органов внутренних дел.

Однако, несмотря на вышеуказанное, отдельного закона, регулирующего сбор, хранение, актуализацию и использование дактилоскопических данных не имеется.

Считаем необходимым сделать краткий обзор тех нормативно-правовых актов, затрагивающих некоторые аспекты дактилоскопической регистрации.

Так, нормами Уголовно-процессуального кодекса предусмотрено:

- обязательное дактилоскопирование неопознанных трупов (ч.3 ст.138 УПК РУз);
- получение образцов для экспертного исследования, в том числе и дактилоскопических (ч.1 и 2 ст.188 и 190 УПК РУз).

Кроме этого, в соответствии со ст.14 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» от 25 декабря 2012 г.⁴ среди видов оперативно-розыскных мероприятий предусматриваются такие, как сбор образцов для сравнительного исследования и исследование предметов и документов. Данная норма закона не ограничивает перечень собираемых образцов, поэтому они могут включать в себя любые материальные объекты: следы, связанные с жизнедеятельностью человека (отпечатки пальцев рук, следы ног, волосы, голос, кровь, запах, почерк и т.п.)⁵.

Необходимо также отметить, что ст.16 Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 г.⁶ обязывает органы внутренних дел назначать и проводить экспертизы по уголовным делам, в том числе и дактилоскопические; устанавливать личность неопознанных трупов; принимать меры по идентификации лиц, которые по состоянию здоровья, возрасту или иным причинам не могут сообщить сведения о себе, осуществлять выдачу и обмен паспортов гражданам Республики Узбекистан, видов на жительство иностранным гражданам и лицам без гражданства, удостоверений лицам без гражданства; формировать справочно-информационные фонды, создавать криминалистическую учетно-информационную систему, вести оперативно-поисковые учеты.

В соответствии со ст.7 Закона Республики Узбекистан «О порядке отбывания административного ареста» от 9 января 2018 г.⁷ при приеме в специальный приемник в отношении лица, подвергнутого административному аресту, осуществляется дактилоскопическая регистрация, а ч.2 ст.42 Закона Республики Узбекистан «О содержании под стражей при производстве по уголовному делу» от 29 сентября 2011 г.⁸ предусматривает

дактилоскопирование задержанных и заключенных под стражу.

На основании ст.14 Закона Республики Узбекистан «Об административном надзоре органов внутренних дел за лицами, освобожденными из учреждений по исполнению наказания» от 09 декабря 1992 г.⁹ производится дактилоскопирование и постановка на учет.

Кроме этого, ст.18 Положения о центрах органов внутренних дел по реабилитации лиц, утвержденного Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №309 от 26 апреля 2018 г.¹⁰ предусматривает проведение дактилоскопической регистрации при приеме в центры реабилитации в отношении лиц без определенного места жительства.

В соответствии с Указом Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «О мерах по дальнейшему совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан»¹¹ от 23 июня 2009 г., Указом Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан»¹² от 5 января 2011 г. и другими нормативно-правовыми актами с 2011 г. введены паспорта нового поколения с биометрическими данными его владельца. Биометрические данные в виде отпечатков пальцев рук и цифрового изображения владельца паспорта сохранены на чипе биометрического паспорта и в базе автоматизированной паспортной системы «Биопаспорт».

Кроме того, реалии времени свидетельствуют о том, что при нынешней социально-политической обстановке в мире, росте транснациональной преступности, состоянии внешней и внутренней миграции, проблеме торговли людьми, активизации религиозного экстремизма и терроризма, преступности и других негативных проявлений большую роль имеет обмен криминалистическими, в том числе и дактилоскопическими данными с зарубежными странами.

На сегодняшний день осуществляется международное взаимодействие по обмену криминалистической значимой информацией по следам и отпечаткам пальцев рук между правоохранительными органами Республики Узбекистан и другими государствами. В соответствии с Соглашением о взаимоотношениях министерств внутренних дел стран СНГ в сфере обмена информацией¹³ (г. Чолпон-Ата, 3 августа 1992 г.) и Соглашением об обмене информацией в сфере борьбы с преступностью (г.Астана, 22 мая 2009 г.) функционирует Межгосударственный информационный банк (МИБ). МИБ включает в себя дактилоскопические базы данных (следов и отпечатков пальцев рук) лиц, представляющих интерес у правоохранительных органов.

Так, 24 мая 2017 года был подписан Прото-

кол о взаимодействии между министерствами внутренних дел Российской Федерации и Республики Узбекистан, который также предусматривает ряд мероприятий по борьбе с терроризмом и экстремизмом, в том числе и обмену дактилоскопической информацией.

Как отметила зарубежный ученый Яковлева А.С. «эффективность и результативность международного сотрудничества в сфере обмена криминалистической значимой информацией по следам и отпечаткам рук, во многом зависит от совершенствования нормативно-правовой базы, как в Российской Федерации, так и в странах СНГ»¹⁴.

Необходимо отметить, что вышеуказанные нормативные акты не могут в полной мере обеспечить регламентацию всех вопросов дактилоскопической регистрации. Введение биометрических паспортов с данными об отпечатках пальцев с 2011 г., наличие дактилоскопической базы данных различных категорий населения, сбор, хранение, оборот этой информации обуславливает необходимость принятия Закона Республики Узбекистан «О государственной дактилоскопической регистрации». Предлагаем изучить опыт ряда стран по урегулированию дактилоскопической регистрации.

В соответствии с Законами «О государственной дактилоскопической регистрации» Российской Федерации, Белоруссии и ряда других государств предусматриваются два вида дактилоскопической регистрации: добровольная и обязательная для отдельной категории граждан. Однако, на сегодняшний день возникает вопрос о введении всеобщей дактилоскопической регистрации в России. За 17 лет существования Федерального Закона РФ «О государственной дактилоскопической регистрации» было принято 34 изменения. По мнению зарубежного ученого Лугового А.К., до сих пор не отлажен механизм оперативного сбора и обобщения дактилоскопической информации, не обеспечено должное взаимодействие между правоохранительными органами¹⁵.

В Республике Беларусь в категорию лиц, подпадающие под обязательную дактилоскопическую регистрацию, включены военнообязанные, т.е. молодые люди от 18 до 27 лет. Если учесть, что Закон Республики Беларусь «О государственной дактилоскопической регистрации» принят в 2003 г. после чего были приняты изменения к нему в 2010 г., то охват населения составляет существенный процент.

По мнению С.М.Колотушкина, благодаря хорошей организации в Республике Беларусь всеобщая дактилоскопическая регистрация была проведена за два месяца¹⁶.

В декабре 2016 г. в Казахстане был подписан Закон «О дактилоскопической и геномной регис-

трации». Согласно данному Закону с 2021 года дактилоскопическая регистрация будет обязательной для граждан, достигших 16 лет и получающих паспорта или удостоверения личности гражданина Казахстана. Дактилоскопические данные планируется вносить в электронные чипы паспортов и удостоверений личности. Обязательную дактилоскопическую регистрацию будут осуществлять в отношении иностранных граждан, нарушивших законодательство республики и подлежащих выдворению из страны. Следует отметить, что первоначальный проект Закона в 2013 г. подразумевал добровольную и обязательную дактилоскопическую и геномную регистрацию. Однако окончательный вариант Закона остановился на всеобщей дактилоскопической регистрации.

Первоначальный вариант Закона Республики Таджикистан «О государственной дактилоскопической регистрации» от 3 сентября 1999 г. предусматривал добровольную и обязательную дактилоскопическую регистрацию. В 2015 году он был пересмотрен с учетом современных условий и предусматривал обязательную дактилоскопическую регистрацию при получении паспорта, водительского удостоверения и других документов, удостоверяющих личность¹⁷.

Принятие Закона «О государственной дактилоскопической регистрации» урегулировало бы отношения, возникающие при проведении дактилоскопической регистрации граждан при получении биометрического паспорта, временной прописки и других обстоятельствах, а также установило бы порядок формирования, хранения и оборота дактилоскопической информации, обмена дактилоскопической информации между государствами на законодательном уровне.

Данный закон в перспективе существенно упростил бы и ускорил процедуру создания и использования электронной базы дактилоскопических данных, что позволило бы повысить эффективность раскрываемости преступлений и улучшить оперативную обстановку в республике.

При разработке данного законопроекта в первую очередь необходимо учитывать зарубежный опыт законодательного регламентирования дактилоскопической регистрации. Необходимо принять во внимание, что ряд государств, поначалу законодательно дифференцировавших добровольный и обязательный виды дактилоскопической регистрации, на сегодняшний день склоняются к необходимости всеобщей дактилоскопической регистрации с учетом соблюдения прав и свобод граждан.

У всеобщей дактилоскопической регистрации имеются немало противников, которые ссылаются на нарушение их личных прав и свобод, на унижительность процедуры дактилоскопирования, на тотальный контроль, на изначальное подозре-

ние о причастности к преступлению и т.д. Однако если ставить на одну чашу весов потерпевших от преступлений, трупы неопознанных лиц, без вести пропавших и т.д., а на другую личное Эго, выбор очевиден. Преступность во всех её формах и проявлениях является самым значительным нарушением прав и свобод личности, угрозой социального прогресса нашей страны.

Исходя из вышеуказанного, необходимо отметить о целесообразности разработки и принятия проекта Закона Республики Узбекистан «О государственной дактилоскопической регистрации» в целях упорядочения общественных отношений в сфере получения дактилоскопической информации, ее хранения, использования, актуализации, оборота.



¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Народное слово. 29 декабря 2018 г.

² Рекомендации Международной научно-практической конференции «Криминалистика XXI века» // Эксперт-криминалист. – Москва, 2011. – №1. – С.18-21.; Прохорова М.И. Некоторые аспекты информационно-справочного обеспечения процесса раскрытия и расследования преступлений // Российский следователь. – Москва, 2010. – №9. – С.2-3.; Ефимова С.А. Информационно-криминалистическое обеспечение предварительного расследования // Российский следователь. – Москва, 2010. – №16. – С.10-12.; Польщиков А.В. Понятие информационно-коммуникационных технологий в системе технико-криминалистического обеспечения деятельности ОВД // Российский следователь. – Москва, 2010. – №16. – С.33-35.

³ www.bio1.com

⁴ Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» от 25 декабря 2012 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. % 2012 г. % № 52. % ст. 585; 2016 г. % № 17. % ст. 173.; 2017 г. % № 36. % ст. 943.

⁵ Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н. Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» / Отв. редактор Ш.Т. Икрамов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – С.72-78.

⁶ Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-407 «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. % 2016 г. % № 38. % ст. 438; 2017 г. % № 24. % ст. 487.; 2017 г. % № 37. % ст. 978.

⁷ Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-420 «О порядке отбывания административного ареста» от 9 января 2018 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, % 2017 г. % № 2. % ст. 24.

⁸ Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-298 «О содержании под стражей при производстве по уголовному делу» от 29 сентября 2011 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. % 2011 г. % № 40. % ст. 409; 2012 г. % № 37. % ст. 421.

⁹ Закон Республики Узбекистан №750-XII «Об административном надзоре органов внутренних дел за лицами, освобожденными из учреждений по исполнению наказания» от 09 декабря 1992 г. // Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. % 1993. % № 1. ст. 33; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. % 1999. % № 9. % ст. 229.

¹⁰ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 309 от 26 апреля 2018 г «Об утверждении Положения о центрах органов внутренних дел по реабилитации лиц без определенного места жительства» // Собрание постановлений Правительства Республики Узбекистан. % 2018. % N 4. % ст. 95.

¹¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан» № УП — 4117 от 23 июня 2009 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2009. – № 26 – Ст.294.

¹² Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан» № УП — 4262 от 5 января 2011 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2011. – № 1-2 – Ст.2.

¹³ Титов А.П., Мельник А.Е., Новосельцев О.И., Майоров А.Б. Сотрудничество Министерств внутренних дел государств – участников Содружества независимых государств. Сборник актуальных документов СВВД 1992-2014гг. (по состоянию на 01.10.2014 года) / под общ. Редакцией Коновалова О.Ф. — М., 2014. — С. 9-16 (468)

¹⁴ Яковлева А.С. Возможности международного сотрудничества по обмену криминалистически значимой информацией по следам и отпечаткам рук // Эксперт-криминалист. — №4, 2016 — С.23-24.

¹⁵ Михайлов М.А. В шаге от принятия решения о всеобщей дактилоскопической регистрации (Обзор выступлений участников конференции в Государственной думе Федерального собрания РФ) // Эксперт-криминалист. — 2016. — №1 — С.36-37.

¹⁶ См. там же.

¹⁷ <https://ru.sputniknews-uz.com/world/20161128/4239284/Tadjikistan-otpeshatki-zakon.html> (дата обращения: 10.10.2018)

Таирова Гулмира Муроджоновна,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг
бўлим катта прокурори

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мақолада прокуратура органлари фаолиятини психологик таъминлашнинг зарурати ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

◆ В статье проведен анализ необходимости и особенности психологического обеспечения деятельности органов прокуратуры.

◆ The article analyzes the necessity and characteristics of the psychological support of activities of prosecutorial bodies.

Таянч сўзлар: прокурорлик фаолияти, психология, фаолиятни психологик таъминлаш, прокуратура органлари ходими, реал воқелик, субъектив муносабат, ходимдаги ресурслар, фаолиятни бошқариш.

Ключевые слова: прокурорская деятельность, психология, психологическое обеспечение деятельности, работник органов прокуратуры, реальность, субъективное отношение, ресурсы работника, управление деятельности.

Key words: prosecutorial activity, psychology, psychological support of activities, an employee of the prosecutor's office, reality, subjective attitude, resources of an employee, management of activities.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Бош прокуратура Академияси ва унинг таркибида прокуратура органлари фаолиятини психологик таъминлаш бўлими ташкил этилди.

Мазкур мақолада Бош прокуратура Академияси таркибида психологик таъминлаш бўлими ташкил этилишининг аҳамияти ҳамда прокурорлик фаолиятида психологик билимларнинг зарурати ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, психология — инсон(лар)нинг ички руҳий олами шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган фандир¹.

Прокуратура органлари фаолияти бевосита инсон хулқ-атвори билан боғлиқ экан, албатта, инсон руҳиятига доир билимлардан бохабар бўлиш соҳа ходимлари учун айтиш мумкин.

Зеро, инсонда муайян эҳтиёж, уни қондиришга қаратилган мақсад ва ушбу мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатларнинг юзага келиши, ўзига хос хусусиятлар ва қадриятлар тизимининг шаклланиши бевосита руҳият — психология қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Афсус билан айтиш лозимки, мамлакатимизда 1980 йилларнинг бошига келиб психология мустақил соҳа сифатида эътироф этилди ва ўтган йиллар давомида психологиянинг педагогик пси-

хология йўналишигина шакллана борди.

Ҳолбуки, Гарбий Европа ва Америкада психология XIX асрнинг охирида алоҳида таълимот сифатида тўлиқ шаклланиб улгурган, XX аср ўрталарига келиб жамият ҳаётининг кўпгина соҳаларига кириб борган, XXI аср бошида эса, психологиянинг инсон руҳияти ва воқеа-ҳодисаларнинг нормал кечишига тўсқин бўлувчи деструктив йўналишлари ҳам пайдо бўла бошлаган эди.

Ҳар қандай илм, шу жумладан, психология илми ҳам инсоният ва умумжамиат манфаатларига тўғри йўналтирилган тақдирда самара бериши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, прокуратура органлари фаолиятида қуйидаги масалаларни ҳал этишда психологик билимлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Биринчидан, прокуратура органлари учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида:

Прокуратура ходимида бўлиши лозим бўлган ахлоқий ва психологик хусусиятлар қаторига - масъулиятлилик, ҳалоллик, иродалилик, қатъийлик, зийраклик, камтарлик, ташаббускорлик, батартублик, эмоционал барқарорлик, мантиқий тафаккур, ижодий фикрлаш ҳамда мулоқотчанлик қабиларни киритиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, прокуратура органларида хизмат қилиш учун номзодларни танлашда кузатув, сўровнома, эксперимент ва тест қабул қилиш методларини қўллаган ҳолда талабгорда

юқоридаги хусусиятлар мавжудлигини ўрганиш юзасидан саралаш (психодиагностика ёки психологик ўрганиш) ишларини амалга ошириш лозим бўлади.

Номзод прокуратура органларига хизматга қабул қилингандан сўнг эса, ундаги индивидуал психологик хусусиятларни инобатга олиб лавозимга тайинлаш ҳамда ходимнинг бутун фаолияти давомида шахсиятидаги психологик ўзгаришларни ўрганиб бориш, ўрни келганда эса, коррекциялаш мақсадга мувофиқ саналади.

Прокуратура органларига илк қабул қилинган ходимлар ҳамда ёш мутахассислар ишини ташкил этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этади. Сабаби, бу даврда ходим адаптация — прокуратура органлари фаолиятига мослашиш жараёнини бошидан кечириб, у психологик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади².

Иккинчидан, прокуратура органлари тизимида самарали (натижадор) ишчанлик муҳитини шакллантириш борасида:

Бугунги давр олимлари инсон фаолиятига “маҳсулот ишлаб чиқарувчи машина” сифатида қарамаслиги ва у узлуксиз меҳнатдан иборат бўлиб қолмаслиги, аксинча, фаолият унга сарфланган ресурслар (вақт, билим, техника ва бошқалар)ни бир неча бор оқлайдиган даражада самарали бўлиши кераклигини эътироф этишмоқда³.

Назаримда, инсон фаолиятининг самарали бўлиши қуйидаги омиллар орқали таъминланади:

1) “Ходим ва хизмат” ўртасидаги муносабатнинг тўғри шакллантирилганлиги.

Ҳар қандай ишнинг пировард натижаси уни амалга ошираётган шахснинг иш жараёнида ўз “мени”ни қай даражада идрок этиши ҳамда фаолият предметида ўзаро таъсири орқали намоён бўлади.

Бу жараёнда, аввало, *ходимнинг ўз-ўзига бўлган муносабати* бирламчи бўлиб, у ўзига қанчалик ишонса, шахс сифатида етук бўлса ва юқори касбий салоҳият (компетенция)га эга бўлса, иш унумдорлиги шунчалик ортиб боради.

Ўзига ишончи суст бўлган ёки ишонч туйғуси “синдирилган” ходимдан катта натижаларни кутиш тўғри бўлмайди. Шу боис, ходимларга “ўзини прокуратура ходими роли”да аниқ кўра олишни ҳамда “прокуратура олдидаги вазифаларни бажаришга қодирман ва бажараман” деган ғояни синдириб бориш лозим бўлади.

Айни вақтда, *ходимнинг ўз хизмат вазифасига (ички) муносабати* ва уни қай даражада англаши ниҳоятда муҳимдир.

Прокурор ўзи ким? У шахслараро муносабатда қандай функцияни бажаради?

Қўлига скальпел олган жарроҳ инсон танасидаги захарланган қисмни бартараф этиш орқали уни соғломлаштиради. Прокурор эса, амалдаги қонунларга таянган ҳолда жамиятдаги “иллат”лар-

ни бартараф этиш чораларини кўради ва тартиб ўрнатишга интилади.

Демак, прокурор учун қонун - “қилич ва қалқон” вазифасини ўтайди. Қонун воситасида у тартиб ва адолатни ўрнатади.

Прокуратура ходими психология фанида асослантирилган борлиқнинг икки буюк қонуниятлари - тартиб ва мувозанат қонуниятининг жамият ҳаётида тўлақонли қарор топишига хизмат қилади.

Жамиятда ва шахслараро муносабатда тартиб ўрнатишдан ва адолатни таъминлашдан завқ олмаган ходимга ўз касбий танловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Энди, прокуратура *ходимининг бошқа инсонларга муносабати* қандай бўлиши керак деган савол туғилади?

Фаолиятимизда “аризачи”, “шикоятчи”, “айбланувчи”, “жиноятчи”, “жабрланувчи” каби ибораларни кўп ишлатамиз. Аммо, шу “-чи” қўшимчаси остидаги сўзлар, бизнинг шу шахсларга нисбатан муносабатимизни бир қолипга солиб кўйиши, стереотип муносабатларга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Прокуратура ходими инсоннинг муайян хатти-ҳаракатига қонун нуқтаи назаридан далиллар билан исботланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беради. Бироқ, инсоннинг шахсига баҳо бериш ёки уни баҳолаш объектига айлантиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Инсон шахси дахлсиз ва ҳар қандай ҳолатда унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Прокурор фаолиятида кўп ҳолларда ҳиссиёт ва эмпатия (ҳамдардлик)ни четга суриб кўйиш, инсонлар хулқ-атворини фақатгина мантиқий таҳлил қилиш билан чегараланиш ҳолатлари учраб туради. Бироқ, бирон-бир қилмиш содир этган инсоннинг ҳақиқий ҳолати, унинг мотив ва мақсадларини англашда ҳис қила олиш қобилиятига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш мумкинки, инсонни англаш жараёнида ҳиссиёт ва интуициянинг ўрни, қарор қабул қилишда эса, мантиқий тафаккурнинг ўрни бекиёсдир.

Шунга кўра, прокуратура органи ходими инсон шахсига олий қадрият сифатида муносабатда бўлиши, инсон сифатида уни ҳис қила олиши ва англай билиши мақсадга мувофиқдир.

Прокурор ходимнинг воқеа-ҳодисалар, яъни ўз фаолиятида тўқнашадиган вазиятларга муносабати қандай бўлиши ҳақидаги масала ҳам муҳим ҳисобланади.

Воқеа-ҳодисаларни “яхши” ёки “ёмон”, “оқ ёки қора”, “салбий ёки ижобий” каби бўёқлар билан изоҳлаш тўғри бўлмайди.

Юз берган ҳар қандай воқеа-ҳодиса, содир этилган қилмиш ёки хатти-ҳаракат — бу факт.

Биз уни аниқлаймиз ва унга ҳуқуқий баҳо берамиз.

Воқеа-ҳодисаларни ҳуқуқий таҳлил қилишда борлиқнинг яна бир қонунияти — “Сабаб ва оқибат” қонуниятига асосланамиз.

Демак, биз аниқлаган факт — бу натижа, яъни оқибат. Унинг аввалидан маълум инсон(лар)нинг хоҳишлари, ўй ва мақсадлари ҳамда интилишлари ўрин олган.

Ўз навбатида, мазкур натижа келгусида вужудга келадиган воқеа-ҳодисалар (фактлар) учун сабаб ва асос бўлиши муқаррар.

Ҳар қандай фактга уни келтириб чиқарган сабаблар ҳамда у келгусида юзага келтириши мумкин бўлган оқибатларни ўрганмай туриб баҳо беришнинг имкони бўлмади.

Прокурор фаолиятида фактлар билан ишлашда яна бир муҳим элементни эътиборга олиш керакки, бу ҳам бўлса, факт — бу абсолют ҳақиқат дегани эмас.

Сабаби, одатда фактлар объектив реалликни инсон тафаккурида субъектив акс эттириш орқали аниқланади. Инсонлар реал вазиятни ўз қизиқиши, хоҳиш-истаклари, ўй-мақсадлари, ҳаётий тажрибаси, ташқи оламни идрок эта олиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турлича қабул қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, катта ёшдаги инсон ташқи оламдаги реаллик (ахборот)нинг кўпи билан 10 фоизини аслича қабул қила олади, реалликнинг қолган 90 фоизини субъектив идрок этади⁴.

Шу боис ҳам воқеликнинг гувоҳи бўлган бир неча шахсларнинг ҳолат юзасидан кўрсатувлари ўртасида муайян тафовутлар вужудга келиши табиий ҳолдир.

Прокурор ҳам инсон-ку, у реалликка қандай назар билан қараши керак деган масала, албатта, барчамизни ўйлантиради.

Прокурордан реалликка, аввало, холис назар билан қараш талаб этилади. Холис назар дегани, вазиятни оқ ва қора бўёққа бўяш эмас, аслида ранго-ранг бўлган реалликни бир неча ракурс, яъни позицияда кўра олишдир. Мисол учун, шахс бирор қилмишни содир этганликда айбланипти, айблов асосли ва ўринли бўлиши учун қилмишни ҳам айбланувчи шахс, ҳам жабрланувчи шахс ҳамда учинчи шахс позициясида туриб талқин этиш, ҳам айбловчи, ҳам ҳимоячи ҳамда судья позициясида туриб таҳлил қилиш, назаримизда, холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Прокурор фаолиятида “муросасизлик” деган тушунча ҳам борки, бу ҳар қандай ҳолатни факт деб қабул қилиб, унга рози бўлиб (келишиб) кетавериш тўғри бўлмаслигини англатади. Факт, яъни ҳолат аниқландими прокурор унинг қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳо бериши ҳамда қонунга зид ҳолатларга муросасизлик кўрсатиб, катъий чоралар кўриши талаб этилади.

2) Хизмат учун зарур “ресурслар” мавжудли-

ги ҳамда ходим улардан тўғри фойдаланиш кўникмаларига эга эканлиги.

Хизмат учун зарур ресурсларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

инсоннинг ички (биологик-фаол, коммуникатив-эмоционал, ижтимоий-ақлий ва руҳий-маънавий) ресурслари ҳамда ташқи (ижтимоий мақоми ёки роли, иш вақти ва иш муҳити, моддий-техник воситалар) ресурслар;

қайта тикланиши мумкин бўлган ёки тикланиши мумкин бўлмаган (вақт, қисман соғлиқ) ресурслар.

Ҳар бир инсон алоҳида мукамалликка эга бўлиб, ўзида қатор ресурсларни жамлайди.

Эътиборли ҳолат, инсон ресурсларининг доираси эмас, балки у мавжуд ресурслардан қай даражада унумли фойдалана олишидир.

Инсонларнинг шундай тоифалари борки, ўз ресурсларини такомиллаштириб, бойитиб боради, баъзилари эса бор ресурсларини истеъмол қилиш билан чекланади, яна бошқалари нафақат ўзининг, балки атрофидаги инсонларнинг ва ҳатто, ўзи фаолият юритаётган ташкилотнинг ресурсини ўстиришга ҳисса қўшса, яна бирлари фақат шахсий ресурсларни ошириб боришни кўзлайди.

Шу нуқтаи назардан, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш ҳамда фаолиятига баҳо беришда уларда мавжуд ресурслар ва ундан фойдалана олиш имкониятларини инobatга олиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ресурслар борасида яна бир масала, қайта тикланиши мумкин бўлмаган — вақт ҳамда инсон соғлиғи каби ресурсларни тўғри сарфлаш ҳамда муҳофазалаш чораларини кўриш талаб этилади. Акс ҳолда, ушбу ресурслар танқислиги муаммоси юзага келади.

Прокуратура органларининг иш ҳажми ортиб бораётган бугунги кунда ушбу масала жиддий аҳамиятга эга бўлиб, ходимларга иш вақтини тўғри тақсимлаш кўникмаларини ўргатиб бориш ҳамда ходим иш учун сарфлаган энергиясини тиклашнинг оптимал ва самарали механизмларини йўлга қўйиш лозим бўлади.

3) Фаолиятда мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш ҳамда ишни аниқ натижага йўналтира олиш.

Ҳар қандай фаолият муайян мақсадга йўналтирилади ва ушбу мақсад йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланади.

Муҳими, фаолиятдан кўзланган мақсадни тўғри белгилашдир. Зеро, пировард натижа айнан мақсадни тўлиқ анланганлиги ва мақсад йўлида қилинган ҳаракатлар йиғиндисига бевосита боғлиқдир.

Шунга кўра, соҳа ходимларида ўзлари амалга ошираётган фаолият йўналиши бўйича мақсадни прокуратура органлари олдида қўйилаёт-

ган устувор вазифалардан келиб чиқиб, тўғри белгилаш, пировард натижани олдиндан кўра билиш ва мақсадга эришишнинг самарали услубларини қўллаш кўникмаларини шакллантириб бориш жоиздир.

Кўзланган натижага эришиш учун эса• прокуратура ходимидан албатта, қатъийлик, тезкор тафаккур ва мустаҳкам ирода талаб этилади.

4) Фаолиятнинг рағбатлантирилиб борилиши ва фаолият натижаларининг адолатли баҳоланиши.

Инсон ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қўллаб-қувватланиш ва рағбатлантирилишга эҳтиёж сезади. Инкор қилинган ёки раҳбарликни амалга оширувчи юқори даражадаги мансабдор шахс ёхуд атрофдагилар томонидан қизиқиш билдирилмаган фаолият ўз-ўзидан натижа бермайди.

Шу боис, прокурор ходимларда узлуксиз равишда ишлаш завқи ва мотивациясини ошириб боришни йўлга қўйиш ҳамда раҳбар кадрларнинг бу борадаги маҳоратини шакллантириб бориш керак бўлади. Хусусан, ходимни нафақат моддий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан, балки маънавий ва психологик қўллаб-қувватлаш, унинг руҳий эҳтиёжлари ва интилишларини инobatга олиш, касбий фаолиятдаги ҳар қандай ютуғини эътироф этиш, ишдаги қийинчиликларни енгишда кўмак бериш фаолият самарадорлиги учун ҳам замин яратади.

Учинчидан, прокуратура органларида бошқарувни тўғри ташкил этиш борасида:

Инсонлар ҳамиша “бошқарилиш”га эҳтиёж сезган ва унга мойиллик билдириб келган. Шунга кўра, инсонлар жамоасида “бошқарув” бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, айнан, у орқали инсонларни жар ёқасига олиб бориш ёки енгиб бўлмас чўққини забт этишга ҳам етаклаш мумкин.

Шу ўринда, марказлашган тизимга эга бўлган прокуратура органларида бошқарув қандай бўлиши керак, деган табиий савол туғилади?

Биламизки, бошқарувнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- Демократик (жамоавий бошқарув) шакл;
- Директив (авторитар, маъмурий бошқарув) шакл;

- Либерал (эркин қўйилган бошқарув) шакл.

Фикримизча, фаолиятни ўрганиш ва таҳлил қилишда демократик бошқарув усуллари, қарор қабул қилиш ва ижроси устидан назорат қатъийликни талаб қилганлиги боис, унда бошқарувнинг директив усуллари қўллаш ўринли бўлади.

Фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаган ходимнинг шахсиятига доир масалаларда либераллик талаб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бошқарувнинг шакли эмас, аввало, мазмуни муҳим аҳамият касб этиб, бошқарувчи субъектнинг маҳорати ва унинг

бошқариш объектига соф муносабати бошқарув мазмунининг негизини ташкил этади.

Бошқарувчи субъектнинг маҳоратига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— прокурор фаолиятини чуқур билиши, яъни компетентлик;

— прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш ва бошқариш (менежерлик) кўникмаларига эга бўлиш;

— фаол ташаббускорлик ва инновацион гояларни фаолиятга самарали татбиқ эта олиш, яъни новаторлик қобилияти;

— прокуратура органлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган истиқболли стратегияга эга бўлиш ҳамда жамоани умумий мақсад сари йўналтира олиш, яъни лидерлик қобилияти;

— ўзининг прокуратура ходимига хос юксак ахлоқи ҳамда юқори натижадорликка эга бўлган иш фаолияти билан жамоа ходимлари, хусусан, ёш мутахассисларга ўрнак кўрсата олиш, яъни мураббийлик қобилияти;

— маҳаллий ва миллий миқёсда қонунчилик ҳамда жиноятчилик, ҳуқуқий тартибот ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва тўғри прогнозлаш кўникмаларига эга бўлиш, яъни аналитик қобилият;

— прокуратура органлари номидан маҳаллий, миллий ва халқаро доирада иш олиб бориш ҳамда музокараларга киришиш кўникмаларига эга бўлиш, яъни дипломатлик қобилияти.

Айни вақтда, эффектив бошқарув соҳасида ўзига хос мактабни яратганлиги билан халқаро майдонда эътибор қозонган доктор Ицхак Адизес бошқарувга хос бўлган барча элементлар ягона шахсда мужассам бўла олмаслигини, балки бошқарувчилик маҳоратининг муайян қирраларига эга бўлган шахслар жамоаси (командаси) бир-бирини тўлдирган ҳолда ўзаро жипсликда бошқарувни амалга ошириши мақсадга мувофиқлигини эътироф этади.

Бошқарув командасида албатта ягона лидер бўлиши ва у жамоани ягона мақсад сари йўналтира олиши ва жамоага етакчилик қилиш маҳоратини мукамал эгаллаган бўлиши талаб этилади⁵.

Лидер шундай шахси, у ўзига шубҳасиз ишонди, масъулиятни тўлиқ бўйнига олади, атрофидаги ходимларда ўз-ўзига бўлган ишонч туйғусини мустаҳкамлайди, узокни олдиндан кўра биледи, аниқ мақсад қўяди ҳамда жамоани мақсадга эриштиришда етакчилик қилади.

Маълумки, прокуратура органларининг қуйи ва ўрта звеноларида ҳам ана шундай лидерлик маҳоратига эга бўлган раҳбар кадрларнинг мавжуд бўлиши прокуратуранинг салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштиришда ҳудуд ва предмет ёки ҳудуд-предмет

(аралаш) каби принципларга таянилади.

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, фаолият йўналишлари кенг қамровли бўлган тизимларда специализация, яъни маълум бир тор доирадаги соҳага ихтисослашиш, айнан шу соҳада компетентлик даражасининг юқори бўлишига олиб келади.

Прокуратура органларида ҳам ходимларни соҳавий фаолиятнинг маълум турларига ихтисослаштириб бориш ва ушбу соҳада етук малакали мутахассис бўлиши учун замин яратиш ходимларда ўз-ўзини кенгроқ намойиш қилиш имконини беради.

Тўртинчидан, *прокуратура органларидаги ички психологик муҳитни яхшилаш ҳамда халқ олдидаги (ташқи) образи ва нуфузини ошириш борасида:*

Психологик қонуниятлар нуқтаи назаридан прокуратура органларининг халқ олдидаги ташқи қиёфаси бу ундаги ички муҳитнинг акси ҳисобланади.

Демак, прокуратура органларидаги ички муҳит қанчалар батартиб ва барқарор бўлса, унинг ташқи образи ҳам шунчалар прокурор мақомига

хос салобатли бўлади.

Халқ вакилларида баъзан фуқароларнинг суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ишончи сустиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни эшитиб қоламиз.

Таҳлил қилиб кўрайлик, халқнинг ишончи сустиги бу нимадан далолат беради?

Бу ўз-ўзидан, прокуратура ходимларининг баъзан ўз-ўзига ишончи сусайиб қолаётганлигини кўрсатади.

Прокуратура ходими, зиммасига мамлакатда ҳуқуқий тартибот ва адолат ўрнатишдай олижаноб вазифани олдим, Давлатимиз раҳбари ушбу тизимдан катта натижаларни кутяптими, фуқаролар унга нажот истаб мурожаат қиляптими, демак, у ўз вазифасини адо этишда ўз-ўзига ишонч туйғусини бўшаштириши, олдида турган мақсад ва вазифалардан оз бўлса-да чекиниши тўғри бўлмайди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб айтиш мумкинки, прокуратура органлари фаолиятини психологик таъминлаш учун эҳтиёж катта ва бу борада бошланган саъй-ҳаракатлар келажакда, албатта, ўз натижасини беради.



¹ <https://ru.m.wikipedia.org>

² Степанов О.Ф., Макарова О.Б. Психологическое обеспечение деятельности прокуратуры // Законность. 2010. №9. 3-4 ст.

³ Калинин С.И. Тайм-менеджмент: Практикум по управлению временем. — СПб.: Речь, 2006. -99ст.

⁴ Любимов В. Михалевская М. Гиппенрейтер Б. Психология ощущений и восприятия. Хрестоматия по психологии. 2-е издание, 2002.-17ст.

⁵ Ицхак Калдерон Адизес. Идеальный руководитель. 2018 г.-205-207 ст.

Усмонов Дониёр Махмудович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

ШАРТЛИ ҲУҚМНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

◆ Муаллиф мазкур мақолада жазодан озод қилиш тури ҳисобланган шартли ҳукми мақсадини кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини билдирган ҳамда у ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳуқуқшунос олимларнинг фикри, шунингдек махсус адабиётлар орқали ёритиб берган. Муаллиф мақолада шартли ҳукмининг мақсадида кўрсатилган “тузатиш” терминини жиноий жазонинг мақсадида назарда тутилган қоидалар билан тўлдириш таклифини берган. Хусусан, муаллиф ўз таклифини шартли ҳукми қўллаган ҳолда шахсни жазодан озод этиш унинг ахлоқан тузалишига ҳамда маҳрум ва бошқа шахсларни янги жиноятлар содир этишининг олдини олинишига сабаб бўлиши билан асослаган.

◆ В данной статье рассматривается вопрос целесообразности расширения практики применения условного осуждения как одного из видов освобождения от наказания. Автор в подтверждение идеи приводит примеры, высказывания ученых и изречения соответствующих специальных литератур. Предлагается приведенный в целях условного осуждения термин «исправление» добавить в правила уголовного наказания. Автор обосновывает свои предложения тем, что освобождение от наказания путем условного осуждения может привести к моральному исправлению наказуемого и предотвращению совершения новых преступлений.

◆ The article discusses the necessity of enhancing the aims of suspended adjudgement which is considered to be the type of discharge. The author clarifies his idea by the opinions of the scientists and examples from different literature. It is offered to fill the term “amendment”, given in the aim of suspended adjudgement, with the rules pointed out in the aims of the punishment. Also, the author bases is point with the idea that releasing the punishment by using suspended adjudgement can cause moral retrieval of the disciplinable and prevent further criminal offences.

Таянч сўзлар: шартли ҳукм, жазонинг мақсади, ахлоқан тузатиш, қайта тарбиялаш.

Ключевые слова: условное осуждение, цель наказания, исправление, перевоспитание.

Key words: suspended adjudgement; the aim of discharge; moral retrieval; rehabilitate.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши, жумладан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугати-

лиши назарда тутилди¹. Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, Жиноят кодексидан қамоқ жазоси олиб ташланди ва Жиноят кодексига «Мажбурий жамоат ишлари» тариқасидаги жазо тури киритилди².

Ўзбекистон Республикаси ЖКга етказилган моддий зарар қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди ва бу инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойили амалда қўтилган самарани бермоқда³.

Конституциямиздаги инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, суд амалиётига ярашув институти жорий этилиши мамлакатимиз суд-

хуқуқ тизимидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолатдир. Бу янгилик миллий урф-одат ва умуминсоний кадриятларга мослиги билан эътиборга лойиқ. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир қилган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси, мазкур институт қўлланила бошлагандан буён 159 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди⁴. Шунингдек томонларнинг ярашганлиги муносабати билан 2014 йилда 8 097 та, 2015 йилда 8 380 та, 2016 йилда 7 717 та, 2017 йилда 7 225 та жиноят ишлари тугатилган⁵.

Ўтган йиллар давомида суд-хуқуқ тизимида туб ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиб, хусусан инсонпарварлик ва кечиримлилик фазилатларига амал қилган ҳолда амнистия ва афв этиш актлари қабул қилинди. Жумладан:

– 2012 йилда эълон қилинган амнистия акти жами 64 659 нафар шахсга нисбатан татбиқ қилинган. Шундан 22 193 нафар шахс жазодан озод қилинган, 18 285 нафар шахсга нисбатан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган, 24 181 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилган;

– 2013 йилда эълон қилинган амнистия акти эса қарийб 70 000 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Шундан 3 237 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиқарилди⁶;

– 2014 йилда эълон қилинган амнистия акти 52 498 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Шундан жазони ижро этиш муассасаларидан 3 289 нафар шахс жазодан озод этилган⁷;

– 2016 йилда эълон қилинган амнистия акти жами 39 748 нафар шахсга нисбатан татбиқ қилинди. Шундан 26 265 нафари жиноий жавобгарликдан ҳамда жиноий жазодан озод этилди⁸;

– 2017 йилда 2 700 нафар маҳкум, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар шахслар афв этилди⁹;

– Ўзбекистонда афв этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида олиб борилмоқда. Президент Ш.Мирзиёев томонидан киритилган афв институти қўлланила бошланганидан буён, яъни 2017 ва 2018 йиллар мобайнида жами 3 323 нафар шахс афв этилди¹⁰.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг ЖКда жазодан озод қилиш тури сифатида назарда тутилган шартли ҳукм қилиш институти судлар томонидан жиноят содир этиб айбдор деб топилган шахсларга кенг миқёсда қўлланилиб

келинмоқда.

Шу сабабли, судлар томонидан айбдор шахсларга жиноят қонунчилигида назарда тутилган асосларни инобатга олиб шартли ҳукм қилишнинг кўпроқ қўлланилиши туфайли шахс оиласидан, маҳалласидан, меҳнат жамоасидан ажратилмайди, натижада у жамият учун фойдали иш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Оила - бу моҳиятига кўра ўзининг турли, одадий тарбиявий қоидалари, ишонтириш ва жазо тизимига эга, айниқса шахснинг дастлабки улғайиш йилларида унга ижобий таъсир этувчи алоҳида олинган кичик давлатдир. Судланган шахсга яқин қариндошларининг ижобий таъсирини, иш жойидаги соғлом тарбиявий муҳитни шахсни тарбиялашда ижобий натижа беришини унутмаслик керак. Айрим ҳолларда шахсни тарбиялаш учун бу ягона восита ҳисобланади. Агар шахс узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинадиган бўлса, ушбу муҳитда бу батамом ажралади, жиноий рўҳдаги тажовузкор одамлар ўртасига тушиб қолади¹¹.

Шу боис, айбдор шахсга жазодан озод қилиш тури ҳисобланган шартли ҳукм қилишни қўллаб, уни оила ҳамда жамият аъзолари билан бирга бўлишига, жамиятда ўз ўрнини топишига, синов муддати давомида шартли ҳукм қилинган шахс ўзига тўғри хулоса чиқаришига имконият бериш лозим.

Шахсга шартли ҳукм қилишни қўллаш учун жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг инобатга олинишини ўзи етарли ҳисобланмайди. Бу ҳолатлардан ташқари суднинг айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиши шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос ҳисобланади. Бинобарин, суднинг бундай фикрга келиши юқорида баён этилган ҳолатларнинг ҳисобга олинганлигидан далолат беради.

Хуқуқшунос олимлар Г.Г.Криволапов¹², Л.В.Иногамова-Хегай¹³ ва К.Михайлов¹⁴: «Шартли ҳукм қилиш шаклидаги жазони ўташдан озод қилишнинг асосий зарур шартли, суднинг маҳкумни тайинланган жазони ҳақиқий равишда ўтамасдан туриб ҳам тузалишига бўлган ишончи ҳисобланади» - деб ёзади. Уларнинг фикрига В.Егоров ҳам қўшилган ҳолда, «Маҳкумга ишонч билдириш, унга жазо қўлламасдан ва унинг хулқ-атвори устидан қаттиқ назорат ўрнатган ҳолда унинг тузалишига имкон бериш бутунлай асосли ҳисобланади¹⁵» - дейди.

Шартли ҳукм қилишнинг муҳим асосларидан бири, бу суднинг айбдор шахс тайинланган жа-

зони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқ-атворини назорат қилиш орқали тузатиш мумкинлиги ҳақидаги хулосасидир, хусусан, мазкур асос суд амалиётида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Масалан, Д. исмли шахс уй-жойга ғайриқонуний равишда кириш йўли билан ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини содир этганлиги учун суд томонидан у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан айбдор деб топилган ҳамда Д.га ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз ундириб бориш шarti билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган.

Бироқ суд Д.нинг аёллигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни содир этиш шароити ва сабабларини ҳамда унинг шахсини инobatга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукми қўллаб 2 (икки) йил синов муддати белгилашни лозим топган¹⁶.

Шартли ҳукм қилишнинг мақсади нафақат айбдорнинг хулқ-атворини назорат қилиш орқали тузатиш мумкинлиги эканлигида, балки Жиноят кодексига назарда тутилган жазонинг мақсади билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Хусусан, жазо маҳкуми жазолаш мақсадида эмас, балки уни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилиш, шунингдек маҳкум ва бошқа шахсларни янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланади¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарориди: “Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга – маҳкуми ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади¹⁸, шунингдек, шартли ҳукм асослантирилган бўлиши ва маҳкуми ахлоқан тузатиш мақсадида хизмат қилиши лозим¹⁹, деган қоида назарда тутилган.

Шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса, мазкур жазо мақсадларига тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам, унинг хулқини назорат қилиш орқали эришиш мумкин деган хулоса қилинади.

Масалан, У. исмли шахс бир гуруҳ бўлишиб Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда кирганлиги учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбдор

деб топилган ҳамда унга 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Бироқ суд У. исмли шахснинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойида ижобий тавсифланишини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят оқибатида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳаолатларни инobatга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукми қўллаб 2 (икки) йил синов муддати белгилашни лозим топган²⁰.

Агарда суднинг айбдор шахсга тааллуқли бўлган барча иш ҳолатларини ноҳолис кўриб чиқиши натижасида унга оғирроқ жазо тайинланса, ушбу жазо охир-оқибат ўзини самарасини бермаслиги ва жазо ўз мақсадида эришмаслиги мумкин.

Маҳкумга нисбатан қўлланилган шартли ҳукм шаклидаги жазони ўташдан озод қилишнинг асосий зарур шarti, суднинг бундай шахснинг жазони ҳақиқий равишда ўтамасдан туриб ҳам тузалишига бўлган ишончи ҳисобланади. Шу муносабат билан назарий жиҳатдан суднинг шартли ҳукми қўллаш учун жазони ўтамасдан фақат биргина маҳкумининг тузалишига бўлган ишончининг ўзи етарли эмас. Суд, шунингдек нафақат тузалиш мақсадларига, балки жазонинг бошқа мақсадларига эришиш имкониятларига ҳам ишонч ҳосил қилиши керак.

Шу нуқтаи назаридан ҳуқуқшунос олим К.Михайловнинг фикрича, фақат жазонинг барча мақсадларига эришишгина жазо ва уни ўташдан ҳар қандай озод қилишга асос бўла олади²¹.

Ҳуқуқшунос олимлар О.Х.Расулов²², Б.А.Аҳмедов²³, Ғ.А.Аҳмедов²⁴ ва М.Х.Рустамбоев²⁵ шартли ҳукмининг мақсади – маҳкуми суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтамасидан ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашдир, деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг назаримизда фақат маҳкуми ахлоқан тузатиш ёки қайта тарбиялаш орқали шартли ҳукм қилишнинг мақсадида эришиб бўлмайди.

Жазонинг барча мақсадларини ҳисобга олиб шартли ҳукмининг мақсадида эришиш мумкин.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган шартли ҳукми қўллаш учун жазонинг нафақат маҳкуми тузатиш мақсадида эришиши, балки бошқа барча мақсадларига эришиши кўзда тутиш керак.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилиш институтида белгиланган “тузатиш” иборасини ўрнига “жазо мақсадларига эришиш” жумласини киритиш лозим деб ўйлай-

миз ва у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 1-қисмини қуйидагича баён этишни таклиф қиламиз:

“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,

айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали жазо мақсадларига эришиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин”.

Фикримизча, суд юқорида айтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, агарда асослар етарли бўлса инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига амал қилиб, айбдор шахсга шартли ҳукм қилишни қўллаши лозим.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрь фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. — № 43. — 497-м. — Б. 5–8.

² Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 март қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 421. — 194-м.

³ Мустафоев Б. Инсонпарварлик ва бағрикенглик — изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсадидир // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — 2014. — № 3. — Б. 3.

⁴ Газиёв Ш. Тараққиётимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси // Халқ сўзи. — 2014. — 3 дек.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги тергов департаментининг тергов амалиёти журнали. — 2018. — № 3.

⁶ Мирзаев У., Салаев Н. Оилаларига қувонч бағишлаб... // Qishloq hayoti. — 2014. — 25 ноябрь.

⁷ www.12news.uz/uz/news/2015/03/

⁸ Ҳидиров Қ. Амнистия акти қўлланилиши яқунлари кўриб чиқилди. — Халқ сўзи. — 2017. — 26 янв.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги Фармониغا шарҳ. — Халқ сўзи. — 2017. — 7 дек.

¹⁰ Халқ сўзи. — 2018. — 9 дек.

¹¹ Кабулов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллаш доирасини кенгайтириш // Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш — ҳозирги босқичдаги демократик ислохотларнинг асосий йўналиши: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2002. — Б. 53.

¹² Қаранг: Уголовное право. Общая и Особенная части: учебник / под общ. ред. М.П. Журавлева и С.И. Никулина. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Норма, 2008. — С. 232.

¹³ Қаранг: Российское уголовное право. Общая часть / Под. ред. В.С. Комиссарова. — СПб.: Питер, 2005. — С. 440.

¹⁴ Қаранг: Михайлов К. Применение условного осуждения и цели наказания // Уголовное право. — Москва, 2008. — № 2. — С. 60.

¹⁵ Қаранг: Егоров В. Применение условного осуждения // Уголовное право. — Москва, 2007. — № 6. — С. 13.

¹⁶ Қаранг: Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар суди архивидаги 1-62/11-сонли жиноят иши.

¹⁷ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004. — Б. 362; Усмоналиев М., Эрматов Ф. Шартли ҳукм қилиш тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. — Т.: ТДЮИ, 2005. — Б. 49; Ниёзова Ш. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш // ТДЮИ Ахборотномаси. — Т., 2007. — № 4. — Б. 69; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ умумий қисм. — Т.: “Адолат”. 2016. — Б. 337.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 2-жилдли. — Т.: Адолат, 2007. Иккинчи жилд. — Б. 225.

¹⁹ Уша жойда. — Б. 234.

²⁰ Қаранг: Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман суди архивидаги 1-345/2017-сонли жиноят иши.

²¹ Қаранг: Михайлов К. Применение условного осуждения и цели наказания // Уголовное право. — Москва, 2008. — № 2. — С. 60.

²² Расулов О.Х. Совет Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т.: “Ўқитувчи”, 1969. — Б. 320.

²³ Аҳмедов Б.А. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий ва махсус қисмлар. — Т.: “Ўқитувчи”, 1984. — Б. 103-104.

²⁴ Абдумажидов Ф.А., Аҳмедов Б.А., Аҳмедов Ф.А. ва бошқ. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. — Т.: Ўзбекистон, 1988. — Б. 115.

²⁵ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т.: “ILM ZIYO”, 2005. — Б. 395.

Ҳожиёв Носиржон Комилович,
Тошкент давлат юридик университетининг жиноят ҳуқуқи ва
криминология кафедраси ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАН ЁКИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАРНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

- ◆ *Мазкур мақолада вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик масалалари баён этилган. Шунингдек, хориж тажрибаси таҳлил этилиб, ушбу моддаларни такомиллаштиришга доир таклиф, тавсиялар берилган.*
- ◆ *В данной статье были проанализированы вопросы ответственности за уклонение от материального содержания несовершеннолетних и нетрудоспособных лиц. Также, был изучен зарубежный опыт, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию норм рассматриваемых статей.*
- ◆ *In this article, the author analyzes the issues failure to take care of persons aged under eighteen years or disabled. Also developed proposals, recommendations on failure to take care of persons aged under eighteen years or disabled.*

Таянч сўзлар: вояга етмаган, ота-она, жиноят, квалификация қилиш, жавобгарлик, юридик таҳлил, шахс, бўйин товлash.

Ключевые слова: несовершеннолетний, родители, преступление, квалификация, ответственность, юридический анализ, лишь, уклонение.

Key words: underage, parents, crime, qualification, legal analysis, person, elusion.

Бугунги кунда юртимизда оилаларда соғлом турмуш муҳитини таъминлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилишига қарамасдан оилаларнинг ажралиб кетиш ҳолатлари сезиларли даражада камаймоқда деб айта олмаيمиз. Келажак авлодни ҳар томонлама етук шахс қилиб вояга етказишда оилаларнинг жамиятда тутган ўрни бекиёсдир. Ҳар бир шахс ўз фарзандларининг ўзидан кўра яхши шароитларда яшашини ва ўзидан кўра бахтлироқ ҳаёт кечиришини хоҳлайди. Аммо орамизда фарзандининг тақдири билан қизиқмайдиган, уларнинг ҳолидан хабар олмайдиган кимсалар ҳам, афсуски, мавжуд. Ваҳоланки, Конституциямизда бошқа давлатлар асосий қонунида учрамайдиган ўзига хос бир норма борки, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. (Конституциямизнинг 64-моддаси). Бундан ташқари, Конституциямизнинг 66-моддасида вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги ҳам келтириб ўтилган. Юқорида номлари тилга олинган шахслар бу мажбуриятдан қочиб қутила олмайдилар. Бу каби шахсларга қонунчилигимизда тегишли жазолар мавжуд.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг олдинги таҳририда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки

меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ҳамда 123-моддасига кўра, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлash ҳолатлари учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик назарда тутилган эди.

Ушбу моддаларга Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”¹ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундай ўзгартиш ва қўшимчалар билан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини ўз вақтида амалга оширмаган шахсларга нисбатан ўз хатоларини тузатиш мақсадида уларга нисбатан энгилроқ жазо чоралари татбиқ этиладиган бўлди.

Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122 ва 123-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилди: 122-моддаси биринчи қисмида таъкидланишича: “Моддий

ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” ва ушбу модданинг учинчи қисмида рафбатлантирувчи норма, яъни “Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши” кўрсатиб ўтилди.

Бўйин товлаш тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, бўйин товлаш деганда, нафақат суднинг ҳал қилув қарори бажарилишини тўғридан-тўғри рад этиш, балки айбдорнинг оладиган маоши миқдорини, бошқа даромадларини яшириши, ижро варақаси бўйича тўловлардан қочиб кўтулиш мақсадида иш ёки яшаш жойини ўзгартириши ёхуд шу мақсадда меҳнат қилишдан бўйин товлаши ва ҳоказоларни тушуниш зарур².

Жиноят кодексининг 122-моддаси иккинчи қисмида эса, ўша қилмишнинг хавфли рецидивист томонидан содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралади.

Бундан ташқари, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бошқа оғир оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятини қуйидагича **“Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса,** деган банд билан ҳам тўлдиришни таклиф этамиз.

Жиноят кодексининг 123-моддасида эса, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилишидир.

Ушбу моддага ҳам “Шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши” ҳақида рафбатлантирувчи норма киритилди.

Мазкур моддадан келиб чиқиб, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар деганда, 55 ёшга тўлган аёллар, 60 ёшга тўлган эркаклар, шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ота-оналар тушунилади³.

Ушбу моддаларни таҳлил этарканмиз, М.Р.Моисевичнинг таъкидлашича, “вояга етмаган болалар-

га нисбатан нафақа миқдорининг белгиланишида фақат вояга етмаганнинг моддий таъминоти ва унинг эҳтиёжини қондиришнинг ўзигина бўлмасдан, ота-она билан бола ўртасида нормал алоқа сақланиб туриши ҳам мақсад қилинади”⁴.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қуйидаги “47⁴ ва 47⁵-моддалар билан тўлдирилди. Биргина 47⁴-моддани олиб кўрадиган бўлсак, бунда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁵-моддасида эса, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади”.

Ушбу моддаларни таҳлил этиш натижасида қуйидагича хулосага келиш мумкин. Жумладан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши ҳолатлари, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб **икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик** назарда тўтилган бўлиб, ушбу муддатни **“бир ойдан ортиқ муддат**

мобайнида тўламаслик”, деб беришни таклиф этамиз.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб таҳлил қиладиган бўлсак, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолати Украина давлати Жиноят кодексининг 157-моддасида, Тожикистон давлати Жиноят кодексининг 177-178-моддаларида, Қозоғистон давлати Жиноят кодексининг 136-моддасида, Арманистон давлати ЖКнинг 173-174-моддаларида белгиланган. Уларга кўра, қасддан вояга етмаган фарзандлари учун алимент тўлашдан ёки меҳнатга лаёқатсиз ота-онани моддий таъминлашдан бош тортиш ҳолати жиний жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “қасддан бўйин товлаш” иборасида бир қанча омиллар назарда тутилиши қайд этилган бўлиб, жумладан:

- ушбу ҳаракат суд ҳукмининг ижрочилари томондан бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай 2 ва ундан ортиқ маротаба бўйин товлаши;
- қарздорлиги 3-6 ойни ўз ичига олиши;
- тўғридан тўғри моддий таъминлашни рад этиши;
- иш ҳақи ва иш жойини яшириши каби ҳолатларда ўз ифодасини топади⁵.

Бундан ташқари, бу борада халқаро тажрибани ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, кўпгина давлатларда кўпроқ вояга етмаган маҳнатга лаёқатсиз шахслардан кўра, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти зиммасига юкланган вояга етган меҳнатга лаёқатли шахслар ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Аммо унга муҳтож бўлган шахсларга кам эътибор қаратилган. Айрим давлатлар Жиноят қонунчилигида, яъни Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида моддий жиҳатдан таъминланишга муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилган.

Ушбу давлатнинг жиноят қонунчилигида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ҳамда вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онанинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолати бир мартадан ортиқ содир этилса, бўйин товлаган шахсларга нисбатан Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган⁶.

Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида яна бир эътиборли ҳолат, бу каби жиноятлар учун маъмурий юрисдикция институти қўлланилмайди.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам худди шундай қоидага дуч келамиз. Бизнинг амалдаги қонунчилигимизга Франция Республикасининг қонунчилиги яқин турса-да, унда ҳам маъмурий юрисдикцияга дуч келмаймиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, бизнинг қонунчилигимиз юқорида келтириб ўтилганидек, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ҳамда вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онанинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятида маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши учун икки ой муддат белгиланган бўлиши ва худди шунингдек, жиний жавобгарлик учун ҳам ана шундай муддат талаб қилинади.

Бундай муддатни белгилашда, берилаётган моддий ёрдам узилиб қолганда вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг ҳолати, уларнинг моддий таъминоти ёмонлашиб, оғир аҳволга тушиб қолиш ҳолатлари эътиборга олинмаган. Шулардан келиб чиқиб, ушбу муддатни **“бир ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик”**, деб беришни лозим топдик. Қолаверса, жавобгарлик келтириб чиқарувчи муддатни **икки ойдан бир ойга** қисқартириш моддий таъминлаш мажбурияти юкланган шахсларнинг масъулиятини ҳам оширади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ 459-сонли “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”²ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: “ILM ZIYO”, 2011. – Б. 153.

⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. III том. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: “ILM ZIYO”, 2011. – Б. 155.

⁵ Мосевич М.Р. Появления права и укрепления семьи в социалистическом обществе. Алма-Ата, 1997. – С. 29.

⁶ Марина Авелина Александровна статья «Злостность как обязательный признак объективной стороны состава уклонения от уплаты алиментов» (cyberleninka.ru)

⁷ Парафинюков Т.А. Гражданская культура и правовое воспитание молодежи: учеб.-метод. пособие. 2008 (Knigi.link).

Турдиев Бобир Собирович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси ўқитувчиси

СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада солиқ қонунчилигига риоя қилинишига таъсир қилувчи омиллар ва солиқ ҳуқуқбузарликлари учун жазо чоралари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проанализированы факторы, влияющие на соблюдение налогового законодательства и меры наказания за совершение налоговых правонарушений.
- ◆ The article analyzes factors that influence tax compliance and penalties for tax offences.

Таянч сўзлар: инсофли солиқ тўловчи, солиқ қонунчилигига риоя қилиш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳуқуқбузарлик тўғрисида ихтиёрий арз қилиш.

Ключевые слова: добросовестный налогоплательщик, соблюдение налогового законодательства, уклонение от уплаты налогов, добровольное уведомление.

Key words: honest taxpayer, tax compliance, tax evasion, voluntary disclosure.

Солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи бўлиб, солиқ тушумларини ошириш орқали мамлакатдаги ислохот, дастур ва лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ва молиялаштириш имкони яратилади.

Бугун мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида солиқ тизимини тубдан ислох қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад иқтисодий жадал ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, хуфиёна секторда фаолият юритувчи шахслар фаолиятини легаллаштириш, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини белгиланган муддатларда, тўлиқ ва тўғри ҳамда ихтиёрий бажарилишига эришиш орқали бюджет даромадларини оширишдир. Солиқ юкини камайтириш шароитида мазкур мақсадларга эришиш янада долзарб ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши кераклиги, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган **инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш**, яши-

рин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шартлиги таъкидлаб ўтилди¹.

Таъкидлаш лозимки, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва улардан қочиш муаммоси бугунги куннинг ёки фақат ривожланаётган давлатларнинг муаммоси эмас. Мазкур муаммонинг доимо мавжудлиги ривожланган давлатлар томонидан ҳам эътироф этилади. Мамлакат тараққий этган сари ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар такомиллашиб, уларни аниқлаш ва фош этиш ҳам мураккаблашиб боради.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар, хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган институционал ҳужжатлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва улардан қочишга қарши курашиш ва олдини олишда назоратни кучайтириш ва текширувлар сонини кўпайтириш, молиявий харажатлар ва ресурсларни (инсон, вақт) сафарбар этишни талаб этиши, барча ресурсларни солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлашга сафарбар этишнинг имкони йўқлиги ва назоратни кучайтиришнинг самарадорлиги пастлигини эътироф этади. Мазкур муаммони ҳал этишда кам харажат талаб этадиган бошқа чора-тадбирлар, хусусан, солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини ва содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ихтиёрий равишда арз қилиш механизмларига устувор йўналиш сифатида эътибор қара-

тадилар.

Мазкур муаммоларни кам харажат талаб этадиган бошқа чора-тадбирлар, хусусан, солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши, содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ихтиёрий арз қилишига эришиш орқали ҳал этишга устувор йўналиш сифатида қарайдилар.

Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган дастлабки назариялардан бирига кўра, солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг мавжудлиги солиқ тўловчига профилактик таъсир этиб, солиқ тўловчиларни солиқларни ихтиёрий тўлашига олиб келиши илгари сурилган².

Канадалиқ тадқиқотчилар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлash учун жиноий жавобгарлик санкцияларининг таъсири ўрганилиб, солиқ тўловчи ҳуқуқбузарликнинг аниқланиши эҳтимолига қараб ҳуқуқбузарлик содир этиши, бунда жарима миқдорининг аҳамиятсизлиги, шу сабабли, санкцияларни кучайтириш эмас, балки шахснинг ҳуқуқбузарлик учун албатта жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини тушуниб этиши муҳимлиги таъкидланган³.

Шу каби, бошқа бир тадқиқотда солиқ маъмуриятининг аудит (текшириш) ваколоти ва бу учун “кучли” ресурсларга (текширувчи мутахассис-аудитор, ахборот алмашинуви ва ҳ.к.) эгаллиги орқали ҳар қандай солиқдан қочиш ҳолларини аниқлаш эҳтимолидан чўчиган солиқ тўловчиларнинг солиқларни ихтиёрий тўлашига ижобий таъсир қилиши илгари сурилган⁴.

АҚШда солиқларни тўлаш солиқ мажбуриятлари юзага келганлиги ҳақида миллий ва халқаро миқёсда хабар берувчи марказий воситачилик ташкилотлари (иш берувчи, молия-банк идоралари) ҳисобига самарали амалга оширилаётганлиги, бироқ замонавий технологияларнинг кириб келиши, блокчейн технологиялари ва sharing есопому платформалари орқали амалга оширилаётган янги ва номарказлашган товар ва хизматларни айирбошлаш шароитида солиқ мажбуриятларини назорат қилиш ва улар ҳақида хабар берувчи механизмларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтираётганлиги қайд этилган⁵.

Шу ўринда, Жаҳон банкининг бизнесни юртиш соҳасидаги рейтингда солиқларни тўлаш кўрсаткичи бўйича юқори ўринларни эгаллаган давлатлардан Ирландия, Сингапур, Дания ва АҚШ тажрибасига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

Ирландияда солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариш ва ҳуқуқбузарликни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар – виждонлилик презумпцияси, солиқ солиш объектларига қутилмаган ташриф буюриш орқали амалга ошириб келинади⁶. Виждонлилик презумпцияси ҳар қандай солиқ тўловчини солиқ қонунчилигига қатъий риоя қиладиган ва солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва тўғри тўлайдиган инсофли шахс сифатида эъти-

роф этади ҳамда солиқ органлари томонидан уларга шундай муносабатда бўлишни талаб этади. Бу солиқ тўловчига солиқларни кечиктириб тўлаш, солиқ назорати ва текширувлардан озод этиш, солиқ ҳисоботларини доимий равишда белгиланган муддатда топшириб келаётган шахс томонидан илк маротаба кечикишга йўл қўйилса, жавобгарликдан озод этиш каби қатор қулайлик, енгиллик, имтиёз ва афзалликлар беришни назарда тутди. Мазкур тамойиллардан ҳар қандай чекиниш ҳоллари уларнинг инсофли солиқ тўловчи сифатида фойдаланиб келаётган енгиллик ва имтиёзлардан маҳрум этилишига олиб келади.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида ирландияликларнинг 75 фоизи солиқларни тўлашни ўзининг фуқаролик мажбурияти сифатида эътироф этади. Улар учун санкцияларнинг аҳамияти нисбатан пастроқ (54 фоизи пенялар тўлаши, 28 фоизи аудит ўтказилиши, 24 фоизи қарздорлар рўйхатида чоп этилишидан хавотирланишини билдирган) эканлиги аниқланган⁷.

Данияда солиқдан қочиш даражаси жуда паст бўлиб, 2-3 фоизни ташкил этади. Бу инсофли солиқ тўловчилар кўплигини англатмайди. Мазкур кўрсаткичнинг пастлигига энг асосий сабаб солиқдан қочишнинг имкони йўқлиги билан изоҳланади. Бунда олинган даромадлар тўғрисидаги 95 фоиз маълумотлар солиқ органларига учинчи шахслар томонидан берилиб, солиқдан қочиш даражаси 0.3 фоизни ташкил этади. Қолган 5 фоиз ҳолатда солиққа тортиладиган даромад ҳақидаги декларацияларни солиқ тўловчи ўзи бериши, унинг ҳақиқийлигини текшириш ва аниқлаш қийинлиги сабабли солиқдан қочиш даражаси юқори (41.5 фоиз) ҳисобланади⁸.

АҚШда солиқ назорати, у билан боғлиқ низоларни кўриб чиқувчи ва унга кўмаклашувчи институтлар яхши ривожланган⁹. Солиқ тўловчи текширув натижаларига рози бўлмаса, солиқ органлари низони медиация орқали ҳал қилишни таклиф қиладди.

Солиқ тўловчилар низоли масалани кўриб чиқиш учун солиқ органи таркибидаги алоҳида мустақил тузилма шикоятлар бўлимига ёки талабларига мувофиқ келадиган солиқ тўловчиларга бепул ёрдам кўрсатувчи солиқ тўловчиларга кўмаклашиш хизматининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, солиқ тўловчилар солиқ маъмурияти билан муносабатларда ёрдам олиш, судда вакиллик қилиш учун мамлакат бўйлаб ташкил этилган кам даромадли солиқ тўловчилар клиникасига мурожаат қилиши мумкин. АҚШда алоҳида солиқ масалалари бўйича судлар ҳам ташкил этилган.

Ирландияда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишда солиқ маъмурияти жамоатчилик назо-

рати механизмлари ва инсофли солиқ тўловчилар ёрдамига таяниши эътирофга лойиқ. Бунда солиқдан қочиш ва носоғлом рақобат ҳоллари ҳақида фуқаролар, тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларига турли воситалар орқали электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, аноним тарзда хабар бериш имконияти берилган ва муурожаатчиларнинг шахси ошкор қилинмайди¹⁰.

Сингапурда эса информаторларнинг шахсини сир сақлаган ҳолда берган маълумоти бўйича аниқланган ва ундириб олинган сумманинг 15 фоизи, бироқ 100.000 доллардан кўп бўлмаган мукофот берилади¹¹.

Ирландияда солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортиш тизими солиқ тўловчиларни ўз мажбуриятларини ва ҳуқуқбузарликларни ихтиёрий бартараф этишига қаратилган. Аини бир ҳуқуқбузарлик учун санкциялар солиқ органлари билан ҳамкорлик қилганлик, туртки берилмасдан (солиқ маъмурияти текшириши ҳақида огоҳлантиришидан олдин) ёки туртки берилиши натижасида бартараф этганлик (текшириш тўғрисида огоҳлантирилгандан сўнг текшириш бошлангунга қадар солиқ ҳуқуқбузарлигининг), умумий солиқ мажбуриятининг қанчасини тўламаганлиги (15 фоизгача ёки ундан юқори), ҳуқуқбузарлик такрорланиши даражасига қараб дифференциация қилинади¹².

Сингапурда ҳам солиқ тўловчилар томонидан хатолик туфайли солиқлар нотўғри тўланган бўлса, уларни ихтиёрий бартараф этиш имкони бериллади. Бу бир йил ичида амалга оширилса, тўланмаган солиқлар ва жарималар тўлиқ тўланса, солиқ органи билан ҳамкорлик қилинса, санкция қўлланилмайди.

Сингапурда қасддан солиқдан қочиш ёки ғайриқонуний равишда имтиёзларга эга бўлиш каби ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар жуда қаттиқ бўлиб, тўланмаган сумманинг 4 баравари миқдорда санкция ва 50.000 доллар жарима ва (ёки) 7 йилгача қамоқ жазоси қўлланилади. Шахснинг ўзи солиқдан қочиш ҳолатларини ихтиёрий ошкор этса, тергов ва жавобгарликка тортишдан озод этилиб, тўланмаган сумманинг 2 баравари миқдорда санкция қўллаш билан чекланилади.

Сингапур солиқ маъмуриятига тергов ваколати берилган бўлиб, тергов якунида ҳулоса қилишдан олдин аниқланган ҳолатлар, ҳисобланган солиқлар тарафлар билан муҳокама қилинади. Ҳуқуқбузарлик аниқланганда иш ҳолатига қараб тўланмаган сумманинг 4 бараваригача бўлган суммани тўлаш таклиф этилади. Бу таклиф қабул қилинса, иш судга оширилмайди.

Сингапурда солиқ ҳисоботларини кеч топширганлик ёки топширмаганлик учун жарима дарҳол қўйилади ва миқдори (ҳар бир ой учун 200 доллар) аниқ белгиланган.

Солиқ ҳисоботларини топшириш муддатлари алоҳида узрли сабабларга (янги ташкил этилган корхоналар, ёнғин, корхона бухгалтерии вафот этиши, корхонанинг дастурий таъминот тизими зарарланиши ва бошқа ҳолларда) кўра бир ойгача узайтирилиши мумкин. АҚШда солиқ ҳисоботлари ва тўловларни солиқ тўловчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, белгиланган муддатда топширмаганлик ёки тўламаганлик учун алоҳида ҳолларда жазодан озод қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, Сингапурда солиқларни тўламаганлик учун 5 фоиз миқдорда жарима, 60 кундан кейин ҳам тўланмай қолса, ҳар бир тўланмаган ой учун қўшимча 2 фоиз жарима қўлланилиб, бунда жами жарима тўланмаган солиқнинг 50 фоиздан ошмаслиги белгиланган.

Ўрганилаётган давлатларда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун муқобил жазо чораларининг кенг қўлланилишини кўриш мумкин. Ирландияда жазо чораси сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки солиқларни тўламаганлар рўйхати ҳар чоракда эълон қилиб борилади, Сингапурда солиқларни тўланмаган шахсларни мамлакатдан чиқишига чекловлар қўйиш белгиланган.

АҚШда солиқдан жиддий қарзи бор (51.000 АҚШ долларидан юқори) шахслар қарздорлигини бартараф этмаса, уларга паспорт берилмайди ёки алмаштирилмайди ёхуд берилган паспорт бекор қилинади. Шунингдек, шахснинг солиқ қарзи борлиги тўғрисида барча кредиторларга эълон қилинади. Оқибатда бундай шахсларга иш, кредит, ижарага берувчилар ўз хизматларини тақдим этишни рад этиши мумкин. Қарздорлик ижтимоий сўғурта тўловларига, бўлғуси тўловларга бўлган ҳуқуқ – иш ҳақиға, уй-жойга (асосий яшаш жойига оид чекловлар билан) ҳам қаратилиши мумкин.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўйича институционал миқёсда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 2017 йилда ҳуқуқий, маъмурий ва ташкилий жиҳатларни ўз ичига олган 10 та глобал принциплар ишлаб чиқилган.

Мазкур принципларда солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши курашиш самарали стратегияга, ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи органлар етарли даражада тергов ваколатларига эга бўлиши, давлат идоралари ўртасида самарали идоровий ҳамкорлик бўлиши, миллий қонунчиликда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш, мол-мулкни мусодара қилишга оид нормалар бўлиши лозимлиги каби қоидалар мавжуд¹³.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик масалаларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш **таклиф қилинади:**

Биринчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва бартараф этишда солиқ тўловчининг иштироки даражасига қараб жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш ҳамда янада либераллаштириш лозим.

Яъни, айти бир хил ҳуқуқбузарлик учун қуйидаги факторларга боғлиқ ҳолда жазо чораларини қўлламаслик ёки санкциялар миқдорини камайтиришни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

— солиқ ҳуқуқбузарлигини фош этишда солиқ органлари билан ҳамкорлик қилганлик;

— солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳеч қандай турткиларсиз (текшириш ёки назорат тадбири тўғрисида хабарнома олмасдан) ихтиёрий арз қилиб, уни тўлиқ бартараф этганлик;

— солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида берилган туртки натижасида (текшириш тўғрисидаги хабарнома олиними) текшириш бошлангунга қадар ихтиёрий арз қилиб, уни тўлиқ бартараф этганлик учун молиявий санкциялар билан чекланиб, жазо чораларини қўлламаслик ёки уларнинг миқдорини камайтириш.

Солиқ кодексининг 109-моддасида солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунга қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилиши белгиланган. Бироқ, бугунги кунда текширишларга мораторий жорий этилганлиги ва уларнинг сонини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, солиқ назоратининг янги шакллари жорий этилганлигини инобатга олиб, солиқ тўловчи солиқ назорати амалга оширилгунга қадар ҳуқуқбузарликни ҳеч қандай турткиларсиз ўзи бартараф этган тақдирда жавобгарликдан озод этишни назарда тутиш таклиф қилинади.

Аксарият солиққа оид ҳуқуқбузарликларни фош этиш учун солиқ тўловчи ва солиқ органининг ҳамкорлиги талаб этилади. Акс ҳолда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш жуда қийин, кўп вақт ва ресурсларни талаб этади. Солиқ ҳисоботлари ва тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш ҳамда солиқ назорати давомида аниқланган солиқ тўлашдан бўйин товлash ҳолатлари бўйича солиқ тўловчининг солиқ органи билан ҳамкорлик қилганлиги, ҳуқуқбузарликни очишда фаол ёрдам берганлиги учун белгиланган санкция ва жазо чоралари иккидан бир қисмга қисқартирилишини назарда тутиш таклиф қилинади. Бу солиқ маъмурияти ва солиқ тўловчи ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва самарали мулоқот ўрнатиш учун замин яратлади.

Худди шу каби, солиқ тўловчилар солиқ органининг текшириш ўтказиш ёки бошқа солиқ назоратини амалга ошириш тўғрисидаги хабарини олгандан сўнг, яъни солиқ органи туртки бергандан сўнг яширилган ёки камайтириб кўрсатилган солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бартараф этса, уларга минимал даражада молиявий санкция ва кечиктириб тўланган солиқлар учун пеня

тўлаш билан чекланган ҳолда, уларни жавобгарликка тортишдан озод этиш таклиф қилинади.

Иккинчидан, солиқ органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга оид ваколатларини янада кенгайтириш таклиф қилинади.

Солиқ кодексига солиққа оид аниқланган ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишларни судга ёки тергов органига ўтказмасдан солиқ органи ва ҳуқуқбузар тараф ўртасида келишув битимини имзолаш орқали ҳал қилишга қаратилган чоратадбирларни киритиш таклиф қилинади. Мазкур институт солиқ ҳуқуқбузарликларини тезкор ва ортиқча қоғозбозликсиз, солиқ тўловлари ва пеняларни тўлиқ тўлаб бериш, ҳуқуқбузарлик учун тўланмаган солиқ суммасининг 2-4 қарра миқдорида молиявий санкция қўллаш билан чекланиб, айбдор шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишни истисно этади.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига белгиланган. Мазкур Кодекслардаги жавобгарлик тизимини унификация қилиш, уларни қайси ҳолларда қўлланилишини аниқлаштириш, бир-бирини такрорловчи жазо чораларини мақбуллаштириш лозим.

Бунда суд тартибига қўлланиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни Солиқ кодексидан чиқариб ташлаш, Солиқ кодексига низо мавжуд бўлмаган ва исботлаш талаб этмайдиган аниқ ҳуқуқбузарлик фактлари (ҳисоботларни топширмаслик, солиқларни тўлаш муддатларини бузиш ёки тўламаслик) учун сўзсиз тартибда солиқ органи қарори асосида ундириладиган ва миқдори аниқ белгиланган молиявий санкциялар (жарима ва пеня) билан чекланиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, МЖТК ва Жиноят кодексига белгиланган жавобгарлик содир этилган ҳуқуқбузарлик миқдори – энг кам иш ҳақи миқдorigа бевожоба боғлаб қўйилган, шунингдек, қўлланиладиган жазо чораларининг минимал ва максимал миқдорлари кўрсатилган. Жавобгарликни белгилашда энг кам иш ҳақи ўрнига солиқ қарздорлиги миқдори жами солиқ мажбуриятининг қанчасини ташкил этишига қараб, ҳуқуқбузарликни квалификация қилиш таклиф қилинади. Бунда солиқ тўловчи томонидан жами солиқ суммасининг 15 фоиздан кам бўлган солиқ қарздорлиги учун жавобгарликни нисбатан енгилроқ санкция доирасида квалификация қилиш таклиф қилинади.

Шунингдек, жазо чораларини қўллашда субъективизмга йўл қўймаслик мақсадида қўлланиладиган санкция миқдорининг минимал ва максимал миқдорларини ўрнига аниқ миқдордаги жарималарни (20 фоиз, 30 фоиз ёки 2 баравар, 4 баравар) белгилаш лозим.

Жиноят кодексининг 184-моддаси тўртинчи қис-

мида қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган. Бирок, қасддан яширилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи назарда тутилмаган.

Мазкур модданинг 5-қисмида эса биринчи марта жиноят содир этган шахс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши кўрсатилган.

Шунга кўра, Жиноят кодексининг 184-моддаси тўртинчи қисмини чиқариб ташлаш, моддани янги қисм билан тўлдириш, унда шахс томонидан солиқларни тўлаш билан боғлиқ жиноят қайта содир этилган тақдирда, тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни 2 карра миқдорда, уч ва ундан ортиқ ушбу турдаги жиноят содир этилган бўлса 4 карра миқдорда, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланса, шахсни жавобгарликдан озод қилиш таклиф қилинади.

Бешинчидан, солиқ ҳуқуқбузарликлари учун муқобил санкцияларни жорий этиш таклиф қилинади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки қарзи маълум бир миқдордан ошган солиқ тўловчиларни обрўсизлантириш мақсадида уларни ҳар чо-

ракда қарздорлар рўйхатида чоп этиш амалиёти жорий этиш таклиф қилинади.

Солиқ кодексининг 108-моддасига асосан юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлса-да, МЖТК ва Жиноят кодексига юридик шахснинг жавобгарлиги назарда тутилмаган. Айрим ҳолларда солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг айнан ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш ва исботлаш мураккаблиги ёки бошқа бир ҳолатда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган фирмаларнинг расмий (қўғирчоқ) ва норасмий раҳбарларга эгаллиги сабабли қарздорликни ундиришдаги муаммоларни инобатга олиб, юридик шахслар учун жавобгарликни белгилаш таклиф қилинади.

Олтинчидан, хуфиёна фаолият юритаётган шахслар тўғрисида аноним тарзда ёхуд аризаچининг шахси сир сақланишини таъминлаган ҳолда турли воситалар ёрдамида электрон, оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш орқали жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Мазкур чора-тадбирлар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни янада либераллаштириш, инсофли солиқ тўловчиларни, уларнинг солиқ мажбуриятларини белгиланган муддатларда тўлиқ ва тўғри тўланишини, солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатларини ихтиёрий бартараф этилишини рағбатлантиришга хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28.12.2018 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

² Michael G. Allingham & Agnar Sandmo, Income Tax Evasion: A Theoretical Analysis. 1 Journal of Public Economics. 323 (1972).

³ Kimberly N. Varma and Anthony N. Doob, Deterring economic crimes: The case of tax. Centre of Criminology University of Toronto. Toronto, Ontario Canadian Journal of Criminology, pp. 165-184 (April/1998).

⁴ Maciej H. Kotowski, David A. Weisbach & Richard J. Zeckhauser, Audits as Signals, 81 The University of Chicago Law Review. 179, 190 (2014).

⁵ Manoj Viswanathan, Tax Compliance in a Decentralizing Economy. Georgia State University Law Review, Volume 34, Issue 2. Winter 2017-18. Article 1, 2-21-2018.

⁶ Code of Practice for Revenue Audit and other Compliance Interventions. pp.118 (2017). www.revenue.ie.

⁷ SME Survey 2017. April 2018. <https://www.revenue.ie/en/corporate/information-about-revenue/research/surveys>.

⁸ Jacobsen Kleven, Henrik & B. Knudsen, Martin & Kreiner, Claus Thustrup & Pedersen, Søren & Saez, Emmanuel. (2011). Unwilling or Unable to Cheat? Evidence From a Tax Audit Experiment in Denmark. Econometrica. 79. 651 - 692.

⁹ АҚШ Ички даромадлар хизматининг расмий сайти: <https://www.irs.gov/> маълумотларидан фойдаланилди.

¹⁰ Ирландия Солиқ ва божхона даромадлари идорасининг расмий сайти: www.revenue.ie маълумотларидан фойдаланилди.

¹¹ Сингапур Ички даромадлар органининг расмий сайти: <https://www.iras.gov.sg> маълумотларидан фойдаланилди.

¹² Ирландия Солиқ ва божхона даромадлари идорасининг расмий сайти: www.revenue.ie маълумотларидан фойдаланилди.

¹³ OECD (2017), Fighting Tax Crime: The Ten Global Principles, OECD Publishing, Paris. <http://www.oecd.org/tax/crime/fighting-tax-crime-the-ten-global-principles.htm>

Давронов Атобек Равшанович,
докторант Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан

ПОЛУЧЕНИЕ ВЗЯТКИ В ВИДЕ КРИПТОГРАФИЧЕСКОЙ ВАЛЮТЫ

- ◆ В данной статье изучена специфика получения взятки в виде криптографической валюты, также рассмотрены методы раскрытия подобного рода преступлений.
- ◆ Ушбу мақолада криптографик валюталар кўринишида пора олиш жиноятлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу турдаги жиноятларни фош этиш усуллари ўрганилган.
- ◆ This article examines the issues of getting a take in the form of a cryptographic currency, also discusses methods for solving a crime when taking a bribe in the form of a cryptographic currency.

Ключевые слова: Взятка, чиновник, антивирус, лаборатория, криптографические валюты, сеть, крипто-биржа, майнер, криптокошелек, блокчейн, экономика, криптоактив, транзакция.

Таянч сўзлар: Пора, давлат хизматчиси, антивирус, лаборатория, криптографик валюталар, тармоқ, крипто-биржа, майнерлар, криптоҳамён, блокчейн, иқтисод, криптоактив, транзакция.

Key words: Bribe, official, antivirus, lab, cryptographic currencies, network, crypto-exchange, miner, cryptographic, blockchain, economy, cryptoactive, transaction.

В последние несколько лет мировая экономика приведена в состояние тревоги появлением виртуальных денег, которые со временем из простых вычислительных операций превратились в реальное средство платежа, участвующее в гражданском обороте и имеющее свою стоимость, определяющуюся реальными рыночными механизмами через соответствующие биржи. Мировые регуляторы не понимают всех возможностей, которые возникают в этой сфере, но тем не менее не готовы осуществить прямой запрет таких финансовых суррогатов, прогнозируя потенциал экономической выгоды от использования компьютерных денег.

Известный правовед Л.А.Мареева дает следующее определение понятия криптовалюты: «Криптовалюта (виртуальная валюта) — это цифровое представление стоимости, основанное на системе распределенного реестра (блокчейн), которое используется при расчетах в качестве средства платежа, но не эмитировано государством».¹

2 ноября 2018 года Президент Республики Узбекистана Шавкат Мирзиёев подписал Постановление №ПП-3926 “О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республики Узбекистан”, которым определяется понятие и порядок работы крипто-бирж.

Согласно постановлению, открывать крипто-биржи могут только иностранные компании. Для открытия крипто-биржи должен быть уставной фонд в размере не менее 30 тыс. МРЗП (6,6 млрд сумов)².

Операции, связанные с оборотом криптоактивов не облагаются налогообложением, а доходы не включаются в налогооблагаемую базу.

Создатели криптовалюты уверяют, что использование их продукта надежно и эффективно благодаря основным достоинствам такой валюты:

- криптовалюту невозможно изъять, собственник, получив ее, может воспользоваться ей в любое время;

- отсутствие комиссии;

- эмиссия реализуется строго по заданному алгоритму, что делает криптовалюту независимой от влияния Центробанка и правительства, безграничные возможности транзакции³.

В то же время, необходимо обозначить и недостатки криптовалюты:

- невозможно как-либо проконтролировать и отследить движение криптовалюты;

- курсовая нестабильность (возможность за 1 день повышения (снижения) цены на 25 % и более);

- использование криптовалюты в теневой эко-

номике позволяет включать ее в оборот нелегальной продукции (наркотические средства, оружие и т.д.);

— полная анонимность является скорее спорным аспектом, так как, с одной стороны, увеличивает привлекательность использования криптовалюты, с другой — повышает риск быть подвергнутым преступным посягательствам;

— владельцы, вкладывающие в криптовалюту, не имеют никаких гарантий, что они смогут вернуть свои средства или же будут защищены от мошеннических действий⁴.

Уголовно-правовая характеристика криптовалюты может быть дана при решении вопроса о ее оценке в качестве предмета коррупционных преступлений, в частности взяточничества. Не являясь деньгами, ценной бумагой, иным имуществом или имущественным правом, криптовалюта, принятая должностным лицом как вознаграждение за действия (бездействие) по службе, соответствует уголовно-правовому понятию услуги имущественного характера. Последняя, как разновидность взятки состоит в полном или частичном освобождении взяткополучателя от имущественного обязательства или в предоставлении ему иной имущественной выгоды в виде полного или частичного освобождения от имущественных затрат, которые взяткополучатель обязательно понес бы, если бы не использовал свое служебное положение⁵.

В связи с этим, если будет установлено, что условием принятия должностным лицом криптовалюты за совершение действий (бездействия) по службе, было получение им возможности обналечить криптовалюту в виде денег, оплатить ею какие-либо услуги без обналечивания либо иным образом использовать криптовалюту в качестве платежного средства, содеянное следует квалифицировать как получение взятки в виде незаконного оказания услуги имущественного характера.

Например, в США пастор **Тревор Гросс был приговорен к пяти с половиной годам тюрьмы по обвинению в получении взятки и преступном сговоре. Пастора подозревали в получении взятки от разработчика обменника Coin.mx (речь шла о сумме в 150.000\$). В свою очередь, Тревор Гросс помогал компании в проведении международных платежей через кредитный союз HOPE Credit Union, в котором был председателем⁶.**

Другой пример произошел в Венесуэле весной 2017 года, когда представители тайной полиции **Sebin** получили взятку от местных майнеров в качестве оплаты за возможность заниматься криптовычислительными операциями. Утверж-

дается, что служебные лица требовали по 1.000\$ за каждый майнер, на что те, естественно, согласились, чтобы остаться на свободе и продолжить заниматься своей деятельностью (теперь власти страны требуют от майнеров регистрироваться в онлайн-реестре)⁷.

По мнению зарубежных экспертов, в частности **К.В.Кабанова**, криптовалюты изначально использовались для незаконных денежных операций, и сегодня человека практически невозможно привлечь, скажем, за получение или дачу взятки в биткоинах. В результате, по его мнению, криптовалюта остается механизмом для легализации преступных доходов: «Доказать это будет столь же сложно, как обосновывать стоимость воздуха. Доказать, что человек получил взятку биткоином крайне сложно. Можно попробовать доказать, что биткоины были кем-то приобретены за реальные деньги и являются ценным активом, но это крайне затруднительно»⁸.

С одной стороны, полностью уйти от ответственности взяткодателю, оперирующему криптовалютой, все же не удастся. Конечно, криптовалютную взятку идентифицировать как взятку не получится. С другой стороны, как покушение или приготовление к даче взятки — вполне возможно.

Известный правовед Полина Юдина считает, если перевод денег или дарение ценностей можно отследить, то узнать о том, что криптокошелек пополнился, очень непросто.

Схема такова: предположим, что предприниматель открывает электронный криптокошелек, это можно сделать анонимно с подтверждением через почтовый ящик, часто специально созданный для этой цели, без всяких документов, затем он зачисляет в него виртуальные деньги и передает чиновнику идентификатор электронного кошелька — QR-код или одномерный цифровой код. Фактически взятка, происходит путем передачи взяткодателю кода кошелька.

Недобросовестный чиновник получает доступ к кошельку и может продать виртуальные деньги за реальные на многих интернет-биржах, получив деньги прямо на банковскую карту. Если карта зарегистрирована не непосредственно на чиновника, а на третье лицо, поймать нечистого на руку госслужащего будет крайне трудно⁹.

Передача криптовалют никак не регулируется, это такой же скрытый — и потому удобный для нарушителей закона — способ расчетов, как деньги в конверте.

Открыть криптокошелек не сложнее, чем открыть банковский счет. Завести биткойн-кошелек можно анонимно, что способствует коррупции.

Например, в России, Бразилии, Португалии и Великобритании поймать чиновника-взяточника

можно, если он сам или члены его семьи в течение года израсходуют на покупку недвижимости, машин, ценных бумаг сумму, превышающую трехлетний доход чиновника. Тогда будет принято решение о контроле за расходами этого чиновника. Иными словами, если госслужащий задекларировал 80 млн. сум доходов и купил квартиру за 800 млн. сум на взятку в криптовалюте, его будет ждать проверка. Конечно, здесь нужно создать правовую основу.

Второй вариант поймать недобросовестного чиновника можно через IP адреса. В 2014 году Российские специалисты по шифрованию, работающие в Университете Люксембурга А.Бирюков, Д.Ховратович и И.Пустогаров (группа Crypto Lux) опубликовали свою работу по исследованию работы сети биткоин и анонимности транзакций в ней. Из их работы следует, что возможно привязать биткоин-адреса к IP-адресам пользователей, даже если те находятся за NAT¹⁰ или firewall¹¹ или пользуются сетью Tor. Для привязки понадобится всего пара обычных компьютеров и бюджет в 2.000\$.

Эффективность деанонимизации по мнению исследователей составляет до 60%. Кроме того, этот метод позволяет «склеивать» транзакции, когда несколько операций с разными адресами, но сделанные на одном компьютере, будут связаны вместе. В работе, в частности, отмечается, что успешность атаки лежит в пределах от 11% до 60% раскрытых IP-адресов. Конечная цифра зависит только от того, насколько атакующий хочет быть скрытым.

Ранее уже проводились исследования сети с целью корреляций разных транзакций и привязывания их к одному пользователю (правда, без раскрытия IP-адреса) путём анализа цепочки блоков. Подход из данной работы основан на анализе трафика сети в реальном времени. Когда вы намереваетесь осуществить транзакцию в сети, ваш клиент подключается к набору из восьми серверов. Это входные ноды,¹² их набор уникален для каждого пользователя. При совершении транзакции через ваш кошелек входные ноды пересылают информацию о транзакции в сеть биткоин. Суть метода в том, чтобы идентифицировать набор входных нод, через них – кошелек, а через него – пользователя. В этом случае IP-адрес клиента можно связать с его транзакциями. Даже если несколько пользователей находятся за NAT и одновременно работают с сетью, у каждого из них будет свой набор из восьми нод, который отличит его от остальных. Кроме того, несколько несложных технических шагов позволят запретить выходным нодам Tor проводить транзакции¹³.

Естественно, что пользователи веб-кошельков таким образом идентифицированы не будут, все транзакции будут привязаны к адресу веб-сервера, где находится кошелек. Но пользователи веб-кошельков уже доверили свои данные третьей стороне и в каком-то смысле, уже раскрыты.

В мае 2018 года обнародован законопроект «О государственной службе». Законопроектом предлагается обязать всех госслужащих (кроме сотрудников технической группы) ежегодно предоставлять декларацию об имуществе, сведения о своих доходах и крупных расходах.

Госслужащие будут обязаны предоставлять декларацию об имуществе, доходах и аналогичных расходах членов своей семьи, включая родителей, супругов, детей, в том числе усыновленных.

Законопроектом могут установить для отдельных категорий госслужащих дополнительные требования к декларированию имущества, доходов и крупных расходов, в том числе расширенный круг членов семьи, включаемых в декларацию¹⁴.

Если служащий предоставит недостоверную или неполную информацию (или же не предоставит вовсе), то это считается основанием для уголовной или иной ответственности.

Но к сожалению, закон всё еще остается проектом.

На основе вышеизложенного необходимо:

1. Подготовка специалистов по специальностям «Информационная безопасность», «Защита информации и информационно-телекоммуникационных сетей», «криптографическая система» в высших учебных заведениях МВД, Генеральной прокуратуры, СГБ и др. с целью дальнейшего комплектования правоохранительных органов профессиональными и компетентными сотрудниками.

При этом следует также осуществлять повышение квалификации и профессорско-преподавательского состава вышеуказанных вузов, включая проведение стажировок, обмена опытом, мастер-классов, семинаров в соответствующих образовательных учреждениях за рубежом, а также в иностранных компаниях, занимающихся информационной безопасностью, защитой информации, разработкой антивирусного программного обеспечения, блокчейн лабораториях.

2. Создание в технических вузах, а также в Академии Генеральной прокуратуры, Академии МВД, Институте СГБ, Таможенный институт Государственного таможенного комитета научно-исследовательских лабораторий по разработке и модификации программных систем компьютерной защиты.

3. Создание новых и совершенствование существующих методик выявления компьютерных

преступлений с привлечением узкопрофильных специалистов в области информационной безопасности.

4. Принятие Закона «О государственной службе» для декларирования доходов и других расходов государственных служащих и их членов семьи.

5. В законодательстве Республике Узбекистан ответственность за нарушения норм в сфере криптографических валют не указано. **Целесообразно дополнить пункт 3 статьи 210 Уголов-**

ного кодекса Республики Узбекистан предложением: «(в) в виде криптографической валюты». При квалификации преступлений судам и правоохранительным органам необходимо учесть специфику специальных знаний взяткополучателя, так как при получении взятки в виде криптографической валюты взяткополучатель знает всю криптографическую систему это же в свою очередь приводит к осложнению раскрытие преступлений правоохранительными органами.



¹ Мареева Л.А. Криптовалюта: мировой опыт и Российская действительность // Вестник образовательного консорциума «Среднерусский университет». 2017. N 10. С. 22-23.

² Постановление Президента Республики Узбекистан « О мерах по организации деятельности криптобирж в Республики Узбекистан» № ПП-3926 от 02.11.2018 года.

³ Федорова А.Ю., Дорожкина Н.И. Криптовалюта: аналог реальным деньгам или орудие мошенничества? // Ученые записки Тамбовского регионального отделения Вольного экономического общества России. 2017. Т. 18. N 1-2. С. 35-39.

⁴ Bloomberg J. Using Bitcoin Or other cryptocurrency to commit crimes? law enforcement is onto you. <https://www.forbes.com/sites/jasonbloomberg/2017/12/28/using-bitcoin-or-other-cryptocurrency-to-commit-crimes-law-enforcement-is-onto-you/#32afae753bdc>. Date of application: 27.12.2018.

⁵ Sharapov R.D., Farberova L.I. Illegal rendering of services of a property character as a subject of bribery. Criminal law, 2014, no. 2, pp. 88-95.

⁶ Devis M. Jackson pastor sentenced to five years in Bitcoin scheme 03.10.2017. <https://www.app.com/story/news/crime/jersey-mayhem/2017/11/03/jackson-pastor-sentenced-five-yearsbitcoin-scheme/829670001/>. Date of application: 28.12.2018.

⁷ Aaron van Wirdum. Venezuela Seems to Be Cracking Down on Bitcoin. <https://bitcoinmagazine.com/articles/venezuela-seems-be-cracking-down-bitcoin/>. Date of application: 28.12.2018.

⁸ Кабанов К. В. Войдут ли в моду криптовзятки? 16.01.2018г. <http://www.president-sovet.ru/members/constitution/read/24>. Дата обращения: 28.12.2018г.

⁹ Юдина П. Чиновники смогут брать взятки криптовалютами. Электронное периодическое издание «Ведомости» (Vedomosti) от 24.01.2018г. https://www.vedomosti.ru/management/articles/2018/01/24/748769-chinovniki-vzyatki-kriptovalyutami#_. Дата обращения: 27.12.2018г.

¹⁰ Преобразование сетевых адресов

¹¹ Технологический барьер, предназначенный для предотвращения несанкционированного или нежелательного сообщения между компьютерными сетями или хостами.

¹² Нода (от лат. nodus — узел) — это любой компьютер, подключенный к блокчейн-сети.

¹³ Biryukov A., Khovratovich D., Pustogarov I., Deanonymisation of clients in Bitcoin P2P network, CoRR, vol. abs, 2014: P.14-16.

¹⁴ Проект закона Республики Узбекистан «О государственной службе». <https://regulation.gov.uz/ru/documents/2373>. Дата обращения: 27.12.2018г.

Исоқов Лукмонжон Холбоевич,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
мустақил изланувчиси

МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

◆ Ушбу мақолада миграция соҳасида қонун устуворлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, миграция соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалар таҳлил қилинади. Бундан ташқари, мазкур соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

◆ В данной статье рассмотрены особенности обеспечения верховенства закона в миграционной сфере. А также, анализируются задания, вытекающие из нормативно-правовых документов, направленных на регулирование правовых отношений в миграционной сфере. Кроме того, речь идет о роли и значении органов прокуратуры в реализации надзора над исполнением законов в данной сфере.

◆ This article describes the features of ensuring the rule of law in the migration sphere. Also, the tasks arising from regulatory documents aimed at regulating legal relations in the migration sphere are analyzed. In addition, the role and importance of the prosecution authorities in the carrying out supervision over the compliance of laws in this area are discussed.

Таянч сўзлар: Конституция, коррупция, меҳнат миграцияси, мигрант, миграция, миграция жараёни, прокурор назорати, қонун устуворлиги, ҳуқуқ.

Ключевые слова: верховенство закона, Конституция, коррупция, миграция, миграционный процесс, мигрант, право, прокурорский надзор, трудовая миграция.

Key words: Constitution, corruption, labor migration, law, migrant, migration, migration process, prosecutor's supervision, rule of law.

Ҳозирги кунда миграция жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгалламоқда. Мигрантларнинг кўчиб келиш ёки кетишлари давлат ва унинг ҳудудларидаги аҳоли кичдорига таъсир кўрсатувчи манбалардан бири ҳисобланади. Хусусан, глобализация шароитида фуқароларимизнинг чет элга меҳнат қилиш мақсадида чиқишлари, хорижий ма-лакали мутахассислар ва ватандошларимизнинг юртимиз ривожланишига ҳисса қўшиш учун келишлари каби аҳоли ҳаракатланишини табиий ходиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга эришилганлигини таъкидлаб, «Бизнинг бу борадаги позициямиз аниқ: одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқиши керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим. Бунинг учун давлатимиз барча шароитларни яратиб беришга тайёр¹», деб алоҳида урғу берди.

Бинобарин, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг миграция соҳасидаги давлат бошқарувини янги поғонага кўтаришда мустаҳкам замин ҳисобланади.

Бирок, Ўзбекистоннинг айна пайтдаги миграция қонунчилиги бир бутун жамиятимиз меҳнаткашлари ва иш берувчиларининг иқтисодий, ижтимоий ва демографик ривожланишининг ҳозирги ҳамда истиқболдаги эҳтиёжлари учун тўлиқ жавоб бера олмайди. Чунки аҳоли кўчишини тартибга солувчи амалдаги қонунчилигимиз замонавий тенденциялар билан ҳамоҳанг эмас.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»-ги Фармони² биноан, «Меҳнат миграцияси тўғрисида»³ Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш каби вазифани бажариш 2017 — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастуридан жой олган эди. Орадан икки йил ҳам ўтдики, ушбу қонун лойиҳаси кенг жамоатчиликда муҳокама этилган бўлса ҳам, қабул қилиш жараёни ўз якунига етмаган.

Қолаверса, мазкур қонун лойиҳасида истиқболда миграцияга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилиниши натижасида унинг имплементация қилиш билан боғлиқ у ёки бу халқаро нормаларга мувофиқлиги, шунингдек “ма-софавий электрон бандлик” ёки “телемеҳнат” каби янги тенденциялар ҳисобга олинмаган. Фикримизча, мазкур Қонун лойиҳасида юқоридаги таклифлар ўз ифодасини топиши ёки “Аҳоли миграцияси тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқи-ши мақсадга мувофиқ бўлади.

Миллий қонунчилигимизда **ички миграция** ва **ташқи миграция** тушунчаларига ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва батафсил таъриф берилмаган. Жумладан, ички миграцияни ҳуқуқий тартибга солиш турли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айниқса, ички ишлар соҳасидаги буйруқларда белгиланган бўлиб, уларнинг кўплигидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизия нормалар келиб чиқиши табиийдир.

Миллий қонунчилигимизда **қочоқлар** ва **мажбурий кўчирилганлар** каби аҳоли миграциясига қирувчи алоҳида шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган.

Хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқларини мустақкам ҳимоялаш учун БМТнинг “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” Конвенцияси⁴ ратификация қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бирга, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз самарасини бераётганлигини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Албатта, ўтган давр ичида миллий қонунчилигимизда ички миграция йўналишида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4008-сон қарорининг 7-бандига биноан Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги зиммасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши вазифаси юклатилди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

3126-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида прокуратура, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларига паспорт тизими, Ўзбекистон Республикасига кириш, ундан чиқиш ва унда бўлиш қоидаларини бузган шахслар ҳақида ахборот тақдим этиши кўзда тутилган⁶.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори⁷ билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги зиммасига тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатига кўмаклашиш вазифалари ҳам қўйилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда миграция муносабатлари соҳасидаги инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик талабларининг вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши устидан прокурор назорати амалга оширилади. Айни пайтда миллий ҳуқуқ тизимимизда ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир бутун меъёрий ҳужжатлар тўплами шаклланган. Бироқ, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққий топиб бориши, афсуски, миграция соҳасида турли қоидабузарликларни келтириб чиқараётганлиги боис, ҳуқуқий ҳимоянинг зарурий чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, жараённи ҳар томонлама таҳлил қилиш заруратини тақозо этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йиллар давомида миграция соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари прокуратура органлари томонидан тобора кўпроқ аниқланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Мазкур тенденция миграция соҳасидаги асосий фаолият кўрсатувчи идораларнинг айрим ходимлари коррупциялашиб бораётганлигидан дарак беради. Масалан, давлат томонидан миграция географиясини кенгайтириш мақсадида амалга ошириладиган ва яратилаётган имкониятлар (Шарқий Европа, Шарқий Осиё, Яқин Шарқдаги мамлакатлар билан ишчи кучини етказиб бериш бўйича икки томонлама келишувлар) меҳнат мигрантлари учун хорижий мамлакатларда ишлаш жозибадорлигини янада ошириши табиийдир. Конкурс асосида номзодларни танлашда айрим ҳолларда шаффофлик принципига амал қилмаслик турли коррупция ҳолатларини ва аҳоли норозилигини келтириб чиқариши мумкин.

Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам мавжуд. Бу, одам савдоси муаммосини келтириб чиқарадиган ноқонуний миграция масаласидир. Гарчи, меҳнат бозори инфратузилмасини яхшилашга, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни⁸ кучга кирган бўлса-да, меҳнат миграциясига шайланган фуқароларимиз хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланиш учун унчалик ҳам шошилмаяпти. Бинобарин, ишонмаслик илдизи яқин тарихга бориб тақалади, яъни ўтмишда никоҳ агентликлари хизматидан фойдаланганларнинг аксарияти одам савдоси қурбонига айланганликлари сир эмас.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бажарса-да, унинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида прокуратура органларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Биргина Тошкент шаҳри мисолида ўтган даврга нисбатан ушбу жиноят 2018 йилда 65 фоизга камайганлигини (одам савдоси жинояти 2017 йилда 49 та, 2018 йилда 17 тани ташкил қилган) кутатишимиз мумкин⁹.

Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги алоҳида муаммолар непрофессионаллик ва айрим назорат органлари мансабдор шахсларининг коррупцияга мойиллиги каби “инсон омили” билан боғлиқ. Бироқ, миграция муносабатлари соҳасидаги салбий тенденцияларга ҳуқуқни қўлловчи органларнинг ҳаммаси ҳам тегишли равишда қаршилиқ кўрсатавермайди. Бундай вазиятларда прокуратуранинг назорат фаолияти ва прокурорлар томонидан қўлландиган таъсир чоралари миграция муносабатлари иштирокчилари ҳуқуқла-

рининг асосий юридик кафолатларидан бири ҳисобланади.

Шу тариқа, Ўзбекистонда миграция сиёсатини амалга ошириш бўйича ягона концептуал ҳуқуқий асос йўқлиги боис норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-институционал йўналишларда бир қатор муаммолар учрайди. Ушбу икки асосий муаммонинг сабаби миллий миграция сиёсатининг ягона концепцияси йўқлигида, деб ўйлаймиз. Бунинг оқибатида бир қатор салбий таъсирлар юзага келиши мумкин.

Хуллас, Ўзбекистондаги миграция масаласининг комплекс муаммоларига ягона ечим — *Миллий миграция концепциясини* ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Концепция куйидаги асосий вазифалар, яъни норматив-ҳуқуқий муаммони бартараф этишга қаратилган “Миграция кодекси”ни ишлаб чиқиш ва ташкилий-институционал муаммони бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси”ни тузиш ҳамда идоралараро хусусиятга эга Миграция бўйича давлат қўмитасини таъсис этишдан иборат бўлиши мумкин.

Мазкур Концепциянинг қабул қилиниши ва амалиётга қўлланиши натижасида миграциядан тушадиган пул ўтказмаларининг кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги ҳиссаси ошади; инсон капиталини ривожлантиришга сармоя киритилади; ички меҳнат бозоридаги танглик пасаяди; замонавий технологияларнинг импорти тезлашади; мамлакатнинг кескин иқтисодий ривожланишига кўмаклашилади; юқори малакали ватандошларимиз Ўзбекистонда доимий ёки вақтинчалик яшашлари мақсадида эркин миграция учун зарур шарт-шароитлар яратилади; таълим олиш ёки меҳнат қилиш учун чет элга доимий яшашга кетган эмигрантларни Ватанга қайтишлари рағбатлантирилади; номақбул тоифадаги иммигрантларнинг Республика ҳудудига ноқонуний кириб келишининг олди олинади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 июнь.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилганлигига қарамай, шу ўринда “Ташқи” сўзи қўшилган

⁴ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml (БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 18 декабрдаги 45/158-сонли резолюцияси билан қабул қилинган)

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2018 й., 07/18/4008/2168-сон

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 28-сон, 644-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон

⁹ Батафсил қаранг: <https://iibb.uz/ru/news/proshlo-soveschanie-guvd-tashkenta-po-problemam-borby-s-torgovlej-ljudmi>

Икромов Сардор Сайдмахмудович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг
бўлим бош инспектори, мустақил тадқиқотчи

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ИНСТИТУТИНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- ◆ Мақола юридик шахслар жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларни таҳлил қилишга бағишланган.
- ◆ Статъя посвящена анализу норм международно-правовых документов, предусматривающих уголовную ответственность юридических лиц.
- ◆ The article is devoted to the analysis of the norms of international legal documents providing for criminal liability of legal entities.

Таянч сўзлар: жиноят, юридик шахс, жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, конвенция, коррупция, иқтисодий жиноят, экологик жиноят, терроризм, жазо ва бошқалар.

Ключевые слова: преступление, юридическое лицо, ответственность, уголовная ответственность, конвенция, коррупция, экономическое преступление, экологическое преступление, терроризм, наказание и др.

Key words: crime, legal entity, responsibility, criminal liability, convention, corruption, economic crime, environmental crime, terrorism, punishment, etc.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифани самарали бажаришда халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган нормалар ва ривожланган давлатлар жиноят қонунчилигида мувафакқиятли фойдаланиб келинаётган тажрибалардан оқилона фойдаланиш зарур.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, асосан ривожланаётган давлатларда халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан, юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилиши, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслигидан далолат беради.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш амалиёти юзасидан чет давлатлар тажрибаси

шуни кўрсатмоқдаки, юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тизими субъекти ҳисобланади.

Бугунги кунда илмий ва амалий давраларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётган мавзу юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш амалиёти ҳисобланади.

Мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар (Л.А.Абашина, М.Шугавара, М.Р.Муфтаҳ, Е.Ю.Антонова, С.Г.Демин¹) томонидан юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш зарурияти қуйидаги омиллар билан изоҳланмоқда:

— ташкилотлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши, шунингдек, иқтисодий ва бошқа турдаги жиноятларнинг (солиқ тўлашдан бўйин товлаш, сифатсиз маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, банк соҳасидаги фирибгарликлар, ноқонуний миграцияни ташкиллаштириш ва бошқа) содир этилиши натижасида жуда кўп миқдорда зарар етказилиши. Фуқаролик ва маъмурий қонунчилик доирасида ташкилотларга қўлланиладиган жарима миқдори етказилган зарар миқдорига мувофиқ келмайди (зарар қопланмай қолади);

— жиноятни содир этган жисмоний шахсни (юридик шахс бошлиғини ёки вакилини) жиноий жавобгарликка тортиш ташкилот томонидан бошқа жисмоний шахс орқали ўз жиноий ҳаракатларини давом эттирмаслигига кафолат бермайди;

— аввал режали иқтисодиёт даврида мустақил ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд бўлмаганлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий мақсади фойда олиш бўлган ташкилот ва корпорацияларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳар бир бўғинида юридик шахсларнинг тутган ўрнини инкор этиб бўлмаслиги;

— жиноят содир этиш учун ташкил этилган юридик шахслар қонуний фаолият юритаётган юридик шахслар учун назарда тутилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш орқали содир этилган жиноят ва унинг оқибатларини яшириши.

Фаол мунозараларга сабаб бўлаётган ушбу масала юзасидан турли ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатлар томонидан кўрилатган чораларни мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, бугунги кунда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик институтини назарда тутувчи бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, 1929 йилда Бухарест шаҳрида ўтказилган Жиноят ҳуқуқи бўйича халқаро конгрессда мазкур институтни амалга татбиқ қилиш масаласи кўриб чиқилган. 1946 йилда Нюрнберг жараёни давомида Халқаро трибунал давлат ва унинг ташкилотлари халқаро жиноятчилик субъекти бўлиши мумкинлигини эътироф этган. 1978 йилда Европа Кенгашининг Жиноят муаммолари бўйича қўмитаси аъзо давлатлар қонунчилик органларига юридик шахсларни экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлик субъекти сифатида белгилашни тавсия қилган².

БМТнинг юридик шахслар жавобгарлиги юзасидан қабул қилган дастлабки ҳужжатларидан бири 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда барча иштирокчи-давлатлар учун криминализация қилиш мажбурий бўлган ҳолатлар рўйхати белгиланган³.

Конвенциянинг 10-моддаси юридик шахслар жавобгарлигига бағишланган бўлиб, унда ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган ҳолда, уюшган жиноятчиликка алоқадор жиддий жиноятлар иштирок этганлиги учун юридик шахсларни жавобгарликка тортишни талаб қилувчи чоралар кўриши белгиланган.

Ушбу ҳужжат юридик шахслар учун турли кўринишдаги жавобгарлик чоралари – жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий чоралар қўлланилиши мумкинлигини эътироф этади.

Шунингдек, ҳужжатга мувофиқ, юридик шахсларнинг жавобгарликка тортилиши жиноятни содир

этан жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигини истисно этмайди.

Юридик шахсларга қўлланилиши мумкин бўлган жазо масаласида мазкур Конвенция талабларига кўра, ҳар бир иштирокчи-давлат жавобгарликка тортилатган юридик шахсга нисбатан самарали, миқдорий жиҳатдан пропорционал ва тийиб турувчи жиноий ёки жиноий бўлмаган санкцияларни қўллаш мажбуриятини олади.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлиги масаласини тартибга солувчи БМТнинг кейинги ҳужжати 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенцияси бўлди.

Мазкур ҳужжатнинг 26-моддасида юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясидан фарқли равишда, юридик шахслар жавобгарлиги аввалдан белгиланган рўйхат билан чекланмайди, балки Коррупцияга қарши конвенцияда назарда тутилган ва юридик шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган барча жиноятлар учун қўлланилиши мумкинлиги таъкидланган⁴.

Бундай жиноятларга хорижий мансабдор шахсни ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсини пора эвазига оғдириб олиш (16-модда) ҳамда ноқонуний қўлга киритилган мол-мулкни яшириш (24-модда) каби жиноятларни мисол келтириш мумкин.

БМТнинг ушбу конвенцияси ҳам юридик шахслар жавобгарлик чоралари турлари ва қўлланиладиган жазога бўлган талаблар бўйича Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси нормаларини такрорлайди.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлиги масаласи минтақавий халқаро ташкилотларнинг тартибга солиш предметига айланган бўлиб, экспертларнинг фикрига кўра, улар орасида фаол иштироки билан Европа Кенгаши ажралиб туради. Хусусан, 1999 йил 27 январда Европа Кенгаши томонидан Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция қабул қилинган бўлиб, аъзо давлатларнинг коррупциявий ҳаракатларни криминализация қилиш ҳамда нафақат жисмоний, балки юридик шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш юзасидан мажбуриятини назарда тутди⁵.

Конвенциянинг 1-моддаси «d» бандида берилган тушунтиришга кўра, юридик шахс деганда амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ бундай мақомга эга бўлган ҳар қандай тузилма тушунилади, бундан давлат ва давлат ваколатини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда ҳукуматлараро ташкилотлар мустасно.

Юридик шахслар жавобгарлигига бағишланган 18-моддада содир этилган жиноятлар учун юридик шахсларни жавобгарликка тортишни таъминловчи қонунчилик ва бошқа чораларнинг давлатлар томонидан қабул қилиниши белгилаб

қўйилган. Жиноятнинг жисмоний шахс (индивид) томонидан корпоратив ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда содир этилишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ҳуқуққа эга жисмоний шахслар қонунбузарликка йўл қўйган тақдирда юридик шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши назарда тутилган:

— мазкур юридик шахсни тақдим қилиш ҳуқуқига эга бўлса;

— юридик шахс номидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса;

— юридик шахс доирасида назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса.

Шунингдек, Европа Кенгаши томонидан 2005 йил 16 майда Терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади иштирокчи-давлатларнинг мазкур соҳадаги савб-ҳаракатини жонлантириш ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатнинг 10-моддасига мувофиқ, юридик шахслар жавобгарлиги фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик шаклида бўлиши, жавобгарлик чорасини танлашда 11-моддада келтирилган принциплар, яъни самарали, миқдорий жиҳатдан пропорционал ва тийиб туриш мезонлари асосида белгиланиши кўрсатилган. Мазкур Конвенцияда ҳам юридик шахсга нисбатан жавобгарлик чораси қўлланилиши жисмоний шахснинг жиноий жавобгарлик масаласини истисно этмаслиги таъкидланган⁶.

Таҳлил қилинаётган мавзу билан боғлиқ Европа Кенгашининг навбатдаги ҳужжати 2001 йил 23 ноябрда қабул қилинган Компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятчилик тўғрисидаги конвенция ҳисобланади.

Конвенциянинг жисмоний ва юридик шахсларга тегишли қоидалари «компьютер маълумотлари ва тизимларининг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига қарши жиноятлар»нинг қуйидаги таркибини назарда тутди⁷:

- қонунга хилоф равишда кириш;
- ноқонуний маълумотларни эгаллаб олиш;
- маълумотларга таъсир кўрсатиш;
- функционал тизимга таъсир кўрсатиш;
- қурилмалардан ноқонуний фойдаланиш.

Конвенциянинг 12-моддасида юридик шахслар фойдасига ҳар қандай алоҳида жисмоний шахслар ёки юридик шахс таркибига кирган ва унда юқори лавозимга эга бўлган жисмоний шахс томонидан содир этилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун аъзо давлатлар қонунчилик органлари томонидан юридик шахсларни жавобгарликка тортишни таъминловчи чоралар кўрилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Конвенцияда жисмоний шахс томонидан раҳбарлик ёки назоратнинг амалга оширилмаслиги натижасида юридик шахс фойдасига содир этилиши мумкин бўлган жиноятга ша-

роит яратиб берилиши ҳолати учун ҳам аъзо давлатлардан юридик шахсга нисбатан жавобгарлик ўрнатилишини таъминловчи чоралар кўрилиши белгиланган.

Жисмоний ва юридик шахслар жиноятчилигининг халқаро характерга эга бўлаётган ва хавфли шаклларига қарши курашишга йўналтирилган умумий сиёсатни олиб бориш мақсадида, Европа Кенгаши томонидан 2005 йил 16 майда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳамда терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги конвенция қабул қилинган.

Мазкур Конвенциянинг 10-моддасига мувофиқ, жиноий даромадларни легаллаштириш ва қуйидаги предикат жиноятларни содир этганлик учун юридик шахсларга нисбатан жавобгарлик назарда тутилган⁸:

1. Уюшган жиноятчилик ва товламачиликда иштирок этиш;
2. Терроризм, жумладан, терроризмни молиялаштириш;
3. Одам савдоси ва ноқонуний миграция;
4. Инсонлардан, жумладан, болалардан шахвоний фойдаланиш;
5. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси;
6. Қурол-яроғнинг ноқонуний айланмаси;
7. Ўғирланган товарларнинг ноқонуний айланмаси;
8. Коррупция ва порахўрлик;
9. Фирибгарлик;
10. Қалбаки пул маблағлари айланмаси;
11. Контрафакт товарларни ишлаб чиқариш;
12. Экологик жиноятлар;
13. Қотиллик, баданга оғир шикаст етказиш;
14. Инсонларни ўғирлаш, эркинликни ноқонуний чеклаш ва шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш;
15. Босқинчилик ва ўғрилиқ;
16. Контрабанда;
17. Товламачилик;
18. Ҳужжатларни сохталаштириш;
19. Қароқчилик;
20. Инсайдерлик маълумотлари савдоси ва бозорни манипуляция қилиш.

Шунингдек, ушбу ҳужжат талабларига мувофиқ, жисмоний шахс томонидан унга берилган ваколат доирасида назоратни етарли даражада амалга оширмаслик натижасида юридик шахс фойдасига жиноят содир этилиши юзасидан аъзо давлатлар томонидан юридик шахсни мазкур жиноят учун жавобгарликка тортишни таъминлайдиган чоралар кўрилиши белгиланган.

Юридик шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва улар учун жавобгарлик масаласи Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳам тартибга солиш пред-

метига айланиб улгурган. Жумладан, ШХТ томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган Терроризмга қарши конвенциянинг 10-моддасида иштирокчи-давлатлар томонидан, ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур конвенция қамраб олган жиноятларга юридик шахсларнинг алоқадор бўлмаслигига қаратилган қонунчилик чоралари кўрилиши назарда тутилган. Агар юридик шахснинг ушбу жиноятга алоқадорлиги мавжуд бўлган тақдирда унга нисбатан жавобгарлик ўрнатилиши ва қуйидаги чораларни қўллаши белгиланган: оғоҳлантириш, жарима, юридик шахс мол-мулкни мусодара қилиш; юридик шахс фаолиятини тўхтатиб туриш; юридик шахс фаолиятининг алоҳида турини тақиқлаш; юридик шахсни тугатиш⁹.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлик институти назарда тутувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш якунида шуниси хулоса қилиш мумкин, мазкур институт халқаро майдонда тобора кенгроқ қўллаб-қувватланмоқда. Агар аввалги халқаро ҳужжатлар фақатгина умумий қақриқ ва тавсиялар билан чекланган бўлса, сўнгги йилларда қабул қилинган тегишли ҳужжатлар экологик, иқтисодий, коррупциявий жиноятларга ҳамда нафақат мамлакат хавфсизлигига, балки жаҳон ҳамжамиятига таҳдид солаётган терроризм ва экстремизм каби жиноятлар учун юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мажбуриятини юкламоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ ва ШХТнинг тегишли конвенциялари ратификация қилинганлигини ҳисобга олиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сонли Қароридан 2019 йил 1 декабрга қадар ЖК ва ЖПКнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, ушбу янги таҳрирларга юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласини киритиш;

— юридик шахслар учун жиноий жазо сифатида жарима, фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини маълум муддатга чеклаш ёки бутунлай маҳрум этиш, мол-мулкни хатлаш орқали етказилган зарарни қоплаш мақсадида мусодара қилиш ва юридик шахсни ликвидация қилишни белгилаш;

— давлат бошқарув органлари, тузилмалари, ташкилотлари ва давлатга юклатилган вазифаларни бажарувчи барча муассасалар юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтининг субъектига кирмаслигини белгилаш, бундан жисмоний ёки юридик шахс амалга оширадиган фаолият билан шуғулланаётган давлат органлари мустасно;

— жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида жиноий жавобгарликка тортилган юридик шахсларни ОАВ орқали намойиш этиш амалиётини йўлга қўйиш.



¹ Абашина Л.А. Юридическое лицо как субъект уголовной ответственности. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2008. – С 12-18; Masayuki Sugawara. Corporate criminal liability for manslaughter. The degree of Ph.D. – Bristol, 1999. – P 11-17; Mustafa Ramadan Muftah. Corporate criminal liability. An analytical study of the application of the criminal law to companies and to their directing management. The degree of Ph.D. – Edinburgh, 1992. – P 10-20; Антонова Е.Ю. Концептуальные основы корпоративной (коллективной) уголовной ответственности. Дисс. ... док. юрид. наук. – Владивосток, 2011. – С 47-51.; Демин С.Г. Пределы уголовной ответственности юридических лиц в России. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2014. – С. 23-49.

² Голованова Н.А. и др. Уголовная ответственность юридических лиц в международном и национальном праве – М.:Статут, 2013. С. 12-20.

³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 15.11.2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси.

⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 21.10.2003 йилдаги Коррупцияга қарши конвенцияси .

⁵ Европа Кенгашининг 27.01.1999 йилдаги Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси .

